



Доха декларацияси:
ҚОНУНГА ҲУРМАТ МАДАНИЯТИНИ
ТАРҒИБ ҚИЛИШ




адолат
учун таълим



Ўзбекистон
Республикаси Халқ
Таълими Вазирлиги

Барқарор, очиқ, адолатли ва хавфсиз
дунёни яратиш –
"Адолат учун таълим" ташаббуси
Бошланғич таълим даражаси учун дарс
режаси





МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ



© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2019 й.

Ушбу нашрдан Атрибутион-ШареАликке 3.0 ИГО (CC-бй-СА 3.0 ИГО) литсензиясига мувофиқ эркин фойдаланиш имконияти мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва Жиноятчиликка қарши бошқармаси ушбу материални манба сифатида ишлатадиган ҳар қандай нашрнинг нусхасини уларга жўнатишларини сўрайди.

Ушбу нашр материалларига ҳавола қилинган ҳолда муаллифлик ҳуқуқи эгасининг махсус рухсатисиз таълим ва нотижорат мақсадларда тўлиқ ёки қисман ва ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин.


Ушбу ҳужжат расман таҳрир қилинмаган. Бу нашрда ишлатилган номлар ва материаллар тақдимоти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти котибиятининг ҳар қандай мамлакат, ҳудуд, шаҳар ёки туман ҳамда уларнинг органлари, шунингдек, уларга тегишли бўлган ҳудуд ва чегараларни аниқлаш бўйича ҳар қандай фикрнинг ифодасидир.

МАСЪУЛИЯТДАН ВОЗ КЕЧИШ:











Ушбу нашрнинг мазмуни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва Жиноятчиликка қарши бошқармаси, аъзо давлатлар ёки уни тайёрлашда иштирок этган ташкилотларнинг нуқтаи назарини ёки сиёсатини акс эттирмайди ва уларнинг расмий розилигини билдирмайди.

Матн муаллифи: Кьяра Массарони




















Дизайн: Гаргамел Эстудио / Хуанпабло Авенданьо



Мундарижа

	Мавзу бўйича дарс режаси	Қадриятлар ва кўникмалар	Ёш	Муҳим саволлар	Болалар учун таълим вазифалари	Бетлар
01	Мен шундай жамиятда яшашни истардимки, унда...	«Қонун устуворлиги, адолат ва қонунчиликка риоя қилиш маданияти» Қадриятлар:  Кўникмалар: 	6 - 12	Жамиятимиз янада барқарор, адолатли, очиқ ва тинч бўлиш учун нима қилишимиз мумкин?	<ul style="list-style-type: none"> Жамиятимизни янада барқарор, адолатли, очиқ ва тинчлигини таъминлашга ёрдам берадиган хатти-ҳаракатлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини аниқлаш. Одамлар атрофимиздаги дунёни ҳимоя қилиш ва яхшилашга қандай ёрдам бериши мумкинлигини тушунтириш. Муайян ҳаракатлар қилиш ёки жамиятимизни янада барқарор, адолатли, очиқ ва тинчлигини таъминлашга ёрдам берадиган қадриятларга риоя қилишни бошлаш 	09-15
02	Интернетдан фойдаланиш хавфсизлиги	«Интернет хавфсизлиги ва кибер жиноятларнинг олдини олиш» Қадриятлар:  Кўникмалар: 	6 - 9	Қандай қилиб Интернетдан хавфсиз ва оқилона, шу булан бирга уни қизиқарли ташкил этган ҳолда фойдаланиш мумкин?	<ul style="list-style-type: none"> Онлайн муҳитда содир бўлаётган вазият ёки ҳаракатларда хавф бўлиши мумкинлигини англаш ва буни фарқлай олиш. Онлайн режимда вужудга келиши мумкин бўлган хавфли ҳаракат ёки вазиятларни олдини олиш бўйича қоидаларни шакллантириш. Интернет муҳитида дуч келиши мумкин бўлган турли даражадаги хавфли ҳаракат ёки вазиятларда фойдаланиш лозим бўлган стратегияларни белгилаш. 	16-21
03	Келинг, Интернетда бир-биримизни ҳурмат қилайлик	«Интернет хавфсизлиги ва кибер жиноятларнинг олдини олиш» Қадриятлар:  Кўникмалар: 	9 - 12	Қандай қилиб Интернетда ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни ташкил қилиш мумкин?	<ul style="list-style-type: none"> Онлайн ва реал ҳаётда мулоқотнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини англаш. Ҳурматсиз ва хушмуомала мулоқот мисолларини келтириш. Ҳар бир ёш категорияси учун онлайн муҳитда дуч келиши мумкин бўлган, ёқимсиз, хавфли ёки тушунарсиз вазиятларда амал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиш. Онлайн ва реал ҳаётда о'заро ҳурмат асосида ташкил этилган мулоқот қоидаларини ўрнатиш. 	22-26
04	Ҳар бир инсон қаҳрамон бўла олади	«Гендер тенглик» Қадриятлар:  Кўникмалар: 	6 - 9	Жинсий стереотиплар нима ва улар зарар етказиши мумкин?	<ul style="list-style-type: none"> Ҳар бир инсоннинг ўзига хос жиҳатлари борлиги тўғрисида ўйлаб кўриш. Гендер стереотиплар мавжудлигини англаш ва уларни танқидий баҳолаш. Нима учун стереотиплар зарар етказиши мумкинлигини англаш. 	27-36
05	Барчага ҳурмат	«Жиноятчиликнинг олдини олиш» Қадриятлар:  Кўникмалар: 	9 - 12	Стереотип ва ақида-лар нимани англатади? Қандай қилиб ҳар бир инсонга ҳурмат билан муомала қилишни ўрганиш мумкин?	<ul style="list-style-type: none"> «Ҳурмат» дегани нимани англатади. Стереотип ва ақидаларни кўра билиш. Стереотип ва ақидаларнинг салбий таъсирини тушуниш. Хилма-хилликка нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш. 	37-42

Мундарижа:

	Мавзу бўйича дарс режаси	Қадриятлар ва кўникмалар	Ёш	Муҳим саволлар	Болалар учун таълим вазифалари	Бетлар
06 Барчамиз ҳуқуқларга эгамиз	«Мажбурий меҳнат, одам савдоси ва муҳожирларни ноқонуний олиб кириш»	Қадриятлар:  Яхши муносабат  Адолат  Ҳурмат Навыки:  Танқидий фикрлаш  Эмпатия	9 - 12	Болалар қандай ҳуқуқларга эга ва бу ҳуқуқларга риоя қилишни қандай қўллаб-қувватлаш керак?	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳар бир боланинг ҳуқуқлари мавжудлиги ва нима учун болалар ҳуқуқларига эҳтиёж борлигини англаш. • Бола ҳуқуқларидан мисолларни кўриб чиқиш • Баъзи болалар бир хил бўлмаган ҳуқуқлардан фойдаланишларнинг англаш. • Ҳаракат режасини тузиш ва бола ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш. 	43-49
07 Хилма-хилликнинг буюк турфалари	«Тинч-товуликда яшаш, ҳурмат ва хайрли муносабат»	Қадриятлар:  Яхши муносабат  Адолат  Ҳурмат Кўникмалар:  Келишмовчиликларга ечим топиш  Эмпатия	9 - 12	Бизни бошқалардан фарқли қиладиган нарса нима? Нима учун фарқларимизни қадрлаш ва ҳурмат қилиш керак?	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳар бир инсоннинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини англаш. • Барча синфдошларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги ва улар бир биридан фарқ қилишига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш. • Хилма-хиллик ва фарқларнинг аҳамиятини тушуниш ва баҳолаш. 	50-56
08 Тўғри танлов	«Одоб-ахлоқ ва ҳалоллик»	Қадриятлар:  добросовестность  Ҳурмат Кўникмалар:  Келишмовчиликларга ечим топиш  Танқидий фикрлаш	6 - 9	Менинг ҳаракатларимнинг оқибатлари қандай? Нима учун тўғри ҳаракат қилиш муҳим?	<ul style="list-style-type: none"> • Бизнинг қабул қилаётган қарорларимиз ва амалга ошираётган ҳаракатларимиз ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниш (ўзимиз, бошқа одамлар ва атроф-муҳит учун). • Бошқа инсонлар ва атроф-муҳитга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ва уларни ҳурмат қилиш муҳимлигини англаш. • Қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ёки мавжуд вариантлардан қайси бирини мазкур ҳолатга нисбатан қўллаш мумкинлигини англаш. 	57-60
09 Одоб-ахлоққа оид саволларга ечим топиш	«Ҳалоллик, одоб-ахлоқ ва ростгўйлик»	Қадриятлар:  Ростгўйлик  Ҳалоллик  Ҳурмат Кўникмалар:  Танқидий фикрлаш  Эмпатия	9 - 12	Ростгўйлик, одоб-ахлоқ ва ҳалоллик нимани англатади? Нима учун бундан ҳеч ким кўрмаса ҳам доим тўғри иш қилиш муҳим? Нима учун ўйлаб гапириш ва айтилган гапларга жавоб бериш муҳим?	<ul style="list-style-type: none"> • «Ҳалоллик», «Одоб-ахлоқ» ва «Ростгўйлик» тушунчалари нима-ни англатишини тушуниш. • Бошқаларга нисбатан ростгўй ва ҳалол бўлиш қанчалик муҳимлигини ўйлаб кўриш. • Нима учун сўзлар ҳаракатлардан ажралиб турмаслиги муҳимлигини англаш. • Ахлоқсиз бўлган хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини аниқлаш. 	61-69





Кириш

Бугунги кунда болалар аввалги авлодларга номаълум бўлган кўплаб муаммолар ва хавф-хатарларга дуч келмоқда. Хусусан, бугунги кунда Интернет тармоқларида мураккаб ва хавфли вазиятларни кўплаб учратишингиз мумкин.

Болаларни бундай янги муаммоларга тайёрлаш ва уларни янги таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун уларни бошқа инсонларга нисбатан хушмуомала муносабатда бўлишга, ростгўй ва ҳалол бўлиш, тўғри қарор қабул қилишга ўргатиш муҳимдир. Ушбу билимлар болаларга янада барқарор, очиқ, адолатли ва хавфсиз дунёни яратишга ёрдам беради.

Болаларга ушбу билимларга эга бўлиш, жамиятга ижобий таъсир кўрсатиш ва бошқаларга ўрнак бўлиш учун ўқитувчилар, ота-оналарнинг ёрдами билан уларга зарур қадриятлар ва кўникмаларни ўргатишлари керак.

«Адолат учун таълим» ташаббуси (Е4J) нимани англатади?

«Адолат учун таълим» - бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва Жиноятчиликка қарши бошқармасининг (UNODC) ташаббуси. У Доха декларациясини амалга ошириш бўйича Глобал дастурнинг элементларидан бири бўлиб, болалар ва ёшлар ўртасида қонунга ҳурмат маданиятини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу мақсадга эришиш учун болаларга Жиноятчиликнинг олдини олиш ва қонун устуворлиги масалалари бўйича ёшга мос ўқув материалларини тақдим этиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Бошланғич таълим даражасида (6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун) «Адолат учун таълим» ташаббуси орқали тақдим этиладиган ўқув материаллар ва ресурслар ўқувчиларга ҳар қандай келишмовчиликларга ечим топиш, танқидий фикрлаш, эмпатия ва жамоада ишлаш каби кўникмаларга эга бўлишга, шунингдек, болаларда меҳр-муҳаббат, адолат, ҳалоллик ва ҳурмат каби қадриятларни шакллантиришга қаратилган.

Мазкур ташаббус доирасида тақдим этиладиган ресурслар ва ўқитиш имкониятлари 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартибида кўзда тутилган 17 та барқарор ривожланиш мақсадларига, яъни 4-, 5-, 10- ва 16- мақсадларига эришишга кўмаклашади.

Нима учун адолат ва қонун устуворлиги соҳасида таълим олиш керак?

Таълим қонунга итоаткорлик маданияти ошириш, жиноятчилик ва зўравонликни олдини олиш жараёнида муҳим ролни ўйнайди. Шунинг учун бу билимларни болаларга уларнинг бошланғич таълим даврида бериш керак. Кейин улар қонун устуворлиги тамойилини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ва жамиятимизга салбий таъсир кўрсатадиган глобал муаммолар ва умумий қийинчиликлар ҳақида фикр юритишлари мумкин. Ўз навбатида, бу болаларнинг ҳар биримиз қандай ўзгариш ўтказувчиси бўлиши ва янада барқарор, очиқ, адолатли ва тинчликсевар жамият қуришга ҳисса қўшиши мумкинлигини тушунишга ёрдам беради.





Ушбу қўлланма ким учун мўлжалланган?

Ушбу қўлланма 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар билан бошланғич таълим даражасида давлат ва нодавлат таълим тизимида ишлайдиган ўқитувчилар ва методистлар учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланманинг мазмуни

Ушбу қўлланмадан ўқитувчилар болаларга қонун устуворлигининг аҳамиятини тушуниш ва уларда ҳурмат маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган қадриятлар ва кўникмаларни ўргатишга ёрдам берадиган материаллар ўрин олган.

Қўлланма тўққизта дарс режаларини ўз ичига олади. Курслар турли хил тузилишга эга: баъзилари бошланғич синфларга (6 дан 8 ёшгача бўлган), бошқалари ўрта ва юқори (9 дан 12 ёшгача) синф ўқувчилари учун кўпроқ мос келади. Барча дарсларнинг режалари батафсил ва аниқ баён этилган. Услубий кўрсатмалар ёрдамида ўқитувчилар болалар билан барча вазифаларни осонгина бажаришлари мумкин.

Ушбу қўлланманинг дарс режаларини ишлаб чиқишда ҳаёт кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқитиш методикаси қўлланилди. Дарслар билимларни тушунарли қилиб тарқатиш, кўникмаларни ривожлантириш, қадриятларни тарбиялаш, муносабатлар ва хулқ-атворни шакллантиришга қаратилган. Дарслар болаларда меҳр-муҳаббат, адолат, ҳурмат, ҳалоллик каби муҳим қадриятларни тарбиялаш, шунингдек, танқидий фикрлаш, келишмовчиликларга ечим топиш, жамоада ишлаш ва эмпатия каби зарур кўникмаларга эга бўлиш учун мўлжалланган.

Дарсларда болаларга қаратилган ва фаол таълим тамойилларига асосланган ёндашув қўлланилади. У эрта ёшдаги болаларга иқтидорли ва малакали, жамиятнинг муҳим ва фаол аъзолари, ўз дунёсини мустақил равишда шакллантириш учун зарур билим ва қобилиятларга эга бўлган шахс сифатида муносабатда бўлишни назарда тутди. Болаларни ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан тўлдиришлари керак бўлган бўш идишлар сифатида кўриш бу жуда нотўғри. Аксинча, болалар ўзларининг эҳтиёжларига йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда иштирок этишлари ва уларнинг индивидуаллигини ҳисобга олишлари керак.

Барқарор, адолатли, очиқ ва хавфсиз дунёни яратишда ўқитувчининг ўрни

Ушбу қўлланмада тасвирланган сабоқларни муваффақиятли бажариш учун ўқитувчи синфда ҳам, ҳаётда ҳам болалар учун намуна бўлиши керак.

“Адолат учун таълим” ташаббуси орқали тарғиб қилинган кўникма ва қадриятларга асосланган таълим учун қулай муҳит яратиш муҳимдир. Бундай муҳит таълим, танқидий фикрлаш ва жамоавий ишни қўллаб-қувватлаши, шунингдек, болаларнинг ҳаётдаги ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ва бир-бири билан мулоқот қилишда кўрсатмалар ва ёрдам олишлари учун шароит яратиши керак.

Болаларга тавсия этилган мавзуларни биргаликда ўрганишга таклиф қилиш керак, уларнинг фикрлаш жараёнини рағбатлантириш ва уларга ўзини-ўзи ривожлантириш учун имкониятлар топишга ёрдам бериш керак. Ўқитувчи болалардаги ижодкорликни илҳомлантириш ва улар учун қонун устуворлигини тасдиқлаш ва янада жонли, адолатли, очиқ ва тинчликсевар жамиятни қуриш учун тўсиқларни бартараф этиш йўлларини топишлари учун имкониятни очиб бериши керак.





Ушбу қўлланмадан қандай фойдаланиш керак?

Ушбу қўлланмада кўрсатилган режалар бўйича дарслар интерактив ва қизиқарли бўлиши керак. Ўқитувчиларга ишлашга ижодий ёндашиш ва уларнинг билимларидан келиб чиқиб, дарсларни маҳаллий шароитга, диний қарашларга ва маданий ҳусусиятларга мослаштириш тавсия этилади.

Дарслар болаларни маълум бир мавзу бўйича олинган билимлардан фойдаланиб, кундалик ҳаётига қарашга йўналтирилган. Бунинг учун болаларга фикр ва тажриба алмашиш учун шароит яратиши керак, шунда улар янги мавзуларни биргаликда ўрганишлари ва улар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Қисқа маълумот:

Бунда дарс машғулоти БМТ НЖҚБнинг фаолиятининг қайси йўналишига мос келиши кўрсатилган.

ОНЛАЙНДА ҲАВФСИЗ ҲОЛАТДА БЎЛИНГ

Дарс режаси:
Қонун устуворлиги, адолат ва қонунга итоаткорлик маданияти.

Турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар:

- Дарс мактаб ичида ёки унинг ташқарисида Интернет тармоғига улашиш имкони бўлган болалар учун тўғри келади
- Дарс режаси элементларини ўзингизнинг ўқитиш усулингизга мослаштиришингиз мумкин.

Машғулот вазибалари:

Дарс якунида болалар куйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Онлайн ва реал ҳаётдаги мулоқотнинг ўхшашлиги ёки уларнинг фарқини аниқлай билиш;
- Ўзаро ҳурмат асосида ташкил қилинган ёки ҳурматсиз онлайн мулоқот турларидан мисоллар келтириш.
- Интернетда тушунарсиз, ҳавфли ёки номаъқул вазиятларга дуч келганда, инсонларнинг ёш ҳусусиятларидан келиб чиқиб, ҳаракатлар схемасини қўллаш;
- Онлайн ва реал ҳаётдаги мулоқот мобайнида ўзаро ҳурматни таъминлаш учун тегишли қонун-қоидаларни белгилаш.

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин

Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлаш**. **Мавзуга** оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсадида қўлланмада алоҳида «**Тавсиялар**» ҳамда «**Кўшимча вазибалар**» ва «**Оилавий машғулотлар**» ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот

Дарс ўқувчиларга реал ҳаёт ва онлайн муҳитнинг ўзаро ўхшашлик томонлари ва фарқлари тўғрисида асосий тушунчалар беришдан бошланади. Ўқувчилар онлайн муҳитнинг ижобий элементларини аниқлаш ҳамда ҳавфли онлайн-ахлоқ ёки ундаги дуч келишлари мумкин бўлган бошқа бир вазиятлар тўғрисида фикр юритишлари лозим бўлади.

Болалар ҳавфли вазиятларга дуч келганларида, Интернет тармоғида бўлганларида ўзларини ҳавфсиз муҳитда деб ҳисобламаган ва тушунарсиз ҳолатларда қандай қарор қабул қилишлари тўғрисида ўйлаб кўришлари муҳим. Улар Интернет тармоғида бўлишганда танқидий фикрлаш усулига ёндошган ҳолда асосий ҳавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқишлари лозим. Машғулот якунида Интернет тармоғида ҳавфсизликни таъминлаш бўйича бошқарув принципларини ишлаб чиқиш мақсадида ўқувчилар биргаликда ишлашлари муҳим бўлади.

Ушбу машғулот болалар Интернет тармоғида бўлиш жараёнида салбий ҳолатларга дуч келганларини аниқлашга йўналтирилмаганлигини эътиборга олинг. Бу жуда нозик масала ва шунинг учун ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш муҳим. Болаларга Интернет тармоғида кўрган, эшитган ва гувоҳи бўлган вазият ёки ҳолатлари ноқулай бўлиши мумкин. Ўқувчилардан Интернет тармоғини ишлатиш мобайнида дуч келган салбий ҳолатлари тўғрисида айтиб беришларини ҳеч ҳам илтимос қилманг. Бироқ, муаммо бўлса, уларни ноқулай ҳолатга туширмаслик учун ўта эътиборли бўлинг.

Асосий қисм:
Интернетдаги ҳавфсизлик ва киберхавфни оқибатли қилиш?

Ёш:
6 - 9 ёш

Қадриятлар:

Кўникмалар:

Давомийлиги:

Машғулотга тайёрларлик кўриш:

- Иккита қоғоз varaгини олиб, бирида бахтли, иккинчисида эса ҳомуш юзни тасвирлаб, хонанинг икки томонига илиб қўйинг
- Синф хонасининг полида чизиқ чизиб, ўқувчилар бемалол ҳаракатланишлари учун шароит яратинг
- Флипчарт ёки доска.
- Маркер.
- Имкон бўлса «**Зорблар: янги ҳаёт бошланиши**» мультипликацион фильми ёки **Е.А.У. сайтида** жойлаштирилган «Зорблар»нинг тегишли **комикси** тақдим этилса, мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари **zorlify.com** сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда Е.А.У. саҳифасидан болалар учун китоб ва **бух** дафтарлари билан ҳам танишишингиз мумкин.

Ёшни кўрсатиш тавсия этилади.


Бу ерда “Адолат учун таълим” ташаббусининг дарс машғулотига бағишланган қадриятлар ва кўникмалари кўрсатилган.

Дарс вақтини белгилаш тавсия этилади.

Синфдаги ўқувчилар сонига қараб, дарс қисқа ёки узоқроқ давом этиши мумкин; Уни бир ёки бир неча дарс мобайнида ўтиш мумкин.

Ўқитувчилар синфнинг ҳусусиятларига ва шароитларига қараб дарс вақтини тўғрилашлари тавсия этилади.





Дарс режаси таркиби

Ҳар бир дарс уч қисмга бўлинади:

Кириш

Асосий қисм

Фикрлаш

«Кириш» қисми дарс мавзуси билан танишишга бағишланган, «Асосий» қисмда ўқув машғулотининг асосий қисми тасвирланган.

«Фикрлаш» қисмидаги вазифалар болаларни ўрганилган материал ҳақида фикр юритиш, уни таҳлил қилиш ва билимларни чуқурроқ ўзлаштиришга мўлжалланган.

Барча уч қисми бир вақтнинг ўзида ўтиш тавсия этилади. Агар сизда етарли вақт бўлмаса, эҳтиёжларингизга қараб қисмларнинг давомийлигини қисқартиришингиз ёки уларнинг ҳар бирини алоҳида ўтказишингиз мумкин.



«Тавсиялар» бўлими

Ушбу қўшимчалар болалар билан дарс мавзусини муҳокама қилишни бошлаш ва давом эттиришга ёрдам берадиган маълумотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу маълумот нозик масалаларга мурожаат қилиш ва муайян мавзуларни чуқур ўрганиш имконини беради.

«Қўшимча вазифалар» бўлими

Мавзу Сизга қизиқарли туюлди ва сиз болаларга у ҳақида кўпроқ билишга ёрдам беришни хоҳлайсизми? Ушбу қўшимчалар ўқув машғулотини қандай тўлдириш ёки алоҳида таълим лойиҳасини қандай ташкил қилиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.



Қўшимча «Оилавий машғулот»



Қадриятлар ва кўникмаларни ўрганиш, шунингдек, тўғри хатти-ҳаракатларни шакллантириш учун мактабдан ташқари таълимни рағбатлантириш муҳимдир.

Болалар оила аъзолари билан уйда ишлаши мумкин бўлган оддий вазифалар бу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Болалар синфда ўтган мавзуларни ўрганишни давом эттирадилар ва шу билан ўз билимларини кенгайтирадилар.

Болаларга ушбу вазифаларни уйда бажариш ва иложи бўлса, синфда ўрганган нарсалар ҳақида айтиб беришни таклиф қилиш керак.





МЕН ШУНДАЙ ЖАМИЯТДА ЯШАШНИ ИСТАРДИМКИ, УНДА...

Дарс режаси:

Қонун устуворлиги, адолат ва қонунга итоаткорлик маданияти

Қўлланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар.



- «Тавсия»ларда кўрсатилган йўриқномага амал қилган ҳолда ҳамда зарур ҳолатларда ўқувчиларни ёш хусусиятидан келиб чиқиб дарс машғулотиغا тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Машғулот вазифалари:



Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Жамиятни янада барқарор, адолатли ва тинч масканга айланишига омил бўла оладиган шахсий хатти-ҳаракатлар ҳамда атроф муҳитнинг таъсирини аниқлаш;
- Жамиятни барқарорлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни асраб-авайлашда инсоннинг ҳиссаси қандайлигини таърифлаш
- Жамиятни янада барқарор, адолатли ва тинч маскан бўлишига ижобий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ҳамда қадриятларга амал қилиш.

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин:



Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий** қисм ва **Фикрлаш**. Бундан ташқари, мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада алоҳида **Тавсиялар** ҳамда **«Қўшимча вазифа»** ва **«Оилавий машғулотлар»** ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот:



Машғулот мақсади - ушбу дарс болаларни БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси томонидан илгари сурилган «Таълим адолат учун» (E4J) ташаббуснинг асосий тамойил ва қадриятлари билан таништиришдан иборат.

Янада барқарор, адолатли ва тинч жамиятни тасаввур қилганда, болалар атрофдаги инсонларга нисбатан ҳурматда бўлиши, атроф-муҳитни асраб-авайлаши ҳамда барча бирга бўлиб, ҳамжиҳатликда сайёрамизни ҳимоя қилишимиз муҳимлиги тушунчасига эга бўлишлари лозим.

Машғулот якунида болалар салбий вазиятларга ижобий ечим топиш йўлларини аниқлай билишлари лозим. Улар, жамиятни яна барқарор бўлиши учун ҳайрли ишларни амалга ошириш зарурлигини англашлари муҳим.



Асосий савол:

Жамиятимиз янада барқарор, адолатли ва тинч маскан бўлиши учун биз нима қила оламиз?

Ёш:

6 – 12 ёш

Қадриятлар:



Кўнималар:



Давомийлиги:



Машғулотга

тайёргарлик кўриш:

- Чизиш учун тегишли ўқув куроллари (ватман, рангли қаламлар)
- Коллаж учун керакли бўладиган инвентарлар (эски журналлар, қайчи, елим (клей), ватман ва плакат учун қоғоз варақлари)
- Маркерлар
- Флипчартлар
- Имкон бўлса **«Зорблар: янги хаёт бошланиши»** мультипликацион фильми ёки **E4J сайтыда** жойлаштирилган «Зорблар»нинг тегишли **комикси** тақдим этилса, мақсадга мувофиқ.

Кириш



1. Болалардан қуйидаги саволларга жавоб топишларини илтимос қилинг::
 - Жамиятингизда Сизга нималар ёқади?
 - Мамлакатингиз/шаҳрингизнинг атроф-муҳитида нималарни ёқтирасиз?
 - Инсонларнинг қарашлари ва хатти-ҳаракати тўғрисида фикрингиз қандай?
2. Болаларга мазкур саволларни жуфтликдаги гуруҳларда муҳокама қилишни тавсия қилинг. Бир неча дақиқадан сўнг ҳар бир жуфтликлардан ўз фикр ва мулоҳазаларини синф билан бўлишишларини илтимос қилинг. Уларнинг жавобларини флипчартга ёзинг.
3. Болалардан қуйидаги саволларга жавоб беришларини илтимос қилиб муҳокамани давом эттиринг:
 - Жамиятда нимани ўзгартириш ёки яхшилаш мумкин?
 - Сизнинг яшаш жойингиз атроф-муҳитига қандай ўзгартириш киритиш ёки унда нимани яхшилаш мумкин?
 - Инсонларнинг муносабати ва хатти-ҳаракатларида нимани ўзгартириш ёки яхшилаш мумкин?



Тавсиялар:

Мазкур дарс машғулотни доирасида «Жамият» сўзидан фойдаланинг. Ўз ўрнида, ушбу тушунча инсон ҳамжамиятининг турли кўринишларини англатиши мумкин. Булар дунё, мамлакат, давлат, ҳудуд, шаҳар, туман, дўстлар давраси, мактаб ёки синф сўзлари бўлиши мумкин.

Дарс машғулотига қатнашаётган ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқитувчи ҳамжамиятнинг аниқ бир кўринишини белгилаши лозим.

Кичик ёшдаги болалар ўзининг маҳалласи, мактаби ёки синфи ҳақида сўзлаб беришлари осонроқ. Ёши катта бўлган сари улар янада кенгроқ фикрлашади. Шунинг учун ёши катта ўқувчилар билан бутун дунёни ҳамжамиятига таъриф бериб, кенгроқ миқёсда мулоқот қилиш осонроқ.

Мулоқот жараёнида инсон ҳамжамиятини таърифлаш учун дарс машғулотига белгиланган аниқ тушунчадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, дарс бошида болалардан улар учун «жамият» сўзи нимани англатиши ҳамда жамиятнинг қайси бир тури тўғрисида мулоқот қилиш истагини билдиришаётганлиги тўғрисида сўзлаб беришларини илтимос қилишингиз мумкин.

Асосий қисм



Изоҳ. Агар «Зорблар: янги ҳаёт бошланиши» мультипликацион фильми ёки «Зорблар»нинг тегишли комиксини кўриш имкони бўлса, унда қуйидаги шартларни бажаришингиз лозим. Агар имкони бўлмаса унда 5-шартни ўтказиб юборинг.

1. Болалардан гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Ҳар бир гуруҳга флипчарт (доска), рангли қаламлар ва коллаж учун тегишли материаллар тарқатинг.
2. Болаларга кўзларини юмиб қуйидаги сценарийни тасаввур қилишларини тавсия қилинг:

Биз келажакдамиз. Бу 2040 йил! Барча жамиятимизни яхшилаш учун биргаликда ҳаракат қилишди. Биз энг барқарор, адолатли ва тинч сайёрада яшамоқдамиз. Барчаси биз истаганимиздек.

3. Болалардан кўзларини очиб тарқатилган материаллардан фойдаланган ҳолда ўзлари тасаввур қилган мукамал дунё ёки ҳамжамиятни тасвирлаб беришларини илтимос қилинг. Агар вақт етарли бўлса, уларга коллаж қилишни таклиф қилинг. Фикрларини шакллантиришга кўмаклашиши учун уларга қуйидагиларни уйлаб кўришни айтинг:
 - Атроф-муҳит қандай кўринишга эга? Кўчалар, ҳиёбонлар қандай? Сув ва ҳаво нимага ўхшайди?
 - Инсонлар қандай? Уларнинг хатти-ҳаракати, бир-бирига муносабати қандай?
 - Болалар нима қилишяпти? Катталар-чи?
 - Бундай дунёда яшашга муносабатингиз қандай? Қолган инсонлар ўзларини қандай ҳис қилишяпти?



Тавсиялар: Адолат учун таълим ташаббусининг кўникмалари ва қадриятлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Наркотиклар ва жиноятчиликни олдини олиш» Бошқармасининг «Адолат учун таълим» (E4J) ташаббуси ўқувчиларга жиноятчиликнинг салбий оқибатлари, қонун устуворлиги ва унга бўлган ҳурмат тўғрисида кўшимча тушунча, билим ва кўникмалар беришга йўналтирилган.

Болалар билан «Адолат учун таълим» ташаббусининг асосий тамойиллари тўғрисида суҳбатлашиш тавсия этилади. Мазкур тамойиллар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Наркотиклар ва жиноятчиликни олдини олиш» Бошқармасининг адолат, ростгўйлик, эмпатия, ҳурмат, ҳамдардлик, танқидий фикрлаш, жамоавий иш ва келишмовчиликларни бартараф этиш каби қадриятларни мужассам қилган ҳолда янада барқарор, тинч ва инклюзив дунёни яратишдаги ишларида кўмаклашади.

Сиз болаларни ҳар бир қадрият ва кўникманинг мазмун-моҳиятини муҳокама қилиш учун таклиф қилган ҳолда, нимага улар адолатли, барқарор ва тинч жамиятни шакллантиришга ёрдам бериши хақида биргаликда аниқлик киритишингиз мумкин.



Асосий қисм



4. Ҳар бир гуруҳдан ўзлари тайёрлаган ишларини тақдим этишлари ва юқоридаги саволларни муҳокама қилишларини илтимос қилинг. Зарурият бўлса, муҳокамани бошлаш ёки давом эттириш учун «**Тавсиялар: Адолат учун таълим кўникмалари ва қадриятлари**» бўлими маълумотлардан фойдаланинг.
5. Болаларга «Зорблар: янги ҳаёт бошланиши» мультипликацион фильмини кўришни таклиф қилинг ёки мавзуга оид тегишли кўмиксларни тарқатинг. Видеотақдимот ёки комиксларни ўқигандан сўнг, кейинги муҳокамага ўтиш учун қуйидаги саволлардан фойдаланинг:
 - Нима деб ўйлайсиз, бу ҳикоя бизга нимани ўргатмоқда?
 - Нима учун Интелла, Скутер, Сигнал ва Сентимо Зорбия сайёрасини тарк этишга қарор қилишди?
 - Нима учун Зорбия сайёрасидаги табиий ресурслар деярли қолмади?
 - Нима учун Интелла, Сентимо, Скутер ва Сигнал Ер сайёрасига қўнишга қарор қилишди?
 - Улар янги сайёрада қандай қизиқарли ва чиройли нарсаларни топишга эришишди?
 - Улар қандай салбий ҳодисаларга дуч келишди?



Фикрлаш



1. Болаларга қуйидаги саволларни бериб жавобларини Флипчартга ёзинг:
 - Жамиятимиз янада барқарор, адолатли, инклюзив ва тинч маскан бўлиши учун биз нима қила оламиз?
 - Мустақил равишда нима қилган бўлар эдингиз? Гуруҳ бўлиб нима қила оламиз?

2. Ҳар бир инсон ўз тасавуридаги мукамал жамиятни реал жамиятга айлантиришда ўз ҳиссасиси қўша олиши ҳамда ҳар бир ҳаракат унга ижобий таъсир кўрсата олишини болаларга тушунтиринг. Болалар – келажак бунёдкорлари, улар уни кўра билишади!


Мукамал дунё ҳақидаги тасавурларни реал ҳаётга айланишида ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, атроф-муҳитга бўлган муносабатни муҳимлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида «Тавсиялар: Адолат учун таълим ташаббусининг кўникмалари ва қадриятлари»даги гаплардан фойдаланишингиз мумкин.

3. Болаладан улар учун энг муҳим бўлган қадриятларни танлашни илтимос қилинг. Бу кейинчалик уларнинг синфдаги қадриятлари бўлади. Болаларни ўқув йили давомида ўзлари танлаган қадриятга асосланган ҳолда яшашга ҳаракат қилишлари муҳимлиги ва ушбу ҳаракатларнинг маҳсули уларнинг тасавурларидаги мукамал дунёни реал жамиятга айланишига сабаб бўлишини тушунтиринг.

4. Синфдаги ҳар бир қадриятга нисбатан, болаларни уларга эришиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида ўйлаб кўришларини илтимос қилинг.

Мисол учун, агар болалар бир-бирига нисбатан ҳурматда бўлишга қарор қилишган бўлсалар, бунинг учун қандай ҳаракатларни амалга ошириш кераклигини санаб ўтишсин («Мен ўзаро суҳбатлашаётган инсонларни гапини бўлмаيمان»; «Кўрқитиш турига кирадиган ҳар қандай уринишни тўхтатишга ҳаракат қиламан» ва х.к.з.).

Агар болалар кўрқитиш ёки зўравонлик каби ҳодисаларга гувоҳ бўлиб уни бартараф этиш учун ҳеч нарса қила олмасалар, унда энг яхши ечим бу мазкур ҳолат бўйича катталарни ҳабардор қилмоқ афзаллигини тушунтиринг.



Фикрлаш



«Бизнинг мукамал дунё» лойиҳаси факультатив машғулот

Ушбу машғулот - болаларни синфда, ўқиш жараёнида тасаввурларидаги мукамал дунёни реал жамиятга айлантириш мақсадида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишларига ундайдиган истиқболли лойиҳадир.

«Бизнинг мукамал дунё» лойиҳаси

Болалардан гуруҳларга бўлинишни илтимос қилинг. Ҳар бир гуруҳга қоғоз, рангли қаламлар ҳамда коллаж учун тегишли ўқув қуроллари ва материалларни тарқатинг.

Ҳар бир гуруҳдан ўзининг тасаввурларидаги мукамал жамият/дунёни реал ҳаётга айлантириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқишини илтимос қилинг. Уларнинг лойиҳаси қуйида келтирилган ҳар қандай ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкинлиги эслатиб ўтинг:

- ҳукуматга қарашли бўлмаган ёки маҳаллий ташкилотларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишиш мақсадида улар билан боғлиқлиги.
- ҳукуматга қарашли бўлмаган ёки маҳаллий ташкилотларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишиш мақсадида уларда кўнгилли сифатида фаолият юритиш билан боғлиқлиги.
- Тарғибот-ташвиқот ишлари: ўзларининг жамиятидаги муаммолари тўғрисида бошқалар билан суҳбатлашиш.
- Бошқаларни қўллаб-қувватлаш учун тегишли ресурсларни тўплаш.
- Уларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш ва бошқаларни хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни рағбатлантириш.

Ҳар бир гуруҳ ўз лойиҳасини аниқлаганидан сўнг, уларга тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда девор газетасини ясашларини илтимос қилинг.

Болалар ўзларига ёққан лойиҳага овоз берсинлар: Ҳар бир лойиҳанинг сарлавҳасини хонанинг турли бурчакларига жойлаштиринг ҳамда болаларга ўзлари ёқтирган лойиҳалари ёнида чизиқ чизишларини илтимос қилинг. Ўзининг лойиҳаси учун овоз бериш мумкин эмаслиги эслатинг. Энг кўп овоз тўплаган лойиҳа жамиятни янада барқарор, адолатни ва тинч масканга айлантиришга йўналтирилган ўқув лойиҳаси сифатида қабул қилинади. Лойиҳа янги ўқув йилидан қабул қилиниши ёки Сиз ўзингиз ҳар ой янги лойиҳаларни киритишингиз мумкин.

Лойиҳа танланганидан сўнг, болаларга унинг амалга ошириш режаси тузишда, шу жумладан бунинг учун керак бўладиган вақт ва ресурсларни аниқлаш ҳамда тегишли вазифаларни тақсимлашда кўмаклашинг. Кичик ёшдаги болаларга кўпроқ ёрдам керак бўлиши мумкин. Катта ёшдаги болалар ташаббусни ўз қўлларига олишга тайёр бўлишлари лозим.

Ҳар hafta ёки ойда бир неча маротаба лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилишга вақт ажратинг ва лозим бўлган ҳолатларга болаларга кўмаклашинг



Фикрлаш



Тавсиялар: Синф қадриятларини шакллантиришда гуруҳнинг ҳиссаси ва «Бизнинг мукамал дунё» лойиҳаси

Болаларнинг ёши, ривожланиш босқичи ва қизиқишларидан келиб чиқиб ушбу дарс режаси ҳар хил натижа беришини эсда тутинг.

Кичик ёшдаги болаларни кўпроқ кундалик ҳаётдаги масалалар кўпроқ қизиқтириши мумкин. Улар ўзларининг атрофдагилари ёки кундалик мактаб ҳаётидан келиб чиқиб, мукамал жамиятни тасаввур қилишлари осонроқ. Шунинг учун, уларнинг синфдаги қадриятлари ва мукамал лойиҳалари оддий кўринишда бўлиши мумкин. Мисол учун, синфни доим озодаликда сақланиши ёки ҳар куни эрталаб синфдош дўстлари билан қучоқлаб кўришиши ва х.к.

Аксинча, катта ёшдаги болалар эса кенгроқ фикрлашлари лозим бўлади. Мисол учун уларнинг синфдаги қадриятлари мактабдаги мавжуд салбий ҳолатлар, шу жумладан зўравонлик, бир-бирини устидан кулиш, қўпол муомалада бўлиш ёки коррупцияни олдини олиш каби вазиятлар бўлиши мумкин.


Оилавий машғулот: синфдаги қадриятлардан уйда ҳам фойдаланиш

Болалардан синфдаги қадриятлардан бирини танлаб уйда, оила аъзолари билан қуйидагиларни муҳокама қилишларини илтимос қилинг:

- Ушбу қадриятни уй, оила учун зарур деб ҳисоблайсизми? Нима учун?
- Ушбу қадриятга мос бўлиш учун биз уйда, ўзимиз ёки оиламиз даврасида нималарга риоя қилишимиз лозим?

Имкон бўлса, болаларга ўзлари танлаган қадриятга амал қилишларига кўмаклашадиган икки ёки учта усул тасвирланган плакатни тайёрлаб келишларини илтимос қилинг.





ОНЛАЙНДА ҲАВФСИЗ ҲОЛАТДА БЎЛИНГ

Дарс режаси:

Қонун устуворлиги, адолат ва қонунга итоаткорлик маданияти.

Турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар:

- Дарс мактаб ичида ёки унинг ташқарисида Интернет тармоғига уланиш имкони бўлган болалар учун тўғри келади
- Дарс режаси элементларини ўзингизнинг ўқитиш усулингизга мослаштиришингиз мумкин.

Машғулот вазифалари:

Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Онлайн ва реал ҳаётдаги мулоқотнинг ўхшашлиги ёки уларнинг фарқини аниқлай билиш;
- Ўзаро ҳурмат асосида ташкил қилинган ёки ҳурматсиз онлайн мулоқот турларидан мисоллар келтириш.
- Интернетда тушунарсиз, ҳавфли ёки номаъқул вазиятларга дуч келганда, инсонларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳаракатлар схемасини қўллаш;
- Онлайн ва реал ҳаётдаги мулоқот мобайнида ўзаро ҳурматни таъминлаш учун тегишли қонун-қоидаларни белгилаш.

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин

Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлаш**. **Мавзуга** оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсадида қўлланмада алоҳида «**Тавсиялар**» ҳамда «**Кўшимча вазифа**» ва «**Оилавий машғулотлар**» ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот

Дарс ўқувчиларга реал ҳаёт ва онлайн муҳитнинг ўзаро ўхшашлик томонлари ва фарқлари тўғрисида асосий тушунчалар беришдан бошланади. Ўқувчилар онлайн муҳитнинг ижобий элементларини аниқлаш ҳамда ҳавфли онлайн-ахлоқ ёки ундаги дуч келишлари мумкин бўлган бошқа бир вазиятлар тўғрисида фикр юритишлари лозим бўлади.

Болалар ҳавфли вазиятларга дуч келганларида, Интернет тармоғида бўлганларида ўзларини ҳавфсиз муҳитда деб ҳисобламаган ва тушунарсиз ҳолатларда қандай қарор қабул қилишлари тўғрисида ўйлаб кўришлари муҳим. Улар Интернет тармоғида бўлишганда танқидий фикрлаш усулига ёндошган ҳолда асосий ҳавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқишлари лозим. Машғулот якунида Интернет тармоғида ҳавфсизликни таъминлаш бўйича бошқарув принципларини ишлаб чиқиш мақсадида ўқувчилар биргаликда ишлашлари муҳим бўлади.

Ушбу машғулот болалар Интернет тармоғида бўлиш жараёнида салбий ҳолатларга дуч келганларини аниқлашга йўналтирилмаганлигини эътиборга олинг. Бу жуда нозик масала ва шунинг учун ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш муҳим. Болаларга Интернет тармоғида кўрган, эшитган ва гувоҳи бўлган вазият ёки ҳолатлари ноқулай бўлиши мумкин. Ўқувчилардан Интернет тармоғини ишлатиш мобайнида дуч келган салбий ҳолатлари тўғрисида айтиб беришларини ҳеч ҳам илтимос қилманг. Бироқ, муаммо бўлса, уларни ноқулай ҳолатга туширмаслик учун ўта эътиборли бўлинг.

Асосий савол:

Интернетдаги ҳавфсизлик ва кибержиноятни олдини олиш?

Ёш :

6 - 9 ёш

Қадриятлар:



Кўнималар:



Давомийлиги:




Машғулотга тайёрларлик кўриш:


- Иккита қоғоз варағини олиб, бирида бахтли, иккинчисида эса ҳомуш юзни тасвирлаб, хонанинг икки томонига илиб қўйинг
- Синф хонасининг полида чизиқ чизиб, ўқувчилар бемалол ҳаракатланишлари учун шароит яратинг
- Флипчарт ёки доска.
- Маркер.
- Имкон бўлса «**Зорблар: янги ҳаёт бошланиши**» мультипликацион фильми ёки **E4J сайтида** жойлаштирилган «Зорблар»нинг тегишли **комикси** тақдим этилса, мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва **бўёқ** дафтарлари билан ҳам танишингиз мумкин.

Кириш



1. Ўқувчиларга мазкур машғулот мобайнида Интернет ва ундан қандай қилиб хавфсиз фойдаланиш мумкинлигини ўзаро бахс ёки дебат усулидан фойдаланиб, билдиринг.
2. Уларга синф хонасининг икки томонига илинган бахтли ва ҳомуш юзлар тасвири туширилган қоғозларни кўрсатинг ва бир нечта жумлалар орқали мисол келтиринг.



Агар вазият ўзларини бахтли ҳис қилишга ундаётган бўлса унда бахтли юз томон, агарда аксинча бўлса ҳомуш юз тасвирланган қоғоз томон боришлари лозим. Агарда ўз ҳиссиётларида ноаниқлик сезсалар унда синф хонасининг ўртасида қолишлари мумкин.

3. Қуйидаги жумлаларни ўқиб беринг:
 - Мен музқаймоқ емоқдаман.
 - Мен ўзим ёқтирган ўйинни ўйнамоқдаман.
 - Мен ўз сумка/рюкзагимни топа олмаяпман.
 - Мен варрак ясадим ва бугун уни дўстларим билан бирга учирмоқчиман.
 - Ҳиёбонда бир нотаниш одам менга уни ширинликлар дўконигача кузатиб қўйишни илтимос қилаяпти.
4. Ҳар бир келтирилган мисолдан сўнг ўқувчиларга синф хонасининг тегишли томонини танлаб олишга вақт беринг. Ҳар икки томонга жойлашган ўқувчиларга ўз гуруҳлари билан қуйидаги саволни муҳокама қилиб, унга жавоб топишларини илтимос қилинг:

«Бу вазиятни қандай ҳис қилаяпсиз? Нима учун?»
5. Ҳар бир гуруҳдан бир нафар ўқувчига ўз жавобларини синф билан бўлишишни таклиф қилинг.
6. Бетараф, яъни синф хонасининг ўртасида жойлашган ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилиб, машғулот жараёнига жалб қилишни унутманг:

«Нима учун Сиз ўртада қолишга қарор қилдингиз? Нима деб ўйлайсиз, бундай вазиятда нималарни ҳис қилишингиз мумкин?»
7. Болаларга ўзимизни бахтли ҳис этишимизга сабаб бўладиган бир қанча вазиятлар мавжудлиги, бироқ, шу билан бирга баъзи ҳолларда биз ўзимизда ноқулайлик ҳис этишимиз ва мазкур ҳолатлар бизни хавфли вазиятларга ундаши мумкинлигини тушунтиринг.
8. Ўқувчиларга қуйидаги савол тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг:

«Бирор бир нарса ёки вазият бизда ноқулайлик ҳиссини ўйғотса, ўзимизни хавфли вазиятда деб ҳисоблашимизга ундайдиган бўлса нима қилишимиз керак?»
9. Бу каби ноқулай ёки вазиятларга тушганда ўзлари ишонган ёши катта инсонни хабардор қилишлари муҳимлиги тўғрисида биргаликда ўйлаб кўринг.

Йўриқнома: онлайн ва офлайн хавфсизлик

«Кириш» қисми – бу болалар хавфсизлиги масалаларини кенгроқ муҳокама қилишга яхши имконият. Ўқувчиларга Интернет тармоғида ёки ундан ташқари бўлишларидан қатъий назар ноқулайлик ёки хавф сезсалар, биринчи навбатда ўзлари ишонган ёши катта инсонга мурожаат қилишлари муҳимлигини тушунтиринг.

Болаларни Рад этмоқ-Тарк этмоқ-Мурожаат ёндашув/усули билан таништириш тавсия этилади. Агар улар ўзларида ноқулайлик ёки хавф сезсалар, бундай ҳолларда қуйидаги тавсияларни амалга оширишлари лозим:

- У ёки бу кимса томонидан хавфни ҳис қилсалар унга РАД жавобини бериш
- Хавфли ҳолат юзага келса, инсон ва вазиятни ТАРК этиш
- Ўзлари ишонган ёши катта инсонга МУРОЖААТ ҚИЛИШ



Асосий қисм



Изоҳ: Агар Зорблар мултипликацион фильми ёки мавзуга оид комиксларни кўриш имкони бўлса, қуйидаги барча машқларни бажаришингиз лозим. Акс ҳолда, 3-машқни ўтказиб юборинг.

1. Реал ҳаёт каби онлайн-дунёдан ҳам турли ижобий ва фойдали бўлган тажриба олиш мумкин. Ўқувчиларга кичик гуруҳларга бўлиниб, 2-3 дақиқа мобайнида қуйидаги саволларни муҳокама қилиш ва натижаси бўйича фикр-мулоҳазаларини синф билан бўлишишларини таклиф қилинг:

«Сизга Интернетнинг нимаси ёқади? Интернетда нима қилишни ёқтирасиз?»

2. Интернетда ҳам худди реал ҳаёт каби биз тушунмаган ёки хавfli вазиятлар бўлиши мумкинлигини ўқувчиларга тушунтиринг. Ёдингизда тутинг, ўқувчилардан Интернет тармоғидан фойдаланишлари мобайнида дуч келган салбий ҳолатлар тўғрисида сўраманг.

3. Ўқувчиларга «Зорблар: Кичик экраннинг катта муаммоси» мултипликацион фильмини намойиш қилинг. Фильм намойиши ҳамда комиксларни ўқиб бўлгач муҳокамани бошлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланинг:

- «Нима деб ўйлайсиз, бу ҳикоя бизга нимани ўргатади?»
- «Нима учун Интелла Интернет тармоғида ўзини ноқулай ҳис қилди ёки хавф бор деб ўйлади?»
- «Қандай онлайн-вазиятларда Сиз ўзингизни Интелла каби ҳис қилишингиз мумкин?»
- «Интернет тармоғида маълумот қидираётганингизда ўзингизни ноқулай ҳис қилсангиз ёки хавф сезсангиз нима қилишингиз керак?»

4. Ўқувчилардан кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Синф хонаси полида чизиқ шакллантиринг ва уни ўқувчиларга кўрсатинг. Ҳар бир ўқувчига қуйидаги сценарийларни тақдим қилинг (сценарийларни доскада ёки флипчартда акс эттиришингиз мумкин):

- Малика онлайн-платформада “Болалар дунёси” мавзусидаги бир нечта видеоларни кўрмоқда. Буларнинг барчаси болалар учун қўшиқ ва рақслар ҳақида.
- Анвар ва Карим зеркишмоқда. Улар Анварнинг оёқларини телефонида онлайн видеоларни кўришмоқда. Барчаси улар кўраётган видеода катта ёшдаги инсонлар улар тушунмайдиган тилда бахслашаётгани билан яқунланди.
- Жамила онлайнда ўйнаш учун янги ўйин қидирмоқда. Лекин у ўйин излаш жараёнида Интернет тармоғида учрайдиган йўналтирувчи белгилар орқали катта ёшдаги инсонларнинг форумидаги фикр-мулоҳазаларни ўқиётганлигини тушунди. Баъзи инсонлар шундай ахлоқсиз тилда суҳбатлашар эканлар!
- Сурайё онлайн ўйин ўйнапти ва ушбу ўйиннинг суҳбатлашув (чат) каналидан нотаниш инсон унга тажовузкор хабарлар юборишни бошлапти.
- Лазиз ўзининг ёқтирган онлайн-ўйинини ўйнамаяпти ва дўстини унга Интернет тармоғида қўшилишини таклиф қияпти. Энди эса улар биргаликда яширинган ҳазиналарни қидиришяпти.

5. Ҳар бир гуруҳга юқоридаги мулоҳазаларни ўқиб, бир неча дақиқадан сўнг сценарий юзасидан қуйидаги вариантлардан фойдаланган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини илтимос қилинг:

- a. Хавфсиз: ҳозирча бу хавфсиз вазият, ҳеч қандай зарарли ва хавfli нарса содир бўлмаяпти.
- b. Хавfli: баъзи бир инсонлар ўзларини ноқулай ҳис қилишлари ёки нима бўлаётганини тушунмасликлари мумкин.

6. Ўқувчиларга ҳар бир жумлани овоз чиқариб ўқиб беришингизни эслатинг. Агар улар сценарийни хавфсиз деб ўйлашса, унда чизиқдан ташқарида, аксинча уни хавfli деб ҳисоблашса, унда чизиқдан ўтишлари лозимлигини тушунтиринг.

7. Ҳар бир жумладан сўнг ҳар бир гуруҳга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинг:

«Нима деб ўйлайсиз, нима учун бу ҳолат хавфсиз/хавfli? Ким бошқача фикрда?»



Асосий қисм



8. Синфда қуйидагиларни муҳокама қилинг:
«Агар биз “хавфсиз чизиқни” босиб ўтиб хавфли ҳолатга тушиб қолишдан қўрқсак нима қилишимиз керак? Интернетда хавфсизлигимизни таъминловчи қандай қоидалар бўлиши мумкин?»
9. «Тавсиялар: Интернетда хавфсизликни таъминлаш бўйича асосий қоидалар» рўқни остида келтирилган маслаҳатларда асосида муҳокамани давом эттринг. Лозим бўлса, ўқувчиларнинг талабларига ёки ўзингизнинг ўқитиш усулингизга мувофиқ мазмун жиҳатдан ўзгартиришлар киритишингиз мумкин.
10. Ўқувчилар жамоада ишлаб ўзларининг фикр-мулоҳазаларини флипчарт ёки доскага ёзишлари ва синфдошлари билан биргаликда муҳокама қилишларини муҳимлигини тушунтиринг.
11. Энг мос қоидаларни танлаганингизга ишонч ҳосил қилинг. Сизнингча, ўқувчилар ёдидан чиқариши мумкин бўлган бошқа, янада муҳимроқ бўлган қоидаларни таклиф қилинг ва тушунтиринг.

Тавсиялар: Интернетда хавфсизликни таъминлашнинг асосий қоидалари.

Интернет хавфсизлиги қоидалари боланинг ёшига, шунингдек ундаги материалларни билан танишишга бўлган рухсатга қараб ўзгаради. Масалан, кичик ёшдаги болалар медиаматериалларни борлигича қабул қилишадилар, шунинг учун уларга қўшимча маслаҳат бериш лозим.

Қўйида биз Интернетдан фойдаланганда болалар амал қилиши керак бўлган баъзи қоидаларни тақдим этамиз. Агарда у ёки бу қоида ўтказиб юборилган ёки ўқувчилар томонидан билдирилган таклифларни қўшимча равишда қўшиш лозим деб ҳисобласангиз унда келтирилган рўйхатга мурожаат қилинг.

Бу шунчаки таклифлигига эътибор беринг: Сиз ўз синфингизда экспертсиз. Қоидаларни синф муҳитига мослаштиришингиз мумкин.

1. Мен тармоқда бўлганимда доим ота-онамга бу тўғрисида маълум қиламан. Мен ҳеч қачон онлайнда бир ўзим бўлишим керак эмас.
2. Интернет саҳифасида таклиф қилинган йўналтирувчи саҳифа (ссылка) га ўтишдан олдим яхшилаб ўйлаб кўраман. Менга тушунарсиз бўлган ссылкагаўтишим керак эмас. Масалан, бирламчи кўриниши менга тушунарсиз ёки қўрқитувчи саҳналарга эга бўлган видеони кўриш тугмасини босмайман.
3. Ҳар қандай тушунарсиз ва ёқимсиз дастурни кўришни тўхтатаман. Қачонки кўраётган ва ўқиётган материал менга ноқулайлик туғдирса, мен дархол уни ўчираман.
4. Ота-онамнинг рухсатисиз шахсий маълумотларимни (шу жумладан исм, манзил, телефон рақам) ҳеч кимга тақдим этмайман.
5. Ўзимга нотаниш бўлган инсонлар билан дўстлашмайман.

Энг муҳим қоида:

Агарда мен Интернет тамоғидан фойдаланишим вақтида ўзимга тушунарсиз бўлган ҳолатга дуч келсам, дархол ёши катта ўзим ишонган инсонга мурожаат қиламан.



Фирклаш



1. Барча синф ўқувчилари билан Интернетдаги хавфсизлик қоидалари тасвирланган плакат яратинг. Ўқувчилардан кичик гуруҳларга бўлинишларини таклиф қилинг. Ҳар бир гуруҳ ўқувчиларига доим амал қилиш муҳим бўлган иккитадан қоида ўйлаб топишларини илтимос қилинг.
2. Ҳар бир гуруҳга ўзлари ўйлаб топган қоидаларни қолган синфдошлари билан бўлишишларини илтимос қилинг. Барча қоидаларни синф деворига илинган плакатда ёзиб қўйинг. Ҳар сафар Интернет тармоғидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятингиз вақтида яратилган плакатга мурожаат қилинг.
3. Лозим бўлса «Асосий қисм»даги тавсияларга мурожаат қилинг. Ўзингиз муҳим деб ҳисоблаган ҳамда ўқувчилар томонидан таклиф этилган ва плакатни тасвирланмаган қоидаларни ҳам албатта киритинг.

Оилавий машғулот

Агар болалар мунтазам равишда уйда Интернетдан фойдаланишса, уларга қоидаларни ота-оналари билан биргаликда муҳокама қилишларини таклиф қилинг.

Ўқувчиларга “Интернетдаги хавфсизлик қоидалари” дан бир нусхадан олиб уйга олиб кетишларини таклиф қилинг. Уларга ўз ота-оналари билан яна қандай қоидаларни ўрнатиш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг. Масалан, ота-оналар Интернетдаги онлайн-контент учун тегишли чекловлар ўрнатилганлиги ёки ўз фарзандлари учун хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа бир саҳифаларни чеклаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Ўқувчиларга кейинги дарс улар ота-оналари билан бирга ишлаб чиқишган қоидаларни биргаликда муҳокама қилишни таклиф қилинг.

Онлайнда хавфсизликни таъминлашнинг турли йўллари мавжудлигини эсда тутинг. Билинги, ўқувчиларнинг ота-оналарида Сиз дарсда таклиф қилган қоидалардан фарқли қоидалар мавжуд бўлиши мумкин.



Фирклаш

**Қўшимча вазифа**


Ёши катта, ўзингиз ишонган инсон билан бўлишиш жуда муҳим, лекин Сизни безовта қилаётган ёки ўзингизни ноқулай ҳис этишга сабаб бўлаётган нарсалар тўғрисида гапириш ҳар доим ҳам осон эмас. Сизнинг қилган ҳаракатингиз учун Сизни камситишлари ёки уялтиришларидан чўчишингиз мумкин.

Дўстларингиздан бири Интернет тармоғида ёқимсиз бир нарсага дуч келганида ота-онасига қараганда Сизга кўпроқ ишониши мумкин. Нима қилишингиз лозим? Кўнгиллиларга қуйидаги сценарий асосида саҳна кўринишини намойиш қилишларини таклиф қилинг ва Интернет тармоғида ёқимсиз ҳолатга дуч келганларида бу вазиятни ота-оналари эмас, балки дўстлари билан бўлишганларида нима деган бўлишларини ўйлаб кўринг.

Ҳар бир сценарий саҳна кўринишида намойиш қилинганидан сўнг, ўқувчилар билан қуйидагиларни муҳокама қилинг:

- Ёрдам керак бўлган дўстларимни эшитаман, уларни қўллаб-қувватлайман. Масхара ва ҳазилларсиз эшитиш бу ғамхўрлик ва меҳрнинг асл кўринишидир.
- Ёрдам кўрсатиш. Агар ёнингизга дўстингиз келса уни эшитинг ва таклиф беринг. Хусусан, ёши катта, ўзи ишонган инсонга мурожаат қилишни таклиф қилинг, бу ҳаракат эса ҳеч кимнинг жаҳлини чиқармаслиги, аксинча ёши катта инсонлар тўғри тавсия беришларини тушунтиринг.
- Сабрли бўлинг. Дўстингиз Сиз билан эркин гаплашсин, унга ортиқча саволлар бериб безовта қилманг.
- Лозим бўлса, ёши катта, ўзингиз ишонган инсонга мурожаат қилинг. Агар дўстингиз ҳақида безовта бўлаётган бўлсангиз, унинг муаммосига ечим топиш бир ўзингизга қийинчилик туғдираётган бўлса ҳаттоки, Сиз унга ушбу вазиятни сир сақлашингизни айтган бўлсангиз ҳам ёши катта, ўзингиз ишонган инсондан маслаҳат олинг.





КЕЛИНГ ИНТЕРНЕТДА БИР-БИРИМИЗНИ ХУРМАТ ҚИЛАЙЛИК

Мавзу бўйича дарс режаси:

Интернетда хавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятни олдини олиш.

Қўлланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар.



- Машғулот мактаб ичида ёки унинг ташқарисида Интернет тармоғига уланиш имкони бўлган ҳамда мулоқот учун Интернет тармоғидан фойдаланишни бошлаётган ёки фойдаланаётган ўқувчилар учун тўғри келади.
- Дарсни ўзингизнинг ўқитиш усулингизга мослаштиришингиз мумкин.

Машғулот вазифалари:



Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Онлайн ва реал ҳаётдаги мулоқотнинг ўхшашлиги ёки уларнинг фарқини аниқлай билиш;
- Ўзаро ҳурмат асосида ташкил қилинган ёки беҳурмат онлайн мулоқот турларидан мисоллар келтириш;
- Интернетда тушунарсиз, хавфли ёки номақбул вазиятларга дуч келганда, инсонларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб стратегияни аниқлаш ва қўллаш;
- Онлайн ва реал ҳаётдаги мулоқот мобайнида ўзаро ҳурматни таъминлаш учун тегишли қонун-қоидаларни белгилаш.

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин



Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий** қисм ва **Фикрлаш**. Бундан ташқари, мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада алоҳида «**Тавсиялар**» ҳамда «**Қўшимча вазифа**» ва **Оилавий** машғулотлар ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот



Болалар онлайн-мулоқот жараёнида маълум бир муаммолар борлигини билмасликлари мумкин. Имо-ишоралар ёки овоз оҳангининг йўқлиги инсон нима демоқчи бўлаётганини аниқ тушунишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Қуйидаги машқларнинг мақсади - болаларга ўзлари ва атрофдагиларига нисбатан ҳурматда бўлиш муҳими тушунтиришдан иборат. Хусусан, машғулот мобайнида, онлайн-мулоқот жараёнида инсонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар ва қандай қилиб виртуал жамиятда ўзаро ҳурматни таъминланиш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашамиз.

Ўқувчилар тармоқдаги дўстлари ва оила аъзоларига ҳурмат кўрсатишнинг стратегиясини аниқлаб, Интернетда қўпол ёки ҳақоратомуз ҳаракатларга дуч келганда, уларнинг ёшларига мос келадиган хатти-ҳаракатларни бажариш усуллари тўғрисида фикр юритадилар.

Асосий савол:

Қандай қилиб Интернетда хушмоамала бўлиш мумкин?

Ёш:

9 - 12 ёш

Қадриятлар:



Кўникмалар:



Давомийлиги:



Машғулотга тайёргарлик кўриш:

- Қуйидаги сарлавҳалар ёзилган иккита постер тайёрланг: «**Синфдаги ўзаро ҳурмат қоидалари**» ва «**Интернет тармоғидаги ҳурмат қоидалари**».
- Доска ёки флипчарт.
- Маркер.
- Имкон бўлса «**Зорблар: янги ҳаёт бошланиши**» мультипликацион фильми ёки **E4J сайтыда** жойлаштирилган «Зорблар»нинг тегишли **комикси** тақдим этилса, мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва **бўёқ** дафтарлари билан ҳам танишишингиз мумкин.


Кириш



1. Тўрт нафар кўнгилли ўқувчига қисқа сахна кўриниш чиқишини намойиш қилишларини илтимос қилинг. Улар актер вазифасини бажаришади. Кўнгиллиларга қуйидаги сценарийни тақдим этиб, улар у тўғрисида синфдошларига айтмасликлари лозимлигини тушунтиринг:
Каримни бир гуруҳ учувчилар масхара қилишмоқда.
2. Актёрларга тайёргарлик учун бир икки дақиқа вақт беринг – улар мазкур муаммони қотган образлардан (ҳайкал) фойдаланган ҳолда сахна кўриниши шаклида намойиш қилишлари лозим. Ҳар бир актер сахна кўринишидаги қаҳрамонлардан бирини ролини ўйнаши керак. Барча 4та актер биргаликда белгиланган муаммога нисбатан ҳайкал кўринишидаги гуруҳнинг фикрини ифодаловчи композицияни намойиш этиши лозим.

Амал қилиш лозим бўлган қоидалар:

- Ҳеч ким қимирлаши, овоз чиқариши ёки гапириши мумкин эмас;
- Ҳеч қандай предметлардан фойдаланиш мумкин эмас;
- Актёрлар, ортиқча тайёргарликсиз, сахна кўринишини қисқа вақтда намойиш қилиб беришлари лозим.



Қолган ўқувчилар тайёргарлик кўраётган кўнгиллиларни кўрмаётганликларига ишонч ҳосил қилинг (мисол учун улар доскада бошқа вазифани бажаришсин).

Тавсиялар: қотган образлар (ҳайкал) ва образлар Театри

Қотган образ (ҳайкал) – бу образлар Театр ижро техникаси бўлиб, ундан болалар билан қийин вазиятларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар, қотган яхлит ҳайкалларни шакллантирган ҳолда муҳокама этилаётган мавзуни гуруҳ билан тушуниш учун вазиятни тасвирлашади. Ҳайкалдан мавзуни бутун гуруҳ билан муҳокама қилиш ёки ўқувчиларни ўйинга жалб этиш ва муаммога ечим топиш учун умумий стратегияни илгари суриш мақсадида фойдаланилади.

Қотган образ (ҳайкал) - бу ҳиссиётларни, бошқа вазиятда болалар гапиришга ҳижолат бўлган мавзуларини муҳокама қилиш ва сўзларни ишлатмаган ҳолда уларни ифодолаб берувчи ресурс ҳисобланади.




3. Актёрлар сахна кўринишига тайёрларгик кўришаётган вақтда, Сиз барча ўқувчиларга уни кўриш жараёнида қанчалик, айниқса онлайн муҳитда бўлганда, ҳурмат кўрсатилишини намоеён қилинишига эътибор қаратишингизни тушунтиринг. Болалардан улар учун “ҳурмат” сўзи нимани англатишини тушунтириб беришларини илтимос қилинг.
4. Актерларга аудиториянинг марказига келиб, тайёрлаган ҳайкалларини намойиш қилишларини илтимос қилинг.
5. Қолган болалардан қуйидагиларни сўранг:
«Нима деб ўйлайсиз, бу ерда нима бўляпти?»
«Нима деб ўйлайсиз, бу одамлар нима қилишмоқда? »
«Нима деб ўйлайсиз, уларнинг ҳар бири нималарни ҳис қилмоқда?»
6. Болаларга имо-ишора ва юз ифодаларининг суҳбат жараёнидаги роли тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг. Агар ўқувчилар бу ҳақида сўзлаб беришда қийинчиликка дуч келишса, улардан нима бўлаётганлиги ва бошқа инсонлар нималарни ҳис қилишини қандай тушунганликлари ҳақида сўранг.

Асосий қисм



Изоҳ. Агар «Зорблар: Тармоқдан чиқ ва тинчлан» мультипликацион фильмини томоша қилиш ёки мавзуга оид тегишли комиксларни кўриш имкони бўлса, унда қуйидаги машқларни бажаришингиз лозим. Агар бунинг имкони бўлмаса 2-машқни ўтказиб юборинг.

1. Болаларга қуйидагиларни муҳокама қилишни таклиф қилинг:
«Кимгадир у ёки бу нарса тўғрисида гапириш ёки шуни ёзма тарзда баён этиш ўртасида қандай фарқ мавжуд?»
2. Болаларга «Адолат учун таълим» E4J веб саҳифасидаги «Зорблар: Тармоқдан чиқ ва тинчлан» мультипликацион фильмини намойиш қилинг. Видео ёки комиксларни кўргандан сўнг, муҳокамани бошлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланинг:
«Нима деб ўйлайсиз, бу ҳолатдан биз ўзимиз учун қандай хулоса чиқаришимиз мумкин? Биз ундан нимани ўргандик»
«Нима учун Райаннинг хабари Зорблар учун бунчалик кўп турли маъноларни ўз ичига олган?»
«Агар Сиз Сентимонинг ўрнида бўлганингизда, нима қилган бўлар эдингиз?»
«Нима деб ўйлайсиз, агар Сентимо Райаннинг хабарига ғазабли жавоб қайтарганида, нима бўлган бўлар эди?»
3. Тушунтиринг: Бошқа инсонлар билан юзма-юз суҳбатлашганимиз каби, Интернет орқали ҳам уларни ҳурмат қилишимиз лозим. Интернет тармоғида бўлганимизда инсонларнинг овозини эшитмаслигимиз, имо-ишорасини кўрмаслигимиз сабабли, биз уларни тушунишимиз учун кўпроқ ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Бунда биз бошқа омилларга яъни атроф-муҳитга эътибор қаратишимиз лозим бўлади.
4. Болалардан кичик (4-5 та ўқувчи) гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Уларга 4-5 дақиқа ичида гуруҳ иштирокчилари билан биргаликда Интернет тармоғида юзага келиши мумкин бўлган ҳурматсиз муносабат мисолидан келтиришларини таклиф қилинг. Улар ўзларининг мисолларини ўз синфдошларига намойиш қилишлари лозим бўлади.
5. Ҳар бир гуруҳдан ўзининг мисолини намойиш қилиб беришини илтимос қилинг. Ҳар бир намойишдан сўнг ўқувчилардан қуйидагиларни ўйлаб кўришларини илтимос қилинг:
«Нима учун бу ҳолат ҳурматсизлик деб ҳисобланади?»
«Нима деб ўйлайсиз, шундай ҳолатга гувоҳ бўлганингизда нималарни ҳис қилган бўлар эдингиз?»
«Нима деб ўйлайсиз, шундай ҳолатга гувоҳ бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз?»
«Ушбу вазиятни яхшилаш учун нима қилган бўлар эдингиз?»
6. Ҳар бир гуруҳ ўзларининг мисолларини тадқим этганларидан сўнг, болаларга қуйидаги фикр тўғрисида ўйлаб кўришни таклиф қилинг:
«Реал ҳаётда гапирмайдиган ёки қилмайдиган ишингизни ҳеч қачон Интернетда амалга оширманг».
7. Болалардан юқорида келтирилган фикрга нисбатан муносабатларини, яъни у тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ҳамда нима учун бундай деб ўйлаётганликлари тўғрисида қизиқинг. Болаларга нима учун Интернет ва реал ҳаётда биз ўзимизни турлича тутишимиз, бунга нима сабаб бўлиши мумкинлиги ҳамда қаерда бўлишимиздан қатъий назар, Интернет тармоғида ёки реал ҳаётда биз бир-биримизни ҳурмат қилишимиз ва ростгўй бўлишимиз муҳимлиги тўғрисида ўйлаб кўришни таклиф қилинг.
8. Болаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб, нима учун инсонлар Интернет тармоғи орқали мулоқот мобайнида ҳурмат ва одоб-ахлоқ қоидаларига эътибор қаратишмаслиги ҳақида суҳбатлашинг:
«Нима учун инсонларнинг Интернет тармоғида бир-бирларига нисбатан ҳурматлари юқори эмас?»
Баъзида инсонларда Интернет тармоғида бўлган вақтда уларни ҳеч ким кўрмаётганлиги ҳисси пайдо бўлади. Шу туфайли, уларда суҳбатдошига нисбатан ҳурмат пасайиши, гапираётган ёки қилаётган ишларнинг оқибатлари тўғрисида ўйламасликлари мумкин. Шунга қарамасдан, экран қаршисидаги бошқа инсон ҳудди реал ҳаётдаги каби, Интернет тармоғида билдирилган ҳурматсизлик унга руҳан салбий таъсир қилиши мумкинлигини тушунтиринг.
9. Ўзини ноқулай ҳис қилишга сабаб бўлган у ёки бу вазиятга дуч келганда, ниманидир тушунмаганда ёки қандай қарор қабул қилишни билмаганда доим ўзи ишонган, ёши катта инсонга мурожаат қилиб, ундан маслаҳат сўраш муҳимлигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда машқни якунланг.



Фирклаш



1. Болаларга машғулот учун тайёрлаб қўйилан «Синфдаги ҳурмат қоидалари» ва «Интернет тармоғидаги ҳурмат қоидалари» плакатларини кўрсатинг. Ҳар бир ўқувчига синф ва Интернетда ўзаро ҳурмат қоидаларидан мисоллар ўйлаб, плакатга ёзишларни илтимос қилинг. Бунда, болаларга имкон қадар ижобий тилдан фойдаланишларини таклиф қилинг. Мисол учун, «жахлдор бўлма» сўзлари ўрнига «атрофдагиларга нисбатан доим хушмуомалада бўлгин» сўзларидан фойдаланишсин.
2. Рўйхатлар тайёр бўлганидан сўнг, уларни бутун синф билан биргаликда кўринг. Зарурият бўлганда мазкур рўйхатларга бутун ўқув йили мобайнида мурожаат қилиш мумкин.

Тавсиялар: «Синфдаги ўзаро ҳурмат қоидалари» ва «Интернет тармоғидаги ҳурмат қоидалари»

Қуйида синф ҳамда онлайн муҳитда муҳокама учун қоидалар тўплами келтирилган. Мазкур қоидалар Сизга ўқувчилар билан ҳурмат мавзусида муҳокамани бошлаш учун ёрдам беради. Ушбу мисолларни ўзингизни эҳтиёжларингиз ёки юқоридаги машқ жараёнида ўқувчилар томонидан яратилган плакатлардаги мисолларга мослаштиришингиз мумкин.

Синфда ўзаро ҳурмат қоидалари:

1. Бошқаларга нисбатан доим хушмуомалада бўлинг.
2. Агар Сизга кимдир қўпол муомалада бўлган бўлса, бундай вазиятда доим ўзингиз ишонган ёши катта инсонга, ёки ота-онанингизга мурожаат қилинг ва тегишли маслаҳат олинг.
3. Суҳбатлашаётганда навбатма-навбат гапиришни ўрганинг.
4. Бошқалар гапираётганда эшитинг.
5. Бошқалар гапираётганда уларнинг сўзини бўлмаг.
6. Имкон қадар пастроқ овозда гапиринг.
7. Доимо атрофдагиларни ҳурмат қилиш ва уларга хушмуомалада бўлишни ўрганинг, суҳбатлашаётганда ҳам ушбу қоидага амал қилинг.
8. Инсонларни масхара қилманг, уларни устидан кулманг.
9. Синфдошларингизни шахсий ҳаётларини ҳурмат қилинг.
10. Янги ўқувчиларга хушмуомалада бўлинг.
11. Кимга ёрдам керак бўлса, уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинг.
12. Агар инсонлар Сизни тушунмасалар, уларга буни ортиқча ҳаракатларсиз, тинч тушунтиришга ҳаракат қилинг.
13. Агар Сизни бир нимадир жахлингизни чиқарса, чуқур нафас олиб, вазиятни бир неча дақиқа ўйламай туринг. Зарурият бўлса, келишмовчиликка маъқул ечим топиш учун ёши каттароқ инсонни таклиф қилинг.

Интернетда ўзаро ҳурмат қоидалари:

1. Бошқаларга нисбатан доим хушмуомалада бўлинг.
2. «Смайлик» ёки «эмоджи»ларни ишлатган ҳолда ўз фикрингизни тўғри баён этишга ҳаракат қилинг.
3. Агар Сизга Интернет тармоғида кимдир қўпол муомалада бўлган бўлса, бундай вазиятда доим ўзингиз ишонган, ёши катта инсонга ёки ота-онанингизга мурожаат қилинг ва тегишли маслаҳат олинг. Ҳеч қачон ёмон мазмундаги хабарларга жавоб берманг.
4. Катта харфларни ишлатаётганда эҳтиёт бўлинг. Имкон қадар кичик харфлар билан ёзинг. Одатда, КАТТА ЁЗУВ ХАРФЛАР инсон баланд овозда ёки бақириб гапираётганлигини англатади.
5. Интернетда ҳам реал ҳаётдаги каби хушмуомалада бўлинг.
6. Бошқаларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилинг. Улар тўғрисидаги маълумотларни, расм ёки суҳбатни тарқатманг.
7. Тушунарсиз ёки ўз тасдиғини топмаган (спам) хабарларни бошқаларга юборманг. Бунга жиддий эътибор бериш лозим, чунки бу каби хабар ёки дастурлар ичидаги вирусларнинг натижасида бошқа инсоннинг компютерига зарар етказиши мумкин.
8. Ҳеч қачон шахсий маълумотлар, шу жумладан пароль, банкдаги шахсий рақам, пластик карта рақами ва х.к. билан онлайн бўлишманг.
9. Реал ҳаётда гапирмайдиган ёки қилмайдиган ишингизни ҳеч қачон Интернетда амалга оширманг.

Фирклаш



Қўшимча вазифа

Ушбу машғулот орқали болаларга кибержиноят мавзусини тушунтириб беришингиз мумкин. Кимдаки Интернет орқали ўзини қўпол тутиб, номаъқул гапларни гапириб, таҳдид қилса, бу ҳолат киберхужум деб аталади. Болалар киберхужумга нисбатан заиф ҳисобланадилар. Ушбу мавзунини муҳокама қилиш, ўз навбатида, болаларни ушбу муаммога дуч келмасликларини таъминлашнинг бир йўли ҳисобланади.

Болалардан қуйидаги саволлар тўғрисида ўйлаб кўришни илтимос қилинг:


- «Таҳдид (қўрқитиш) ва кибертаҳдид нима дегани?»
- «Нима деб ўйлайсиз, бу қанчалик хавфли? Қанчалик ёмон? Нима учун? »
- «Баъзи бир инсонлар бошқалардан фарқли ўлароқ безори инсон сифатида шаклланишади деб ҳисоблайсизми? Нима учун?»
- «Баъзи инсонларни бошқалардан кўра кўпроқ қўрқитишади деб ҳисоблайсизми? Нима учун?»
- «Агар Интернет тармоғида таҳдидга учраган инсонни билсангиз, нима қилган бўлар эдингиз»


Агар болалар ўзлари ёки улар танийдиган инсонга нисбатан беҳурматлик, масхара ҳолатларини сезиб, ўзларини яхши ҳис қилмасалар, ота-оналари ёки ўзлари ишонган ёши катта инсон билан маслахатлашишлари кераклигини доим эслатиб туринг.

Агар Сизга кибертаҳдид тўғрисида қўшимча маълумот керак бўлса, унда қуйидаги веб-саҳифадаги ресурслардан фойдаланишингиз мумкин:

<https://www.stopbullying.gov/cyberbullying/what-is-it>

<https://cyberbullying.org/what-is-cyberbullying>





ҲАР БИР ИНСОН ҚАХРАМОН БЎЛА ОЛАДИ!

Мавзу бўйича дарс режаси:

Гендер стереотиплар

Қўлланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар.



- Оилавий машғулоти синфингиздаги ўқувчиларнинг оилавий муҳитига мослаштириш тўғрисида ўйлаб кўринг. Гендер роллари, стереотиплар, тенгсизлик, мазкур жамиятнинг маданиятига чуқур сингиб олган ҳолатларида, гендер ҳақидаги мулоҳазалар қийин кечиши мумкин. Умумэътироф этилган ҳамда маҳаллий мисоллар ёрдамида, «Асосий қисм» бўлимида стереотипларга оид фикр-мулоҳазаларни мослаштириш йулларини топинг.
- «Қўшимча вазифа» машқидаги аёл қахрамонларни, умумэътироф этилган ҳамда маҳаллий мисоллар ёрдамида таърифлашингиз мумкин.

Машғулоти вазифаси:



Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Ҳар бир инсон ўзига хос жиҳатларга эгаллигини англаш
- Гендер стереотиплар мавжудлигини инобатга олган ҳолда уларга танқидий баҳо беришни ўрганиш
- Нима учун стереотиплар зарар етказиши мумкинлигини англаш

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин



Дарс режасидан: **Кириш**, **Асосий** қисм ва **Фикрлаш**. Мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада «**Тавсиялар**» ҳамда «**Қўшимча вазифа**» ва «**Оилавий машғулотлар**» рунлари ҳам ўрин олган.

Машғулоти бўйича маълумот



Ушбу машғулоти бошланишида болалар, ҳар бир инсон ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги, шу борада барчанинг бирлаштириб турувчи жиҳатлар ҳам мавжудлигини тўғрисида ўйлаб кўради.

Инсонларнинг ўхшашлик жиҳатларига оид турли стереотиплар орқали, қандай тузоққа тушиш мумкинлиги борасида болаларга фикр-мулоҳазалар юритиш таклиф этилади

Машғулотнинг иккинчи ярми гендер мавзусига бағишланган. Болалар бир қатор гендер стереотипларни ўрганиб, уларни қўлланилиши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни кўриб чиқишади.

Асосий савол:

Гендер стереотиплари нима ва уларнинг қандай зарари бор?

Ёш:

9 -12 лет

Қадриятлар:



Кўникмалар:



Давомийлиги:



Машғулотига тайёргарлик кўриш:

- 5та А4 форматидagi оқ варақлар.
- Флипчартлар.
- Маркерлар.
- Имкон бўлса «**Зорблар: янги ҳаёт бошланиши**» мультипликацион фильми ёки **E4J** сайтида жойлаштирилган «Зорблар»нинг тегишли **комикси** тақдим этилса, мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва **бўёқ** дафтарлари билан ҳам танишишингиз мумкин.




Кириш



1. Ўқувчиларга машғулот мобайнида уларнинг ҳар бирига хос бўлган жиҳатлари ҳамда стереотиплар тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритишни тушунтиринг.
2. Ўқувчилардан айлана шаклида жойлашиб ўтириб олишларини илтимос қилинг.
Уларга барчамизнинг умумий жиҳатларимиз тўғрисида ўйлаб кўриб, 2-3 дақиқа ичида қуйидаги саволга жавоб топишларини илтимос қилинг:
«Ўнг томонингизда ўтирган инсон билан қандай умумий жиҳатларингиз мавжуд?»
3. Ҳар бир ўқувчига унинг ўнг тарафида ўтирган синфдоши билан қандай умумий жиҳатлари мавжудлиги тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилинг.
4. Барчамизнинг умумий жиҳатларимиз бўлишига қарамай, ҳар биримизнинг ўзга инсонлардан фарқлаб турадиган, фақат ўзимизга хос бўлган жиҳатларга ҳам эгалгимизни тушинтириб ўтинг.
5. Болалар, кучоқлашиш ёки қўл бериб сўрашишнинг махсус услублари орқали, ўнг тарафларида ўтирган инсон билан саломлашишнинг ўзгача, фақат ўзларига хос бўлган услубни ўйлаб топишлари учун 2-3 дақиқа вақт ажратиб беринг.
6. Ўқувчилардан янги ва ўзлари ўйлаб топган саломлашишнинг ўзгача, фақат ўзларига хос бўлган услублари билан ҳамда бошқалардан ажратиб турадиган ягона жиҳатлари тўғрисида сўзлаб беришларини илтимос қилинг

Тавсия: фарқларни аниқлаш

«Кириш» қисмидаги машғулотни бажариш вақтида ўқувчилар миллий фарқларга мурожаат этишлари мумкин. Шундай ҳолатда бир биримиздан фарқланиб туришимиз бу нормал ва ҳеч қандай махфий ҳолат эмаслигини таъкидлаб ўтиш учун қулай фурсатга эга бўласиз. Турли хил фарқларни мавжудлигини қабул қилиш ҳамда қадрлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтинг.



Асосий қисм



Изоҳ: «Зорблар: Ҳамжиҳатликдаги иш- мувафақият гаровидир» мультипликацион фильмини кўриш ёки тегишли комиксларнинг нусхасини ўқиб чиқиш имкони бўлса, қуйидаги вазифаларнинг барчасини бажаринг. Агарда бунинг имкони бўлмаса, 7-вазифани ўтказиб юборинг.

1. Ўқувчиларга қуйидаги саволни беринг. Муҳокамани бошлаш ёки давом эттириш учун қўлланманинг «Тавсиялар: Стереотип ва ақида» майдончасидаги маълумотлардан фойдаланишингиз мумкин.

Сизнингча, стереотиплар бу нима?

2. Стереотиплар – бу баъзи инсонлар, гуруҳлар, жамият тўғрисидаги соддалаштирилган қарашлардир, аммо бу қарашлар жуда умумлаштирилган ва одатий бўлиб, ҳақиқатдан узоқлигини болалар билан муҳокама қилинг. Аксарият ҳолатларда инсонлар муайян хусусиятларни фақат ўғил болалар ёки фақат қиз болаларга тегишли деб ажратилиши гендер стереотиплар деб аталишини ўқувчиларга тушунтиринг.
3. Ўқувчиларга кичик гуруҳларга бўлиниб, гендер стереотипларга оид бир қатор фикр-мулоҳазаларни ўйлаб кўришларини таклиф қилинг. Болаларни тўғри йўналтириб, қуйидагиларни тушунтириб ўтинг.

- **Характер жиҳатлари:** масалан, аёл киши кўпроқ меҳрибон, сезгир ва ҳиссиётга берилган деб ҳисобланса, шу қаторда эркак киши ўзига ишонган ва қаятятили бўлиши лозим деб ҳисобланади.
- **Оилавий мажбуриятлар:** масалан, баъзи инсонлар, аёл киши болалар тарбияси, овқат тайёрлаш, уй ишлари билан шуғулланиши, эркак киши эса молиявий ишларни, уй таъмирлаш ишлари, машиналар билан машғул бўлишлари лозим деб ҳисоблайдилар.
- **Касблар:** масалан, баъзи инсонлар, ўқитувчи ва хамшира касбларини аксарият ҳолатларда аёл кишилар, эркак кишилар эса аксинча муҳандис, учувчи ва врач касбларини эгаллайдилар деб ҳисоблашади.
- **Ташқи кўриниш:** мисол учун, аёл кишидан нозик ва нафис бўлиш талаб этилса, эркак киши гавдали ва келишган бўлиши лозим.

Тавсиялар: Стереотип ва ақида

Баъзида, муайян хусусиятга ёки маълум бир гуруҳга тегишли бўлган инсонларнинг ўхшаш жиҳатларини бир хил турмуш эгалари деб ҳисоблаймиз.

Стереотиплар – бу бир гуруҳ ёки ўхшаш жиҳатларга эга бўлган инсонларга нисбатан умумлаштирилган, белгиланган ва соддалаштирилган қарашлардир.

Масалан: барча қиз болалар пушти рангни ёқтиришади; барча қариялар – заиф ёки барча эфиопияликлар – яхшичопар, буларнинг бари – стереотиплар.

Гендер стереотиплар эркак киши ёки аёл кишига нисбатан ишлатилади.

Атрофдаги инсонлар ёрдамида стереотиплар тўғрисида билиб оламиз: масалан, тенгдошлар, ёши катталар, телевидение ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали.

Стереотиплар инсонлар ҳақида нотўғри фикр шакиллантиргани, баъзи гуруҳларни ўзаро ажратгани, ўртадаги фарқни кучайтириб ва ойдинлаштиргани, шу қаторда ҳар бир инсонда ўзига хос бўлган жиҳатни ва индивидуалликни инобатга олмагани учун зарарли деб ҳисобланади.



Асосий қисм



4. 10 дақиқа ўтганидан сўнг ҳар бир гуруҳни ўз фикрлари билан бўлишишлари учун таклиф этинг.
5. Ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан муҳожаат қилинг.
 - Ушбу стереотипларнинг оқибатлари қандай деб ўйлайсиз?
 - Стереотипларни қўллаш бу яхшими ёки ёмонми? Нима учун?
6. Инсонни унинг маданияти ёки бошқа бир жиҳатларидан келиб чиқиб, таҳминларлар асосида унга нотўғри таъриф бериш, уни камситиш, ўғил бола ёки қиз болалиги учун унга бошқача муносабатда бўлишдан қўра, уни мукамал ва ноёб шахс сифатида эътироф этилиши муҳимлигини таъкидлаб ўтинг.

Болаларга, кўп ҳолатларда стереотиплар **адолатсизлигини**, шу сабабдан инсонларда ҳақиқатдан йироқ бўлган фикрни шакллантиришини, тушунтириб беринг.

7. Имкон бўлса ўқувчиларга «Зорблар: Ҳамжиҳатликдаги иш муваффақият гаровидир» мультипликацион фильмини кўриш ёки Зорблар ҳақидаги тегишли комиксларнинг нусхасини ўқиб чиқишни таклиф этинг. Сўнг қуйидаги саволарни беринг:
 - Сизнингча ушбу фильм/комикс бизга нимани ўргатмоқчи бўлди?
 - Нима учун Свэн, Мириам ходани кўтаришга ёрдам бериш учун етарлича кучга эга эмас ва буни ўрнига мушукни тинчлантириши керак деб ҳисоблайди?
 - Сиз Свэннинг фикрига қўшиласизми?
 - Сизнингча Мириам ходани кўтаришга ёрдам бериш учун етарлича кучга эга эмасми?
 - Бундай фикрга боришингизга нима сабаб бўлди?
 - Ўғил болалар қиз болаларга қараганда кучлироқ деб ўйлайсизми? Нима учун?
 - Свэн катта машаққат билан баландликдан қўрқшини айта олди. Нимага?



Фикрлаш



1. Болалардан, улар ёқтирган бир қаҳрамоннинг исмини ёзиб беришларини илтимос қилинг. Бу қаҳрамон ҳақиқий инсон ёки хаёлий қаҳрамон бўлиши мумкин.
2. Бир неча сониядан сўнг ҳар бир ўқувчига ўз қаҳрамони ҳақида сўзлаб беришни таклиф этинг. Жавобларини флипчартга ёзинг.
3. Болалардан тузилган рўйхатда нечта аёл қаҳрамон борлигини санаб ўтишни илтимос қилинг. Рўйхатда эркак қаҳрамонлар сони, аёл қаҳрамонлар сонидан кўпроқ бўлиши эҳтимоли катта, бундай бўлса болаларга нима учун аксарият ҳолда қаҳрамон деб – эркак киши назарда тутилишини ўйлаб кўришни таклиф этинг. Аксинча, рўйхатда аёл қаҳрамонлар сони кўпроқ бўлса, болалардан, нимага айнан аёл қаҳрамонни танлашганини сўраб, эркак ва аёл кишилар қандай қилиб қаҳрамон бўла олиши ҳақида суҳбатлашинг.
4. Машғулот якунида, болалардан, аёллар ва қиз болалар билан боғлиқ стереотиплар, аксарият ҳолатларда уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларида маълум бир оқибатга эгаллиги ҳақида ўйлаб кўришларини таклиф этинг.

Масалан, ушбу машғулот, жамиятда қаҳрамон одатда эркак киши сифатида қабул қилинишини, яққол кўрсатиб беради. Бу стереотип салбий ҳисобланади, негаки у қиз болалар ва аёл кишиларнинг ўзларига хосликлари ва қобилиятларини эътиборсиз қолдириб, уларнинг кучли томонларини тан олмайди. (жасорат, куч, эмпатия, ақл ва х.к.)

Буни сезмасакда, аслида орамизда аёл қаҳрамонлар жуда кўп. Шунчаки уларга эркак қаҳрамонлар каби эътибор қаратмаслигимиз мумкин.


Тавсия: оилавий қаҳрамон

Ушбу машғулот вақтида, болалар кўпроқ эркак қаҳрамонларига мурожаат этишларининг эҳтимоли юқори, аммо оиланинг аёллари, мисол учун, она, опа, бувиларни қаҳрамон ўрнида айтиб ўтишлари мумкин.

Бундай ҳолатда, нимага айнан шу инсонни танлашганини ва унинг айнан қайси жиҳатлари ёки қобилиятлари қаҳрамон деб ҳисобланишига сабаб бўлганини, болалардан албатта аниқлаштиринг.

Эҳтимолдан холи эмаски, болалар оиладаги аёл қаҳрамонни айтиб ўтишларининг асосий сабаби, аёллар ғамхўрлик қилишлари, уларнинг меҳри, сабри ва муҳаббатидир.

Билингки, аёл қаҳрамонларни биргина ғамхўрлик қилганлари учун қадрлашимиз, бу хали хануз стереотипларга тадбиқ қилишимиздан далолатдир, бизнинг қаҳрамонларимиз бу оналаримиз, опаларимиз ёки бувиларимиз фақат ғамхўр, меҳрибон бўлишганлиги учун эмас, балки улар кучли, ақлли, жасур ва х.к. бўлганлиги учундир. Агар шу жойини алоҳида тақидлаб ўтишингиз лозим бўлса, болалар ўз қаҳрамонларини нима учун айнан эркак ёки аёл киши сифатида кўришларини, турли ҳил сабабини ўйлаб кўринг.



Фикрлаш



Қўшимча вазифа: аёл қаҳрамонлар ҳақида ўрганамиз

Ушбу машғулот , аёл қаҳрамонлар ҳақида кўпроқ билиб олишимиз учун қулай фурсатдир.

Болалардан гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилиб, ҳар бир гуруҳга, қуйида келтирилган 4 та ҳикоядан 1 тасини тақдим этинг.

Ҳар бир гуруҳга ўқиш ва ўз ҳикояларини сўзлаб бериши учун етарли вақт ажратиб беринг.

Ҳар бир гуруҳга ўзларининг ҳикояларининг айтиб беришларини таклиф этиб, қуйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда муҳокамани ташкиллаштиринг.

- Ушбу аёлни Сиз қаҳрамон деб ҳисоблайсизми? Нима учун?
- Сизнингизча қандай феъл-атвор уни қаҳрамон сифатида намоён қилмоқда?

Ҳар бир гуруҳга аёл қаҳрамонларни ўрганишда кичик тадқиқот ўтказишларини таклиф этинг. Болалар танлаб олган қаҳрамонлари тўғрисида янги маълумотга эга бўлишлари ёки ўзлари учун янги аёл қаҳрамонини кашф этишлари мумкин. Болалардан ўз тадқиқотлари тўғрисида синфда сўзлаб беришларини илтимос қилинг.

Агар аёл қаҳрамонлар тўғрисидаги ҳикояларни ўқиш болалар учун ўта мураккаб бўлса, уларни биргаликда синфда ўқиб, юқорида айтиб ўтилган саволлар ёрдамида, ҳикояларда намоён этилган аёл қаҳрамонларни муҳокама қилинг.

1-қаҳрамон: Роза Паркс (1913-2005).

Роза Паркс “Фуқаролик ҳуқуқларининг биринчи хоними” ва “озодлик ҳаракатининг онаси” деб ҳисобланади. У 1955 йил 1 декабрдаги қаҳрамонларча адо этган ҳаракатлари учун ушбу унвонларга сазавор бўлган. Ўша вақтлар АҚШда, Африка миллатига мансуб бўлган инсонларга адолатсиз муносабатда бўлишган. Масалан, Паркслар яшайдиган Монтгомери шаҳрида африкаликлар оммавий транспортларнинг фақат махсус жойларида ўтиришлари мумкин бўлган. Оқ танли йўловчилар учун ажратилган ўриндиқларга ўтиришлари тақиқланган эди.

1955 йил декабрнинг илк кунда, Паркс оғир иш кунидан сўнг, автобусга чиқиб оқ танли йўловчилар учун ажратилган ўриндиқларнинг бирига ўтиради. Автобус тўлиб бўш ўриндиқлар қолмагидан сўнг, хайдовчи Розадан, оқ танли йўловчига жой беришини илтимос қилади. Паркс бу ҳолатни адолатсизлик деб билиб, жой беришдан бош тортади. Унинг эътирози катта ижтимоий норозиликка сабаб бўлиб, оммавий транспортлардаги жой ажратишларни тўхтатилишини умуммиллий ҳаракатлари бошланди. Унинг норозилиги оқибатида Монтгомери шаҳри ҳукумати, оммавий транспортларда махсус ўриндиқларга ажратилиши бўйича қарорни бекор қилди.



Фикрлаш



Қўшимча вазифа: аёл қаҳрамонлар ҳақида ўрганамиз

2-қаҳрамон: Валентина Терешкова (1937 йилда таваллуд топган).

Валентина Терешкова 1937 йил Россияда таваллуд топган, ёшлигидан у ўзига хос ноёб қизиқишга эга бўлган. У парвоз қилишни яхши кўрар эди. У кўп вақтини майсада ётиб, осмонга қараб ўтказар ва қуш каби парвоз қилиш ёки булутлар орасидан ўтиб, само чиқишни тасаввур қилар эди.

Терешкова парвоз қилиш ғояси билан шунақанги мафтун бўлган эдики, парашют билан сакрашни ўрганиш учун ўз маошидан пул жамлаб борди. Унинг биринчи иш жойи маҳаллий тўқимачилик фабрикаси бўлган. У хали ханузгача ўзининг илк бор сакраган вақтидаги туйғуларини эслайди: осмонга кўтарилаётган вертолетни, осмондан ерга қарагандаги, сакрагандаги ҳаяжонларини, парашютнинг очилишини, осмонда сузиб юрган вақтидаги сокинликни, уйлар, мошиналар ва далалар, ерга яқинлашгани сайин тобора катталашганини. Шундан сўнг у ўзининг жойи фабрика билан боғлиқ эмаслигини англаб етди.

Терешкова ўз орзусини рўёбга чиқаришга қатъий қарор қилгани сабабли, дунёдаги энг биринчи аёл-космонавтлар учун тузилган дастурга ёзилди. Космосга чиқиш учун у 400 та номзоддан танлаб олинган биринчи аёл бўлди.

1963 йил 16 июнда Терешкова 26 ёшида “Восток-6” космик кемасига кўтарилиб, космосга учирилган. Ёлғиз ўзи деярли уч кун давомида космик капсулада бўлиб Ер атрофида 48 мартаба айланиб чиққан. У барча америкалик астронавтларга қараганда битта парвозининг ўзида парвозга кўпроқ вақт сарфлашга муваффақ бўлган.

Ўзининг тарихий саёҳатида “Чайка” код номи остида алоқага чиққан Валентина Терешкова, Россияда миллий қаҳрамони деб ҳисобланади.



Фикрлаш



Қўшимча вазифа: аёл қаҳрамонлар ҳақида ўрганамиз.

3-қаҳрамон: Вангари Маатаи (1940-2011).

Вангари Маатаи инсонларга ва табиатга нисбатан адолатли бўлиш, уларни ҳурмат қилиш ва қадрлаш лозим деб ҳисоблар эди. У бу мақсад учун қаттиқ курашди ва ушбу қадриятларга қатъий риоя қилди, демократия, тинчлик ва барқарор ривожланишга қўшган ҳиссаси учун Нобел мукофоти совриндори бўлиб табиатни муҳофаза қилувчи биринчи африкалик аёл сифатида танилди.

У қандай қилиб бунга эришди? У Кениядаги қишлоқда туғилиб, кўплаб қиз бола ва ўғил болаларга ёқадиган нарсаларни қилишни яхши кўрар эди. В.Маатаи ҳар куни ота-онаси билан маҳаллий яйловларга борар эди: яқин орадаги дарёда чўмилишни ва баланд дарахтлар орасида бекинмачоқ ўйнашни ёқтирар эди. Унга дарахтлардан осилиб турган барра манголарнинг ҳиди ёқар эди, ўтлар орасида чигирткаларни қидиришни ёқтирар эди.

Ўша вақтларда, айниқса қишлоқларда, қиз болалар мактабга камдан-кам ҳолатларда боришар эди. Аммо Вангари Маатаи улғайганидан сўнг ота-онасидан, нима учун акалари мактабга боришлари мумкинлигини, унга эса бориш тақиқланганини сабабини сўрашни бошлаган. Унинг ота-онаси, кескин сабаб мавжуд эмаслигини тушунишгач, қизларини мактабга жўнатишга рози бўлишади.

Вангари Маатаи мактабни севар эди, бошқа болаларга қараганда, таълимни анча яхшироқ ўзлаштирар эди. Унинг эришган натижаларини кўрган ота-онаси, биология фанини чуқурроқ ўрганиши учун унга ўрта мактаб, сўнгра эса университетда тахсил олиши учун руҳсат беришди. У яшайдиган қишлоқда ҳеч қачон ва ҳеч ким аёл киши университетда тахсил олганини кўрмаган эди. Университетда эришган ютуқлари натижасида Жанубий ва Марказий Африкада докторлик даражасига сазовор бўлган илк аёл деб танилган.

Вангари Маатаи ўз мамлакати, хусусан аёллар равнақи учун кўпроқ ҳаракат қилиши зарурлигини тушунди ва Кениянинг Аёллар Миллий Кенгашида раис лавозимини эгаллади. Вангари Маатаи аёллардан қуриб кетган дарёлар, дарахтлар ва ўсимликлар етишмовчиликлари билан боғлиқ бўлган кўплаб шикоятлар олди. У ўз қишлоғига қайтиб келиб, бир вақтлар ўрмон бўлган ерлар ўрнини чангли далалар эгаллаганини англади. Маатаи ушбу ҳолат сув, дарахт ва ўсимликлар етишмовчилиги сабабидан содир бўлганини аниқлади. Сув йиғадиган ва сақлайдиган дарахтларсиз экотизим мувозанати бузилади, бунинг оқибатида ер ҳалок бўлади.

Вангари Маатаи кўп дарахт экиш кераклигини тушуниб етди ва бошқа аёлларни ҳам ўрмонни қайтариш учун ёрдам беришга кўндирди. Бу жуда катта ва имконсиз деб туюлган лойиҳа эди, аммо аёллар дарахтларни экишдан тўхтатмадилар ва натижада ушбу машаққатли ишни удаладилар; ўрмонни, у билан бирга эса дарёлар, ўсимликлар ва манго дарахтларини ҳам қайтардилар.

Вангари Маатаи эришганларида тўхтамасдан, Яшил Камар Ҳаракатини ташкил этди. Ушбу Ҳаракатнинг мақсади Ер ва сайёрада яшовчи барча инсонларга ғамхўрлик қилишдир.



Фикрлаш



Қўшимча вазифа: аёл қаҳрамонлар ҳақида ўрганамиз



4 қаҳрамон: Заха Хадид (1950-2016).

Заха Хадид оддий архитектор эмас, у “архитектор-юлдуз” бўлган эди. Нимага? Негаки унинг ўзига хос ҳикояси интеллектуал аниқлик, ошкоралик ва гўзалликка тўла бўлиб, эркакалар устунлик қилган соҳада эришилган омад ҳикояси ҳамдир.

Заха Хадид Ироқдаги Боғдод шаҳрида таваллуд топган. Болалигида ота-онаси уни мамлакатнинг жанубий қисмида жойлашган қадимги Шумер шаҳарларига саёҳатга олиб боришган. Ушбу шаҳарлар - дунёнинг қадимги цивилизацияларидан қолган жойлар ҳисобланади. У манзара гўзаллигидан ҳайратда қолган эди. Қум ва сув бирлашиши, шунингдек инсонлар меҳнатининг оқибатида яратилган миноралар уни шунчалик ҳайратга солганидан ва ушбу уйғунликни замонавий дунёда қайта акс эттириш мақсадида, Хадид архитектор бўлишга қарор қилди.

1977-йилда Буюк Британияга кўчиб келганидан 5 йил ўтгач, у университетни тамомлаб, ўзининг тубдан янги ва инновацион лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлади. Дастлабки вақтда кўпчилик уни ғояларининг аксариятини амалда қўллаб бўлмади деб топган, шу сабаб гўзал режалар фақат қоғозда қолиши ёки архитектура журналларининг саҳифаларини тўлдириши мумкин деб ҳисоблашган. Аммо Заха Хадид ҳеч қачон таслим бўлмас эди. У қаттиқ курашиб, муросага боришни қатъиян рад этди, бу эса эркакалар устунлик қиладиган соҳа бўлгани учун, айниқса қийин кечди.

1990-йилларнинг охирига келиб, Заха Цинциннати шаҳридаги замонавий санъат Марказининг дизайнини яратгани учун халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди ва халқаро миқёсдаги юлдузга айланди ҳамда дунёдаги кўплаб шаҳарларнинг манзарасини ўзгартиришни давом эттирди. 2004 йилда у ўз касбининг энг юқори мукофотига сазавор бўлди, аниқроғи, Притцкер номидаги архитектура мукофотини қўлга киритди. У бу мукофотга сазовор бўлган биринчи аёл эди.



Фикрлаш




Оилавий машғулот: уйда гендер стереотипларга оид суҳбатлар


Уйда гендер стереотиплар тўғрисида суҳбатлашиш осон бўлмаслиги мумкин. Баъзи маданиятларда аёл кишилар болаларга ғамхўрлик қилишлари, уй ишларини бошқариб, шу қаторда узоқ вақт ишхонада ҳам ишлашлари лозим деб ҳисобланади. Шундай экан, бундай ҳолатларда гендер тенглик тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан шахсий тажриба ҳақида гапиришнинг ўрнига, гендер тенгсизлик ва стереотипларга оид хабардорликни ошириш мақсадида муҳокамани тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотларга таянган ҳолда, қуриш ўринли бўлади.

Ўқувчиларга “Кўшимча вазифа” да аёл қаҳрамонлар ҳақидаги келтирилган мисоллардан фойдаланишларини таклиф қилинг. Болалар бу мисолларни ота-оналари билан бўлишиб, улар бу инсонларни билишадими, агар билишмаса, нима учун уларни номаълум деб ҳисоблашлигини сўраб кўришлари мумкин. Шу қаторда, болаларга ота-оналаридан ўз аёл қаҳрамонлари тўғрисида сўзлаб кўришларини таклиф этинг.

Болаларга оилавий урф-одатдан келиб чиқиб, ўз оналари ёки бошқа оила аъзоларидан қисқа интервью олишни таклиф қилинг. Болалар улардан аёл сифатида уйда ҳамда жамиятда эгаллаган ўринлари қандай ўзгаргани ҳақида сўраб кўришлари мумкин. Уларда илгари таъқиқланган, лекин бугунги кунда амалга ошириш мумкин бўлган нарсалар мавжудми? Қандай касб аёллар учун ноодатий ҳисобланган? Қандай касб эркеклар учун ноодатий деб топилган?

Болалардан оила аъзолари билан ўтказган суҳбатлари натижасини синфда сўзлаб беришларини илтимос қилинг. Бутун инсоният тарихи давомида гендер стереотиплар ва гендер роллар вақт ўтиши оқибатида қандай ўзгаришларга эга бўлганини ўқувчилар билан муҳокама қилинг. Уларнинг фикри бўйича стереотиплар қандай яралиши ва нима учун вақт ўтиб ўзгаришини сўраб кўринг. Зарурият бўлса, стереотиплар ижтимоий алоқаларнинг натижаси эканини ҳамда жамият билан бирга ўзгариб ва ривожланиб боришини болаларга тушунтириб ўтинг.





БАРЧАГА ҲУРМАТ

Дарс режаси:

Жиноятчиликни олдини олиш .

Қўлланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар.



- «Асосий» қисмдаги сўзлар рўйхатини синфингиздаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ мослаштинг.

Машғулот вазифалари:



Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- «Ҳурмат» сўзи моҳиятини тушуниш.
- Стереотип ва ақидани фарқлай олиш.
- Стереотип ва ақиданинг салбий оқибатларини англаш.
- Хилма-хилликка нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш.

Дарс режасидан фойдаланиш



Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлаш**. Бундан ташқари, мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада алоҳида «**Тавсиялар**» ҳамда «**Кўшимча вазифа**» ва «**Оилавий машғулотлар**» ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот



Ушбу дарс машғулоти атрофдагиларга нисбатан доим ҳурматда бўлиш мажбуриятига бағишланган.

Дарс, аввал ўқувчилар «Ҳурмат» сўзини моҳиятини ўрганишларидан бошланади. Улар стереотип ва ақида тушунчалари нимани англатиши тўғрисида умумий маълумот олишади.

Дарс якунига бориб, ўқувчилар стереотип ва ақиданинг оқибатлари ва нима учун улар салбий бўлиши тўғрисида билиб олишади.



Асосий савол:

Стереотип ва ақида нимани англатади?

Қандай қилиб барчага бирдек ҳурматда бўлишни ўрганиш мумкин?

Ёш:

9 -12 ёш

Қадриятлар:



Кўнималар:



Давомийлиги:



Изоҳ. Агар Сизда дарсни бутунлай ўтишга имкон бўлмаса, «**Кириш**» қисмини алоҳида ўтишингиз мумкин. Бундан ташқари, «**Кириш**» қисмини хилма-хиллик қадриятларига алоҳида эътибор қаратилган «Хилма-хилликнинг кўринишлари»ни дарс машғулоти билан мужассамлаштирган ҳолда кенгайтириш ҳам мумкин.

Тайёргарлик кўриш:

- Флипчартлар.
- Маркерлар.
- Чизиш учун тегишли ўқув қуроллар.
- Имкон бўлса «**Зорблар: янги ҳаёт бошланиши**» мультипликацион фильми ёки **E4J сайтыда** жойлаштирилган «Зорблар»нинг тегишли **комикси** тақдим этилса, мақсадга мувофиқ..

Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва **бўёқ** дафтарлари билан ҳам танишингиз мумкин.

Кириш



1. Болалардан кичик гуруҳларга бўлиниб, қуйидаги саволларга жавоб топишларини илтимос қилинг

Сиз учун «Ҳурмат» сўзи нимани англатади?

2. Ҳар бир гуруҳдан ўз фикрлари билан бўлишишларини илтимос қилинг. Бир гуруҳ ўз фикрини баён қилётганида, қолганларуларнинг фикрига қўшилсалар, ўрниларидан туришлари; аксинча бўлса, ўрниларида қолишларини таклиф қилинг.

3. Фикрга қўшилмаганлардан нима учун улар бу хулосага келишганлиги ҳамда қандай қилиб улар буни ўзгартирган ҳолдан талқин қилишлари мумкинлигини тушунтириб беришларини илтимос қилинг. Барча фикр-мулоҳазаларни флипчартга ёзиб боринг.

4. «Ҳурмат» тушунчасига шундай мисол топишга ҳаракат қилингки, уни синфдаги барча ўқувчилар маъқулласин.

5. Болаларга қуйидаги саволлар билан муружаат қилинг:

- Сизнинг гуруҳингиз билдирган фикрни баъзи бир синфдошларингиз маъқулласа, нималарни ҳис қилган бўлар эдингиз?
- Аксинча, Сизнинг гуруҳингиз билдирган фикрга баъзи бир синфдошларингиз қўшилмаганда, нималарни ҳис қилган бўлар эдингиз?
- Дўстларингиз фикри Сизникидан фарқ қилса бу Сиз учун маъқулми?

6. Энди эса, ҳурмат билдириш ўз ичига бизларникидан фарқ қиладиган турли фикрларни мужассам қилишини эслатинг. Бизга ўхшаган ёки ўхшаш фикрлайдиган инсонларга ўз ҳурматимизни билдиришимиз, албатта, осонроқ. Бироқ, инсонларнинг фикри қандай бўлиши ёки улар биздан қандай жиҳати билан фарқ қилишидан қатъий назар, барчага бирдек ҳурмат билдираётганимизга ишонч ҳосил қилишимиз лозимлигини тушунтиринг.

Бундан ташқари, бировни ҳурмат қилиш - бу унга ўз фикрини баён этиш; агар бизнинг фикримиз нотўғри бўлса, уни инкор қилиш ёки эътироз билдиришга имкон бериш ҳам деганидир. Биз доим ўз фикр-мулоҳазаларимизни мантиқан ўйлаб ва фактларга асослаб, ҳиссиётга берилмаган ҳолда ифодалашимиз лозим. Фикримиз фақатгина кайфиятимиз ёки ҳиссиётларимиз таъсирида шаклланишига йўл қўймаслигимиз муҳим.



Тавсиялар: «Ҳурмат» тушунчасига таъриф бериш

Ҳурматсизлик вазиятларини аниқлаш осонроқ бўлсада, аксинча, ҳурмат билдирилаётган ҳолатларни тўғри аниқлай билиш мураккаб.


«Кириш» қисмидаги вазифаларга киришиш осон бўлиши учун қуйида «ҳурмат» тушунчасига келтирилган таърифлар билан танишиш мумкин.

Агар болалар «ҳурмат» тушунчаси бўйича мисоллар келтиришга қийналаётган бўлсалар, унда уларга қуйидаги мисолларни келтириб, муҳокамани давом эттиринг.

«Ҳурмат бу – у ёки бу кимса ёки жисмга нисбатан қувонч, ёки завқ ҳиссини билдириш демақдир»

Шу билан бирга, «ҳурмат бу – ҳушмуомалалик, шараф, меҳр каби муҳим ҳислатларнинг намоёндаси ҳисобланади»

Бундан ташқари, ҳурмат қилмоқ - бу бошқа, Сиздан фарқ қиладиган инсонларнинг маданияти ва урф-одатларига нисбатан бағрикенглик нуқтаи назаридан, ўз фикр ва мулоҳазаларингизни ижобий тарзда намоён қилишингиздир.



Асосий қисм



Изоҳ. Агар «Зорблар: Ҳурмат ғалабадан муҳимроқ!» мультипликацион фильми ёки мавзуга оид тегишли комиксларни кўриш имкони бўлса, унда қуйидаги машқларни бажаришингиз лозим. Агар бунинг имкони бўлмаса, 7-машқни ўтказиб юборинг.

1. Ҳозир бир нечта сўз айтишингизни ва ҳар бир ўқувчидан ушбу сўзларни ҳамда уларни эшитганларида мияларига биринчи бўлиб келган ва у билан боғлиқ сўз ёки жумлалар (ассоциация) ни ҳам ёзиб олишлари кераклигини тушунтиринг. Улар имкон қадар кўпроқ боғлиқ ва ўхшаш сўзларни ёзишлари лозим.
2. Қуйидаги сўзларнинг ҳар бирини ўқиб беринг. Болалар ўз фикрларини ёзиб олишлари учун ҳар бир сўздан кейин бир неча сония кутинг. Улар сўзни эшитган заҳотлари, мияларига биринчи бўлиб келган фикрни ёзишлари муҳимлигини эслатинг
 - Ҳамшира
 - Балерина
 - Ўғри
 - Милиционер
3. Сўнг юқоридаги сўзлардан бирини танлаб, ҳар бир ўқувчидан нима ёзганлиги ҳақида синфга айтиб беришни илтимос қилинг. Айтилган фикрларни флипчартга ёзинг.
4. Фикрларни флипчартда ёзиб бўлганингиздан сўнг, улардан бирини танлаб, болалардан мазкур фикр ушбу категориядаги инсонларга тегишлилиги ҳақида сўранг

Мисол учун, агар болалар «ҳамшира» сўзини танлаган бўлсалар, улардан ҳақиқатдан ҳам барча ҳамширалар – аёллар деб ҳисоблашлиги ҳақида сўраб кўринг. Баъзида биз инсон ёки бир гуруҳ инсонлар тўғрисида тасаввурларимизни соддалаштирамиз. Ушбу соддалаштирилган фикрлар аслида стереотиплар деб аталиши ва улар салбий эканлигини тушунтиринг.

Стереотиплар инсонларнинг индивидуаллигини инкор қилганлиги учун зарарли ҳисобланади. Ақида – бу бир гуруҳ инсонларни асоссиз ёқтирмаслик ёки уларни бошқа бир гуруҳ инсонларга нисбатан устун қўйиш ҳолатидир. Ақида - бу ақл ёки тажрибага асосланмаган салбий ғоялардир.

5. Ўқувчилардан гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Болалардан машғулот бошида шакллантирган рўйхатларига яна бир назар солиб, улардан қайси бири стереотипларга тегишли бўлиши мумкинлигини аниқлашларини илтимос қилинг.



Тавсиялар: Хилма-хиллик ва гендер (жинсий) стереотиплар

Ушбу машғулот стереотип ва ақидалар ҳамда атрофдагиларга бўлган ҳурмат тушунчаларини ўзлаштиришга бағишланган. Агар Сиз гендер стереотиплар тўғрисида қўшимча маълумотлардан фойдаланишни истасангиз «**Хар бир инсон қаҳрамон бўла олади**» дарс режасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Агарда Сиз хилма-хиллик мавзусига чуқурроқ тўхталмоқчи бўлсангиз, унда «**Хилма-хилликнинг кўринишлари**» дарс режасидан фойдаланишингиз мумкин.




Асосий қисм



6. Қуйидаги саволлар тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг:
 - Ким стереотиплар таъсирига кўпроқ учрайди?
 - Нима учун инсонлар стереотиплардан фойдаланишади?
 - Нима учун стереотиплар ҳурматсизликни англатади?

7. Болаларга «Зорблар: Ҳурмат ғалабадан муҳимроқ!» мультипликацион фильмини намойиш қилинг ёки мавзуга оид тегишли комиксларни тарқатинг. Сўнг муҳокамани давом эттириш учун қуйидаги саволлардан фойдаланинг:
 - Нима учун Пинкилар инсонларга зиён етказиш орқали устунликка эга бўлишаётганлиги ва бу билан қоидабузарликка йўл қўйишаётганлиги тўғрисидаги Карлос ва Грейснинг фикрларини адолатсиз деб ҳисоблайсиз?
 - Нима учун ақидалар адолатсиздир?
 - Нима учун Карлос ва Грейс ўз вақтларини олдинги йилдан кўра қизиқарлироқ ўтказишди?

8. Машғулотни стереотип ва ақидага учраган инсонлар нималарни ҳис қилишлари мумкинлиги ва нима учун доим барчани ҳурмат қилиш муҳимли тўғрисида яна бир бор эслатиш билан яқунланг. Ҳар бир инсонни индивидуаллигини баҳолаш муҳимлигини таъкидланг.



Фикрлаш



Изоҳ. Агар Сизда дарсни бутунлай ўтишга имкон бўлмаса, «Кириш» қисмини алоҳида ўтишингиз мумкин. «Фикрлаш» қисмини эса «Хилма-хилликни кўринишлари» дарс машғулоти билан мужассамлаштирган ҳолда кенгайтириш ҳам мумкин.

1. Болалардан қуйидагиларни сўранг:
 Нима учун ҳар бир инсоннинг ўзига ҳослигини қадрлаш муҳим?
2. Ўқувчилардан гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилиб, ҳар бир гуруҳни чизиш учун керакли бўлган материаллар билан таъминланг. Болаларнинг расмларида табиатнинг хилма-хиллиги тавсирланган бўлиши лозим. Мисол учун, улар билган ўсимлик ва ҳайвонотнинг турли вакиллари.
3. 15 дақиқадан сўнг ҳар бир гуруҳ ўзи тасвирлаган расмини қолганларга кўрсатиб тушунтириб бериши лозимлиги айтинг.
4. Болалардан қуйидагиларни сўранг:
 - Нима деб ўйлайсиз, чизган расмларингизда флора ёки фаунанинг фақат бир тури тасвирланганда, уларнинг кўриниши яхшироқ бўлармиди?
 - Қандай қилиб хилма-хиллик бизнинг жамиятимизни янада бетакрор ва чиройлироқ қилишга ёрдам беради?
 - Инсонлар ўртасидаги фарқлар-чи? Қандай қилиб бизнинг фарқли жиҳатларимиз синфимизнинг муҳитига таъсир қилади?

Хилма-хиллик, у қандай кўринишда бўлмасин, жамиятимиз ва атроф-муҳитнинг бойлиги ва гўзаллигига беқиёс ҳисса қўшишини таъкидланг. Катта ёки кичик бўлсин, ҳар бир ўсимлик ёки ҳайвон ҳаётда ноёб ва ҳал қилувчи роль ўйнашини тушунтиринг.

Шунга ўхшаб, ҳар бир инсон ўзига ҳос ва ноёб эканлиги сабабли, у ўз ғоялари, билим ва кўникмалари ҳамда тажрибаси билан жамиятнинг муҳим бир қисми ҳисобланишини таъкидланг.



Тавсия: ҳурмат қилишнинг асосий қоидалари

«Ҳурмат» ва уни бир-биримизга нисбатан билдиришимиз муҳимлигини муҳокама қилишда қуйидаги мулоҳазалардан фойдаланинг:

- Инсонларга дастлабки фикрларга асосланиб баҳо берманг.
- Сизни эшитмасалар ҳам, инсонларни ҳеч қачон ҳақорат қилманг ва камситманг.
- Инсонларнинг хусусиятларига асосланиб, улар тўғрисида фикр юритманг.
- Бошқа инсонларнинг фикри, қарашлари ва ғояларини ҳурмат қилинг.
- Хилма-хилликни қадрланг.
- Меҳрибон ва ҳамдард бўлинг.
- Савол беришдан қўрқманг.
- Бошқа инсонлар нималарни ҳис қилишлари мумкинлигига эътиборли бўлинг.
- Доим хушмуомала муносабатда бўлинг, ҳақоратли сўзларни ишлатманг.



Фикрлаш



Оилавий машғулот: Стереотиплар ва вақт ўтиши билан уларнинг ўзгариши тўғрисида суҳбатлашамиз

Ўқувчиларга ота-она, буви ва буваларига қуйидаги савол билан муносабат қилиб улардан қисқа интервью олишларини таклиф қилинг: “Нима деб ўйлайсиз, вақт ўтиб баъзи стереотиплар ўзгардимиз? Ўзгарган бўлса бунинг сабаби нимада?”


Агар бунга тайёр бўлишса, болалар ўзларининг яқинлари билан амалга оширган интервьюлари ҳақида синфга гапириб беришсин. Уларга стереотипларнинг барқарор эмаслиги, унинг хилма-хиллиги ва вақт ўтиши билан ўзгариши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг.

Болалардан нима учун стереотиплар ўзгариши ҳақида сўранг.

Лозим бўлса, болаларга стереотиплар, одатда, жамиятнинг катта ва нуфузли гуруҳларнинг бошқалардан фарқ қиладиган ёки заиф, жамият учун потенциал хавф туғдириши мумкин бўлган инсонларга нисбатан ўйлаган фикрларини махсули бўлиши мумкинлигини тушунтиринг.

Стереотиплар илмий воқеликка эмас, балки баъзи инсонлар бошқа бир гуруҳ инсонларини таснифлашига асосланади. Биз стереотипларни атрофимиздаги инсонлардан ўрганамиз: ота-она, тенгдошлар, ўқитувчи, оммавий ахборот воситалари ва х.к. Стереотиплардан фойдаланган ҳолда биз уларга таълим берамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Вақт ўтиши билан маданият ўзгаради ва маълум бир гуруҳ инсонларига бўлган муносабатимиз ўзгаради. Вақт ўтиши билан баъзи стереотиплар йўқолиб, ўрнига янгилари пайдо бўлади.





БАРЧАМИЗ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГАМИЗ!

Мавзу бўйича дарс режаси:

Мажбурий меҳнат, одам савдоси ва муҳожирларни ноқонуний йўл орқали олиб кириш.

Қўлланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар

- Биринчи навбатда, бола ҳуқуқлари тўғрисида умумий тушунча бериб ўтиб, кейин эса ёши каттароқ бўлган ўқувчилар билан дунёнинг бошқа қисмларида содир бўлаётган бола ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини муҳокама қилишингиз лозим, негаки улар ёши кичикроқ ўқувчиларга қараганда кенгроқ ўйлашга қодирлар. Кичик ёшдаги ўқувчиларга эса ўзи яшаётган жамияти доирасидаги мисолларга таяниб тушунчалар беринг.
- Сиз ишлаётган гуруҳдаги болаларнинг сони кўп бўлса “Кириш” қисмида жамоавий ишни бажариш учун болаларни жуфтликга эмас, кичик бир гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилишингиз мумкин.

Машғулот вазифалари:

Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Ҳар бир бола ўз ҳуқуқига эгалигини ва бола ҳуқуқлари нима учун кераклигини ўзлаштириш;
- бола ҳуқуқлари тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- баъзи болалар худди шундай ҳуқуқларга эга эмасликларини тушуниш;
- бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг режа ва чораларини ўйлаб чиқиш.

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин

Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлаш**. Бундан ташқари, мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада алоҳида «Тавсиялар» ҳамда «Кўшимча вазифа» ва «Оилавий машғулотлар» ҳам ўрин олган.

Машғулот бўйича маълумот:

Катталарга қараганда, болаларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш ва ҳуқуқлари суиистеъмол қилиниши ҳолатлари содир бўлиши хавфи кўпроқ бўлгани сабабли, улар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимояга муҳтождирлар.

БМТ томонидан Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, катталар ва ҳукумат томонидан уларга хавфсиз, соғлом, бахтли ва мазмунли ҳаёт кечиртишлари учун шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий концепция ишлаб чиқилган.

Ушбу дарсда болалар ўз ҳуқуқлари ва нима учун уларга ҳуқуқлар кераклигини билиб олишади. Шу қаторда, ўқувчилар нима учун бу ҳуқуқларни қадрлаш муҳимлиги ва баъзи ҳолларда, уларнинг ҳуқуқлари бузилиши мумкинлиги ҳақида ҳам билиб олишади.

Дарс якунида болалар, синф, мактаб ва жамиятда бола ҳуқуқларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни режалаштиришни ўрганиб олишади.

Асосий савол:

Болалар қандай ҳуқуқларга эга ва қандай килиб бу ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаш мумкин?

Ёши:

9 -12 ёш

Қадриятлар:



Кўникмалар:



Давомийлиги:




Машғулотга тайёргарлик кўриш:

- Имкон бўлса хар бир бола учун БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядан бир нусхадан тарқатинг: <https://www.unicef.org/rightsite/files/uncrcchildfriendlylanguage.pdf>. Акс холда, Конвенциянинг нусхасини катта форматда чиқариб, деворга илиб қўйинг.
- Эски газета ва журналлар
- 5 дона қайчи
- 5 дона елим қаламчалари
- 6 та флипчарт ёки плакат варақлари
- 5 дона маркер
- 1 дона тўп
- Имкон бўлса, “Зорблар: Ўқиш бахти” мультипликацион фильми намойиш қилинг ёки «Адолат учун таълим» E4J веб саҳифасида мавжуд бўлган тегишли комиксларнинг нусхаларидан фойдаланинг.
- Бундан ташқари zorbfy.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва бўёқ дафтарлари билан ҳам танишишингиз мумкин.

КИРИШ



1. Флипчартга “Бола ҳуқуқлари” деган сарлавҳани ёзинг. Бола ҳуқуқлари ҳамда нимага улар бахтли, соғлом, ва ҳавфсиз ҳаёт кечиришимиз учун зарур эканини болаларга тушунтиринг.
2. Болалардан қуйидагилар тўғрисида ўйлаб кўришларини илтимос қилинг:
“Сизнинг ҳуқуқларингиз қандай?”
3. Ҳар бир ўқувчига, унинг ўнг тарафида ўтирган синфдошига ўз ғояларини айтиб беришини таклиф этинг.
4. Бир неча дақиқадан сўнг ҳар бир жуфтлик ўз ғояларини синфда сўзлаб беришини илтимос қилинг.
5. Жавобларини флипчартга ёзиб олиб, уларни тўғриламасликка ҳаракат қилинг. Муҳокама орқали болаларнинг ўзи мавжуд бўлган хатоларни аниқлашлари лозим. Масалан, “Ким бошқача фикрда? Нима учун бундай фикрдасиз?” деган саволлар беринг. Кейинги машғулотлар (“1-Дарс ва 2-Дарс”) учун флипчартдан фойдаланинг.
6. Барча ўқувчилар ўз фикрларини билдирганларидан сўнг, уларга қуйидаги саволни беринг:
«Нима учун болалар учун махсус ҳуқуқлар мавжуд? Бу муҳимми? Нима учун бу муҳим?»
7. Зарур бўлса, ўз имкониятларимизни тўлиқ очиб беришимиз ва ўзимизга бўлган адолатли муносабатни кафолатлаш мақсадида, ҳар биримиз ҳуқуқга эга бўлишимиз лозим эканини болаларга таъқидлаб ўтинг. Шавқатсиз муносабат ва ҳуқуқлари суистеъмол қилиниш хавфи олдида болалар кўпроқ химоясиз ҳисоблангани сабаб, ҳар бир бола (0 дан 18 ёшгача бўлган бола) махсус ҳуқуқларга эга бўлиши лозимлиги ҳамда катталар ва ҳукумат болаларни хавфсиз, соғлом, бахтли ва мазмунли ҳаёт кечиришлари учун тегишли шароитлар билан таъминлаши муҳимлигини тушунтириб беринг.



Тавсия: Қандай қилиб синфда инсон ҳуқуқлари кафолатлаганлигига асосланган ўқув муҳитни яратиш мумкин

Болалар ўзларидан катта бўлган ва ишонган инсонлари, айниқса, ўқитувчиларини ўзларига мисол қилиб, улардан ўрнак олишади. Шу сабабдан синфда барчанинг ҳуқуқлари кафолатланган, ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатга асосланган муҳитни яратиш лозим. Бу эса ўз ўрнида болалар, инсон ҳуқуқлари кундалик ҳаётимизнинг асосий қисми эканини тушунишлари учун ёрдам бўлади.

Қуйида қандай қилиб синфда инсон ҳуқуқлари муҳофазасига асосланган тегишли муҳитни яратиш бўйича умумий маслаҳатлар келтирилган. Батафсил маълумотга эга бўлиш учун тегишли ресурслардан фойдаланишингиз мумкин.

1. Умумий, долзарб ва кенг қамровли ўқув дастурдан фойдаланиш.

- Холис ўқув жараёнини таъминланг (масалан, миллат, қобилият ва жинсга ажратмаслик).
- Ўзида грамматика, математика, табиий фанлар ва ҳ.к. ҳамда ўйин элементларини қамраб олган умумий ўқув дастурдан фойдаланинг.
- Болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос келадиган ўқитиш услубидан фойдаланинг.

2. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга асосланган таълим ва баҳолаш методикасидан фойдаланиш.

- Таълим беришда ўқувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олинг. Жамоавий иштирок ҳамда ҳар бир ўқувчининг шахсий, индивидуал жиҳатларига асосланган таълим усулларида фойдаланинг (мисол учун, маълумотни мазмунига эътибор қаратмасдан фақат уни ёдлаб олиш усулидан йироқ бўлинг).
- Таълим жараёни мактабдан ташқарида ҳам давом этгани сабабли, оила ва жамоат аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.
- Боланинг ўзига хослигини ҳисобга оладиган ва ўзига бўлган ҳурматни оширишга йўналтирилган баҳолаш стратегияларидан фойдаланинг (одатий тест синовларнинг ўрнига лойиҳавий ёндашув).

3. Болалар учун дўстона, хафвсиз ва соғлом жисмоний муҳитни яратиш.

- Ўқув жараёнининг хафвсизлигига ҳамда меҳнат гигиенасига оид, шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хафвсизлик қоридларининг минимал стандартларни жорий этинг.
- Болалар учун мослашган жисмоний муҳитни яратинг. Масалан, синф хонасида мазкур машғулот учун очиқ ва хафвсиз жой ажратинг (ҳар бир ўқувчи осон ҳаракатланиши ҳамда кўриш қобилияти суст бўлган ўқувчиларга ҳам қулайлик яратиш лозим). Шу билан бирга, ундаги жиҳозлар болалар фойдаланиши учун қулай тарзда жойлаштирилган бўлиши муҳим.

4. Болалар учун қулай, хафвсиз ва соғлом–эмоционал муҳитни яратиш.

- Тараққиёт ва билимга чанқоқликни рағбатлантирувчи илиқ ва дўстона муҳитни яратинг.
- Рақобатга эмас, балки ўзаро ҳамкорликка қўмаклашинг.
- Ўзаро қўллаб-қуватловчи ва очиқ мулоқотни яратинг.
- Ҳар қандай турдаги жисмоний ва эмоционал зўравонликнинг олдини олинг (масалан, қўрқитиш ва таъқиб қилиш)
- Синфда холисликни таъминланг (масалан, миллат ва жинсга ажратишдан сақланинг).

Ресурслар:

• World Health Organization Information Series on School Health, Creating an environment for emotional and social well-being: an important responsibility of a health-promoting and child-friendly school/Жахон Соғлиқни сақлаш ташкилоти. Мактабда соғлом муҳитни яратиш бўйича маълумот бюллетенлари. Мактабларда соғлом ва дўстона муҳитни яратиш ижтимоий ва эмоционал фаровонликни таъминлаш гаровидир (инглиз тилида) <https://apps.who.int/iris/handle/10665/42819>

• Child Rights Education Toolkit: Rooting Child Rights in Early Childhood Education, Primary and Secondary Schools, UNICEF ЮНИСЕФ. www.unicef.org/crc/files/UNICEF_CRE_Toolkit_FINAL_web_version170414.pdf

• Manual for Child Friendly Schools, UNICEF /Бола ҳуқуқлари бўйича қўлланма (инглиз тилида) ЮНИСЕФ. www.unicef.org/publications/files/Child_Friendly_Schools_Manual_EN_040809.pdf

АСОСИЙ ҚИСМ: 1-ДАРС



Тавсиялар: «1-дарс» ва «2-дарс»

Мазкур «Асосий» қисм икки кичик бўлимларга ажратилади: «1-дарс» ва «2-дарс». «1-дарс»да бола ҳуқуқлари тўғрисида умумий тушунча берилади ҳамда «2-дарс»да ўқувчилар бола ҳуқуқларини бузилиши ҳақида суҳбат олиб боришади. «2-дарс»га ўтишдан олдин «1-дарс»ни яқунлаш лозим. Шу билан бирга Сиз ўзингиз мустакил равишда иккала машғулотни бажариш учун керак бўладиган вақтни белгилашингиз мумкин. Дарс режасини бир кундан ортиқ бўлган вақтга тақсимлашингиз мумкин.



Изоҳ: Агар «Зорблар: Ўқиш бахти» мультипликацион фильми кўриш ёки мавзуга оид комиксни болалар билан ўқиш имкони бўлса, қуйидаги вазифаларни барчасини бажаришингиз лозим. Акс ҳолда, 6-вазифани ўтказиб юборинг.

1. Синф марказидаги столга эски журнал ва газеталарни жойлаштиринг.
2. Ўқувчиларга бешта гуруҳга бўлинишни тавсия қилиб, ҳар бир гуруҳни флипчарт, елим, қайчи ва қоғоз билан таъминланг.
3. Ҳар бир гуруҳ постерда иккита бола ҳуқуқларидан мисолни келтириши лозимлигини тушунтиринг. Постерлар газета ва журналларнинг тасвирларидан тайёрланиши керак бўлади. Ўқувчилар постерни тайёрлаш жараёнига креатив ёндашган ҳолда уни комикс шаклида ҳам намойиш этишлари мумкин. Ўқувчилар ўзлари ифодалаб бермоқчи бўлган ҳуқуқларга таъриф берувчи бир нечта расмлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Уларга постер учун аниқ бир ҳуқуқларни танлашда ёрдам бермоқчи бўлсангиз унда дарс бошида биргаликда кўриб чиққан ҳуқуқлар тўғрисида эслатинг.
4. Ҳар бир гуруҳга постерларни тайёрлаши учун 20 дақиқа вақт ажратинг. Сўнг, ҳар бир гуруҳга ўзлари тайёрлаган постерларини тақдим этишлари, қолганлардан эса унда қандай ҳуқуқлар тасвирланганини муҳокама қилишларини илтимос қилинг.

АСОСИЙ ҚИСМ: 2-ДАРС



5. Ўқувчиларга «Кириш» ва «Асосий қисм: 1-дарс»лардаги вазифалар доирасида белгиланган ҳуқуқларга назар солишини таклиф этинг. Бола ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги муҳокамани қуйидаги саволдан фойдаланган ҳолда бошланг:

«Сизнингча болаларнинг қандай ҳуқуқлари кўп ҳолларда катталар томонидан бузилади?»


Тавсия: бола ҳуқуқлари бузилиши.

Баъзи ҳолларда, болалар ўз ҳуқуқлари бузилаётганлигини тушунишлари қийин бўлиши мумкин. Шу билан бирга, улар адолатсиз деб ҳисоблаётган у ёки бу ҳаракатлардан мисоллар келтиришлари, лекин ушбу ҳаракатлар орқали ҳақиқатдан ҳам уларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлигини аниқ айтиб бера олмасликлари ҳам мумкин.

Бола ҳуқуқлари – бу болалар соғлом ва бахтли бўлиб ўлғайишлари учун керак бўладиган ҳимоя инструменти эканлигини тушунтириш муҳим.

Бола ҳуқуқлари поймол этилиши ҳолатлари уларнинг эҳтиёжлари қондирилмаслигидан келиб чиқади. “Эҳтиёж” тушунчасини ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қилиб, эҳтиёж ва истаклар орасидаги фарқни кўрсатинг.

Зарурият бўлса, ҳуқуқбузарлик ҳолатларидан мисоллар келтиринг (мисол учун, болалар мактабни ташлаб, носоғлом муҳитда ишлашга мажбур эканлигини), бундай ҳолларда болаларнинг қандай эҳтиёжлари инкор этилаётганлиги тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг.



АСОСИЙ ҚИСМ: 1-ДАРС



6. Болаларга «Зорблар: Ўқиш бахти» мультипликацион фильмини намойиш қилинг ёки мавзуга оид тегишли комикслардан нусхалар тарқатинг. Фильм ёки комиксларнинг намойишидан сўнг муҳокамани давом эттириш учун қуйидаги саволлардан фойдаланинг:
 - «Нима деб уйлайсиз, бу ерда нима назарда тутилган?»
 - «Бу ҳикоя бизни нимага ўргатади?»
 - «Нима учун Интелла, Лилли ва Кофи мактабга бораётганликларини омад деб билади?»
 - «Нима учун Мундо ва Анита мактабга бошқа бора олишмайди?»
 - «Нима деб ўйлайсиз, барча болалар мактабга бориш ва ўйнаш имкониятига эга эканлиги қанчалик муҳим? Нима учун?»
 - «Сиз Интелланинг ўрнида бўлсангиз, нима қилган бўлар эдингиз?»
7. Ўқувчилардан доира шаклида жойлашишларини илтимос қилиб уларга тўп беринг. Бунда болалар тўпни бир бирларига эҳтиёткорлик билан оширишлари ҳамда ҳар сафар кимдир тўпни ушлаганда Сиз томонингиздан таклиф этилган мисолларга асосланиб бола ҳуқуқларининг бузилиши оқибатига вужудга келиши мумкин бўлган битта мисолдан кўрсатиб ўтишлари лозимлигини тушунтиринг. Масалан, болалар мактабни ташлашга мажбур эканликлари мисолдан бошланг.
8. Бир неча дақиқадан сўнг болаларга яна бир мисол келтириб ўйинни ҳудди шу тарзда давом эттиришларини таклиф қилинг. 5-шартни бажариш вақтида ўқувчилар томонидан таклиф этилган ёки қуйида келтирилган мисоллардан фойдаланинг:
 - Болалар соғлиғига зарар этказувчи шароитларда ишлашга мажбурдирлар ва уларга меҳнат ҳақи тўланмайди.
 - Болаларни ота-оналаридан олиб қўйишади.
9. Ҳар бир ўқувчга, унга қабул қилиши учун тушунарли тарзда мослаштирилган БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси нусхасидан тарқатинг ва иккита мақоладан овоз чиқариб ўқишини илтимос қилинг. Агар Сизда ҳар бир ўқувчи учун алоҳида нусха бўлмаса, унда деворга илинган нусхани ўқиб беринг.
10. Дарс бошида келтириб ўтилмаган ҳуқуқларни биргаликда аниқланг. Ушбу ҳуқуқларни флипчартга ёзинг ҳамда уни синф деворига илиб қўйинг.

Тавсия: маълумотни ўқувчиларнинг ёшига нисбатан мослаштириш.

Ушбу дарслар болалар кундалик ҳаёт тарзи, айниқса, кичик ёшдаги болаларга таълим бериш жараёнига мос бўлиши муҳим.

Ҳуқуқбузарлик бўйича мисолларга болаларнинг ёшига нисбатан мослаштирилган ҳолда таъриф берилса ўқувчилар ушбу маълумотларни ўзларининг билим даражасига мувофиқ қабул қилишлари осон бўлади.

Катта ёшдаги болаларга таълим бериш жараёнида эса, аксинча, юқорида келтирилган масалаларни дунёнинг бошқа қисмларида бола ҳуқуқлари соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар мисолида таърифлаш мумкин. Бу каби мисоллар бошқа минтакаларда яшаётган болалар ҳаёти ва маданияти ҳақида кенг тушунчага эга бўлишга имкон беради.



Фикрлаш



Тавсия: «Фикрлаш» машқини бажариш учун вақтни тақсимлаш.

Ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишларидан келиб чиқиб «Фикрлаш» машқи оддий ҳаракатларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

Мисол учун, болалар ўз эътиборларини (12 модда) «Эркин сўзлаш ҳуқуқи»га қаратишлари ва шу билан бошқа инсонларнинг фикрига ижобий муносабатда бўлиб, уларни ҳурмат қилишни ўрганишлари мумкин.

Ўз навбатида, «Фикрлаш» машқи мураккаб ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун ўқувчилар (23-модда) «Имконияти чекланган болаларнинг парвариши ва махсус таълим»га қаратиб директор ёки ўзлари истиқомат қилаётган жамиятларига йўналтирилган кампания лойиҳасини ишлаб чиқишлари мумкин.

Бундан келиб чиқадики, «Фикрлаш» машқига ажратилган вақт ўзгариши мумкин. Вазифани бажариш учун бир неча кун ажратиш мумкин. Буни қандай қилиб амалда қўллаш, шу жумладан вақтни тўғри тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар билан «Қушимча вазифа» бўлимида танишингиз мумкин.



1. Ўқувчиларга бола ҳуқуқларини рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида синф, мактаблари ёки жамиятда амалга оширмоқчи бўлган ҳаракатларини аниқлашни таклиф қилинг. Улардан бола ҳуқуқлари соҳасида мактаб ёки жамиятда ҳар доим ҳам риоя этилмайдиган битта ҳуқуқни танлашларини илтимос қилинг.
2. Улар билан синф, мактаб ёки жамиятда ушбу ҳуқуққа эришиш, уни яхшилаш ва ўзгартиришнинг стратегияларини муҳокама қилинг.

Оилавий машғулот

Болаларга ота-оналарига қуйидаги савол билан мурожаат этишарини таклиф қилинг:

«Сизнинг ёшлигингиз менинг ҳозирги кундаги ҳаётимдан қандай фарқ қилган? Буви ва буваларимизнинг ҳаётини?»

Болаларга ўз ота-оналари билан уларнинг ёшлик вақтларида бола ҳуқуқлари соҳасида қандай камчиликлар бўлгани ҳамда ҳозирги кун билан солиштирганда мазкур йўналишда қандай натижаларга эришилгани тўғрисида муҳокама қилишни илтимос қилинг. Бола ҳуқуқлари соҳасида қандай ўзгаришлар бўлганлигини таърифлаш учун ота-оналаридан ушбу соҳага оид қизиқ воқеа ва ҳикоялар айтиб беришларини илтимос қилишсин.

Имкон бўлса кейинги машғулотда болалар уйда ўз ота-оналаридан эшитган қизиқ воқеа ва ҳикояларни гапириб беришларини таклиф қилинг.



Фикрлаш



Қўшимча вазифа: Бола ҳуқуқларини кафолатлаш ва қўллаб-қувватлаш учун амалга ошириш лозим бўлган чоралар.

«Фикрлаш» машқини давомли синф лойиҳаси сифатида қўлласа бўладими?

Сиз бола ҳуқуқларини маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда кафолатлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқишингиз мумкин.


Болаларга кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Ҳар бир гуруҳга ўзларига ёққан ёки уни қўллаб-қувватлаш истагини билдирган ҳуқуқ турини аниқлашларини таклиф қилинг. Ҳар бир гуруҳдан ўз танловлари тўғрисида гапириб беришларини илтимос қилинг. Барча таклифларни флипчартга ёзиб, ўқувчиларга улардан қай бири устида биргаликда ишлаш истагини билдираётганликларини сўранг.

Ўқувчилар аниқ бир ҳуқуқ турини танлаганларидан сўнг, улар билан уни илгари суриш бўйича стратегияни келишинг. Болаларга кенгроқ фикрлашга имконият беринг:

- Сиз мазкур ҳуқуқларни оммалаштириш кампанияси устида иш олиб боришингиз мумкин;
- Сиз мактаб учун бола ҳуқуқларига асосланган умумий тартиб қоидаларни ишлаб чиқиб мактаб маъмуриятига тақдим этишингиз мумкин;

Мавзунини кўриб чиқиш жараёнида у, биринчи навбатга, болаларнинг ёшига мос ва тенгҳуқуқлик асосида ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Муҳокама Сиз эътиборингизни қаратмоқчи бўлган ҳуқуқларга эмас, балки ўқувчилар томонидан долзарб деб топилган ҳуқуқларга йўналтирилган бўлиши муҳим. Ўқувчиларга эркинлик бериб ўз танловларини мустақил равишда қабул қилишлари ва синфда муҳокама жараёни тенгҳуқуқлик асосида ташкил этилганлиги ҳамда унда барча ўқувчиларнинг иштироки таъминланганлига ишонч ҳосил қилинг.





ХИЛМА-ХИЛЛИКНИНГ ШАКЛЛАРИ

Мавзу бўйича дарс режаси:

Ҳамжиҳатлик, бир-бирига ҳурмат ва иззатда бўлиш

Турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар.

- Мавзуга мос келишини таъминлаш мақсадида «Кўшимча вазифа» бўлимида материални тегишли равишда ўзгартирганлигингизга ишонч ҳосил қилинг.

Машғулот вазифаси:

Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Ҳар бир инсон – бу алоҳида, ҳеч кимга ўхшамайдиган бетакрор шахс
- барча синфдошлари бир-бирларидан фарқ қилишларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш.
- Хилма-хилликнинг муҳимлиги ва қадр-қимматини англаш.


Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин:

Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлаш**. Бундан ташқари, мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада алоҳида «**Тавсиялар**» ҳамда «**Кўшимча вазифа**» ва «**Оилавий машғулотлар**» ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот:

Қуйидаги вазифаларни бажариш орқали болалар ўзларини ноёблиги ва ўзларининг бошқалардан фарқли жиҳатлари ўрганишади. Турли бадий ишларни амалга ошириш орқали улар хилма-хиллик тушунчасининг моҳиятини, ҳамда унинг жамиятдаги ўрнини ёритиб беришади.

Машғулот якунида болалар камситишнинг қандай шакли бўлмасин, унга қарши курашиш, ҳамда инсонларга адолатли ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганишади.



Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва [бўёқ дафтарлари](#) билан ҳам танишишингиз мумкин.

Калит саволлар:


Нималар бизни ўзига ҳос инсон сифатида шакллантиради? Нима учун биз, бошқалардан фарқли жиҳатларимизни қадрлашимиз лозим?

Ёш: 9 -12 ёш

Қадриятлар:



Кўникмалар:



Давомийлиги:




Машғулотга тайёргарлик кўриш:

- Чизиш учун керак бўладиган материалларни хонани бир бурчагига ва қўл меҳнати жиҳозларини иккинчи бурчагига жойлаштиринг.
- Рангли қалам, маркер ва бўёқлар.
- А4 форматдаги қоғозлар – ҳар бир ўқувчига иккитадан.
- Мозайка учун материаллар:
- 6 та елим (ҳар бир гуруҳга биттадан).
- 6 та варақ картон/қаттиқ қоғоз (ҳар бири 20x20 см) – мисол учун, бунга эски поябзал қутиси ҳам тўғри келади. Уни мозайка учун плитка сифатида ишлатиш мумкин.
- Имкон бўлса «Зорблар: адолатни олқишлаймиз» мультипликацион фильмини намойиш қилинг ёки «Адолат учун таълим» E4J веб саҳифасида мавзуга оид тегишли комиксларнинг нусхаларини болаларга тарқатинг.
- Рангли қоғозларни қирқиб бўлгандан сўнг, қолган парчаларидан мозайканинг элементлари сифатида фойдаланиш мумкин (1x1 см). Ранглар қанча хилма-хил бўлса, шунча яхши. Эски журналлардан қирқилган парчалар жуда мос келади. Мозайканинг парчаси Тессера деб аталади.
- Агар имкон бўлса, катта ҳажмдаги (A1 ёки A2 формат) қоғоз олинг: А4 форматдаги қоғозларни билраштиринг. Якунида мозайканинг барча қисмларини катта ватман қоғозига елимдан фойдаланган ҳолда жойлаштиринг.

Кириш



1. Болаларга чизиш учун тегишли ўқув қуроллари ва керакли материалларни кўрсатинг ҳамда бугунги машғулотни чизишдан бошлашингизни айтинг. Ҳар бир бола бир дона А4 форматдаги қоғозни олиб, ўзи истаган нарсани тасвирлаши мумкинлиги тушунтиринг. Тасвирлаш жараёнида болалар ягона қоидага, яъни фақатгина битта рангдан фойдаланишлари мумкинлигини эслатинг.
2. Болаларга 5 дақиқа чизишга имкон беринг, сўнг уларни тўхтатинг. Хонада айланиб, бошқалар чизган расмларини томоша қилишларига руҳсат беринг.
3. Энди эса яна битта А4 форматдаги қоғозни олиб, янги расмни тасвирлашларини илтимос қилинг; фақат бу сафар қолган ҳар қандай мавжуд рангдан фойдаланишлари мумкинлигини тушунтиринг.
4. 5 дақиқадан сўнг болаларга чизишни тўхтатишларини илтимос қилиб, бир-бирларининг чизган расмларини кўриб чиқишларини айтинг.
5. Бир неча дақиқадан сўнг барчага қуйидаги саволларни муҳокама қилишларини илтимос қилинг:
 - Фақат биргина рангдан фойдаланишга муносабатингиз қандай? Бошқа мавжуд ранглардан фойдаланишдан фарқи нимада?
 - Иккита расмдан қайси бирининг кўриниши яхшироқ? Битта рангдан фойдаланиб тасвирланганими ёки ҳар хил рангларданми?
6. Кун мавзуси билан қисқача таништиринг: Бугун хилма-хиллик ва жозибadorликни қадр-қиммати тўғрисида сўзлашингизни тушунтиринг.



Асосий қисм



1. Қоғозга тасвирлаш мобайнида фойдаланган рангларимиз каби биз ҳам бир-биримиздан кўп жиҳатларимиз билан фарқ қилишимизни тушунтиринг.
2. Болалардан бешта гуруҳ шакллантиришни илтимос қилинг. Ҳар бир гуруҳни елим, биттадан квадрат картон варағи ва бир нечта рангли қоғоз парчалари билан таъминланг. Бугун улар мозайка яратишларини айтиб ўтинг. Рангли қоғознинг кичик парчалари - бу мозайка ёки тессеранинг қисмлари, квадрат картон варақлари эса - бу ҳар бир гуруҳ ўзларининг мозайкали плиткалари учун кичик рангли қоғоз парчаларини ёпиштирадиган плиткалар ҳисобланади.
3. Ҳар бир гуруҳ Сизнинг йўриқномангизга риоя қилган ҳолда биргаликда битта мозайкали плитка устида ишлашлари мумкинлигини эслатинг. Сизнинг йўриқномангизда мозайка плиткасида қандай ранг тессераларни жойлаштириш лозимлиги белгиланган бўлиши лозим. Ўз навбатида, тессераларни картоннинг қайси қисмига жойлаштиришни болалар ўзларининг ихтиёрларига кўра амалга оширишлари мумкин.
4. Энди эса, қўйидаги йўриқномани бирма-бир, уларни бажариш учун етарли вақт ажратган ҳолда болаларга ўқиб беринг. Янада тушунарли бўлиши учун, йўриқномани доскага ҳам ёзиб қўйсангиз, болалар ўзларининг мозайкалари устида ишлашлари вақтида уларга мурожаат қилишлари мумкин бўлади.
 - Ҳамма қизлар кўк рангли тессера, болалар эса қизил рангли тессераларни олиб, картон қоғознинг исталган жойига жойлаштиришади.
 - Ака-ука ва опа-сингиллари бўлмаган болалар картонга - сариқ рангли, битта ака/опаси борлар – қизил, иккита ака-ука ёки опа-синглиси борлари -олов ранг, учта бўлса- пушти ҳамда учтадан кўп ака-ука ёки опа-сингиллари бор болалар картонга яшил рангли тессераларни жойлаштиришади.
 - Агар футболни ёқтирсангиз картонга олов ранг, фильмлар кўриш ёқса- жигарранг, китоб ўқишни севсангиз- яшил, бошқа қизиқишларингиз бўлса- сариқ рангли тессераларни жойлаштиринг.
 - Картошка маҳсулотини хуш кўрсангиз картонга- қизил, гуруч бўлса- сариқ, макаронни ёқтирсангиз- олов ранг, бошқа бир маҳсулотларни ёқтирсангиз - қора рангли тессераларни жойлаштиринг.
 - Математика фанига қизиқсангиз картонга сариқ рангли, адабиёт фани бўлса- кўк, спортда етакчи бўлсангиз- яшил, бошқа бир фан ёки соҳада билимингиз кучли бўлса- олов рангли қоғоз парчасини жойлаштиринг.
 - Бўш қолган жойларни ўзингиз ёқтирган ранглар билан тўлдиринг.
5. Яқунлагач, болаларни бошқа гуруҳлар тайёрлаган мозайкалар билан танишишга озгина вақт ажратишларини илтимос қилинг. Сўнг қўйидаги саволларни бериб, болаларни бир-бирларининг фарқли жиҳатларини муҳокама қилишга чақиринг:
 - Нима деб ўйлайсиз, бу машғулот орқали биз нималарни ўрганишимиз мумкин?
 - Қандай қилиб бизнинг ўзимизга ҳос бўлган фарқли жиҳатларимиз ушбу мозайкани яратишга ёрдам берди?
 - Нима деб ўйлайсиз, мазкур машғулот мобайнида биз қандай фарқли жиҳатларни аниқладик? Кўникмалар, биография, оила аъзолари, шахсий қизиқишлар ва бошқа жиҳатлар нуқтаи назаридан, синфдошлари билан фарқли жиҳатлари мавжудлиги тўғрисида ўйлаб кўришларини илтимос қилинг. Уларнинг жавобларини доскага ёзиб қўйинг, бу Сизга кейинчалик керак бўлади.



Асосий қисм



6. Зарурият бўлса, болаларга ҳар бир инсон, бугунги чизилган расмлар каби ўзига ҳос хусусиятга эгаллигини тушунтириб, қуйидаги саволларни беринг:
 - Агар бизнинг ўртамызда ҳеч қандай фарқ бўлмаганда, бугунги мозайкали плиткаларимизнинг кўриниши қайдай бўлган бўлар эди?
 - Бу синфда ўқиётганларнинг барчаси бир ҳил бўлса, нима бўлган бўлар эди? Агар ҳар биримизнинг ўзимизга ҳос, бошқалардан фарқли жиҳатларимиз бўлмаса-чи?
 - Агар бу масалага бутун дунё миқёсида қарасак-чи? Агар ҳар биримизнинг қобилиятларимиз, кўникмалар ва қизиқишларимиз бир ҳил бўлиб, жамият/дунёда ҳеч қандай хилма-хиллик бўлмаса, нима бўлган бўлар эди деб ўйлайсиз?
7. Баъзи бир жиҳатлардаги ўхшашликларга қарамасдан, ҳеч ким бир-бирига тўлақонли ўхшамаслигини тушунтиринг. Ўзимизга ҳос бўлган жиҳатларимиз орқали ҳар биримиз жамият/дунёни янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.
8. Ўқувчиларни синф ўртасида йиғилиб, ўзларининг мозайкали плиткаларини тўплаган ҳолда, яхлит катта вароқга ёпиштиришларини илтимос қилинг ва тайёр бўлгач, уни деворга илиб қўйинг.

Тавсия: Дискриминация ҳақида билиб оламиз

Дискриминация бу бир инсонни бошқалардан ажратиш, унга бошқача муносабатда бўлиш. Дискриминация, одатда гуруҳнинг жинсий, диний, ирқий ва бошқа шу каби жиҳатларидан келиб чиқиб намоён бўлиши мумкин. Бир инсон ёки гуруҳ кўпчиликдан «фарқли» деб қабул қилинганда ҳам дискриминация ҳолати вужудга келиши мумкин.

Қандай қилиб биз шу каби вазиятларни олдини олишимиз мумкин?

Будьте открыты и непредвзяты: исследуйте и задавайте вопросы, когда происходит что-то новое или отличное от того, что было прежде. Не бойтесь различий. Если кто-то другой отличается от вас или думает иначе, чем вы, это не значит, что он / она ошибается!

Очиқ кўнгил ва бағрикенг бўлинг:

Сиз учун баъзи бир жиҳатлар янгилик бўлса, савол беринг. Хилма-хилликдан кўрқманг. Агар бошқа бир инсоннинг фикри Сизникидан фарқ қилса, бу дегани унинг фикри хато дегани эмас!

Тахминларга таяниб қолманг:

Юзаки тахминлар асосида хулоса чиқарманг.

Ўқитувчи сифатида фарқли жиҳатлар тўғрисидаги саволларни жавобсиз қолдириб, баъзи бир инсонлар гуруҳи учун бу чеклов бўлишига йўл қўйманг.



Фикрлаш



Изоҳ: Агар Сизда «Зорблар: Адолатни олқишлаймиз» мультипликацион фильмини кўриш ёки мавзуга оид тегишли комиксларни ўқишга имкон бўлса, унда қуйидаги (1 дан 3 гача бўлган) шартларни бажаришингиз лозим бўлади. Агар бунинг имкони бўлмаса, 1-шартни ўтказиб, иккинчисидан бошланг.

1. Имкон бўса «Зорблар: адолатни олқишлаймиз» видеосини намойиш қилинг ёки мавзуга оид тегишли комиксларни тарқатинг. Видео намойиши ёки комикслар тақдимотидан кейинги муҳокамани самарали ташкил этиш мақсадида қуйидаги саволлардан фойдаланинг.



«Нимага кимёвий воситаларнинг тарқалиб кетишидан сўнг одамлар Интеллага нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлишди?»

«Бундай вазиятда Интелла ўзини қандай ҳис қилди?»

«Нима учун Кен ва Лилининг гуруҳи четлаштирилди?»

«Нима деб ўйлайсиз, гуруҳларнинг четлаштирилиши адолатдан бўлдимиз? Нима учун?»

«Нима деб ўйлайсиз, бу ҳолатдан биз ўзимиз учун қандай ҳулоса чиқаришимиз мумкин?»

2. Энди болаларга «Асосий қисм» бўлимининг 6-бандида ўзингиз белгиланган фарқли жиҳатлар рўйхатига назар ташлашларини илтимос қилиб, қуйидаги саволларни биргаликда муҳока қилинг:

а. Бир-биримиздан нима билан фарқ қиламиз?

б. Нима деб ўйлайсиз, мисол учун, баъзи бир кўникмалар, дунёқараш ёки қизиқишлар каби жиҳатлар сабаб инсонларга ҳурматсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари одатий тусга кириши мумкинми?

в. Дискриминация ҳолати ёки адолатсизлик муносабатга кўп учрайдиган инсонлар тўғрисида мисол келтира оласизми?

г. Нима деб ўйлайсиз, нима учун бундай ҳолатлар вужудга келади? Нима деб ўйлайсиз, бундай ҳолатга тушган инсонлар нималарни ҳис қилишлари мумкин?

д. Бошқа бир инсонга ҳурматсиз муносабатга бўлишаётганлини пайқасангиз, нима қилган бўлар эдингиз?

3. Қуйидагиларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир инсонда мавжуд ўзига ҳос жиҳатларига нисбатан ҳурматда бўлишимиз лозимлигини болаларга тушунтиринг:

- Ҳар бир инсон қадрли ва биз, албатта, уларга адолатли бўлишимиз ҳамда қандай қилиб бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз уларга таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ўйлашимиз лозим.

- Инсонлардаги ҳар бир фарқли жиҳатларни қадрлашимиз ва уларни қандай бўлса, шундай қабул қилишимиз лозим.

- Биз ҳеч қачон инсонларнинг кўникмалари ва тавсифлари тўғрисида тахмин қилишимиз керак эмас: китобга унинг муқовасидан келиб чиқиб баҳо берманг!

- Фарқли жиҳатларни қабул қилиш учун биз доим очиқ бўлишимиз лозим: бу таассубларга қарши энг яхши воситадир.

- Ҳар бир инсон қадрли, ҳар биримиз жамиятни яхшилаш учун ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.



Фикрлаш

**Қўшимча вазифа: Дискриминацияга қарши бўл**

Сиз «Фикрлаш» машғулотида инсонлар бир-бирларига нисбатан ҳурматсиз бўлган ёки дискриминация ҳолатига учраган вазиятларга алоҳида эътибор қаратиб, давом эттиришингиз мумкин.

Қуйидаги ҳикояни ўзингизга мослаган ҳолда ўқувчиларга ўқиб беринг.

«Сумайа – янги ўқувчи. У яқинда Сизнинг шаҳрингиз ва мамлакатингизга кўчиб келди: у ва унинг оиласи бошқа давлатдан. У Сизнинг тилингизда хали унчалик яхши гапирмайди. Унинг тушликка тановул қиладиган таоми Сизларникидан фарқ қилади, унинг кийиниши ҳам ўзгача. Бошқа болалар унинг кийинишига, овқатланишига қараб, уни турли сўзлар билан калака қилишади. Унга ҳеч қачон тadbир ёки ўйинларда иштирок этишни таклиф қилишмаслиги сабабли, у танаффус вақтини ёлғиз ўтказади.

Болаларга қуйидаги саволларни бериб, уларни биргаликда муҳокама қилинг:

- Нима деб ўйлайсиз, нима учун бошқа болалар Сумайани масҳара қилишмоқда? Нима учун улар уни биргаликда ўйнашга таклиф қилишмаяпти?
- Нима учун болалар уни бошқача деб ўйлашмоқда? Нима деб ўйлайсиз, улар Сумайага нисбатан нималарни ҳис қилишмоқда?
- Нима деб ўйлайсиз, Сумайа нималарни ҳис қиляпти?
- Агар Сумайа таҳсил олаётган мактаб ёки синфда бўлсангиз, нима қилган бўлар эдингиз?
- Сумайа ўзини яхши ҳис этиши учун нима қилган бўлар эдингиз?
- Агар бошқа болалар Сумайага нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиб, унинг устидан кулишаётганлигини кўрсангиз, нима қилган бўлар эдингиз?

Энди эса, болалар билан биргаликда қандай қилиб ҳар бир фарқли жиҳат жамиятни бунданда гўзал бўлишига кўмаклашиши тўғрисида муҳокама қилинг.



Фикрлаш

**Оилавий машғулот:**


Болаларга уларнинг оилаларидаги хилма-хилликни ўрганишларини ҳамда қандай қилиб ҳар бир оила ва маданият жамиятнинг турли-туманлигига ўз ҳиссасини қўша олиши тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг.

Болалардан қуйидаги саволларга жавоб олиш учун ота-оналари билан қисқача суҳбат ўтказишларини илтимос қилинг:

- Ота-оналари қайси давлат/ҳудуд/шаҳарда туғилганлар? Буви ва буваларичи?
- Туғилган шаҳар ёки тумanning анъанавий таоми қандай ва келиб чиқиши қанақа?
- Анъанавий кийими қандай?
- Улар туғилган жойнинг байрам ва анъаналари қандай?

Сўнг болалардан, ўзларининг ихтиёрига кўра уйда ота-оналари билан суҳбат натижасида олган жавобларини сўзлаб беришлари ҳамда имкон бўлса харитада ўша жойларни топишларини илтимос қилинг. Улар билан оилалардаги хилма-хиллик, ҳар бир оиланинг ўзига ҳос жиҳатлари ва, шу билан бирга, уларни нима бирлаштириб туриши тўғрисида суҳбатлашинг. Таомлар мисолида болаларга миллий ва халқаро ошхоналарнинг хилма-хиллиги тўғрисида гапириб беринг. Ҳар бир оиланинг ўзига ҳос маданияти, урф-одати ва анъаналари жамиятни янада яхшилашга кўмаклашишини таъкидлаб ўтинг.





ТЎҒРИ ТАНЛОВ

Мавзу бўйича дарс режаси:

Одоб-ахлоқ ва ростўйлик

Қўланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар:



- Машғулотнинг “Кириш” қисмига ўзингизни ихтиёрингиз ҳамда имкониятларингизга қараб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишингиз мумкин.
- Агар Сизнинг аудиториянгиз катта, яъни ўқувчиларингизнинг сони кўп бўлса, унда “Кириш” қисмидаги “жуфтликларда ишлаш” усулини “кичик гуруҳларда ишлаш” усулига ўзгартиришингиз мумкин.

Машғулот вазифаси:



Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Қандай қилиб шахсий танлов ва ҳаракатлар ўзлари, бошқа инсонлар ҳамда атроф-муҳитга ижобий ёки салбий кўрсатиши мумкинлигини.
- Бошқа инсонлар ва атроф-муҳитга бўлган ҳурмат, эътироф яхши муносабатни қадрлашни.
- Қийин танловга дуч келганда нималарга эътибор бериш, муаммони қандай ҳал этиш ва қандай қарор қабул қилишни.

Дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин:



Дарс режаси **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлашларга** ажратилган бўлиб, бундан ташқари, мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсадида қўлланмада алоҳида «**Тавсиялар**» ҳамда «**Қўшимча вазифа**» ва «**Оилавий машғулотлар**» ҳам ўрин олган.

Дарс кўриниши:



Помидор ёки сабзининг қайси навини танлаш каби кундалик ҳаётимизда қабул қилаётган қарорларимизнинг баъзи бирлари оддий, баъзилари эса, аксинча, мураккаб.

Ушбу машғулотда ўқувчилар ўзлари амалга ошираётган ҳаракатларига нисбатан қилаётган танловлари тўғрисида фикр юритишлари лозим. Улар ўзларининг ҳаракатлари оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар, аниқроғи, баъзи ҳаракатларнинг натижаси ижобий, бошқалариники эса салбий бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришлари лозим бўлади.

Ўйлаб топилган (тўқилган) сценарий асосида болалар салбий ёки ижобий хатти-ҳаракатлар, улар натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни кузатиб боришади.

Болалар ушбу сценарий давомида нима қилиш кераклиги, яъни қандай қилиб тўғри қарор қабул қилиш мумкинлигини аниқлашлари лозим бўлади.

Асосий саволлар:

Менинг ҳаракатларим оқибатлари қандай? Нима учун яхши ишларни амалга ошириш муҳим?

Ёш:

6 - 9 ёш

Қадриятлар:



Кўнималар:



Давомийлиги:



Тайёргарлик кўриш:

- Имкон бўлса «[Зорблар: яхши одатлар](#)» мультпликацион фильми намойиш қилинг ёки «Адолат учун таълим» [E4J веб саҳифасида](#) мавзуга оид мавжуд тегишли комиксларнинг нусхаларини болаларга тарқатинг.

Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва [бўёқ дафтарлари](#) билан ҳам танишишингиз мумкин.



Кириш



1. Бугунги машғулот орқали болалар тўғри қарор қабул қилиш ва яхши одатларнинг кундалик ҳаётдаги ўрни ҳақида тушунчага эга бўлишларини тушунтиринг.
2. Болаларни жуфтликларга бўлиниб, қўйидаги саволларга жавоб топишларини илтимос қилинг:
«Ҳаракатларнинг эҳтимолий оқибатлари қандай бўлиши мумкин?»
«Ушбу ҳаракатларнинг оқибатлари ижобийми ёки салбий?»
3. Агар ҳаракатларнинг оқибати салбий бўлса, жуфтликларнинг юзларида ҳомуш, аксинча, ижобий бўлса, табассум кайфияти бўлиши кераклигини тушунтиринг.
Болаларга ўз фикр-мулоҳазаларини синфдошлари билан бўлишишларини илтимос қилинг.
4. Қуйидагиларни овозингизни чиқариб ўқиб беринг. Агар истасангиз, уларни ўзингизга мослаб ўзгартиринг. Ҳар бир гапдан сўнг болаларга бошқа жуфтликлар билан уларни муҳокама қилишлари учун озгина вақт беринг (мисол учун бир дақиқадан).
 - Мен ёши улуғ қўшнимга қўлларидаги оғир пакетларини тепага олиб чиқишга ёрдам бердим.
 - Мен дўстимнинг туғилган кунига ўз қўлим билан қоғоздан табрикнома ясадим
 - Мен энг яқин дўстимга математикадан тест топшираётган вақтимизда кўчиришга рухсат бердим.
 - Мен банан еганимлан сўнг, унинг пўстлоғини мактаб худудига ерга ташладим.
 - Мактабимиздаги болалардан бири менга лақаб ўйлаб топди.
 - Қўшнилариимиздан бири нотаниш бола билан уришаётганини кўриб индамасдан йўлимда давом этдим.
 - Мен онамга ўқитувчим ижодий ишимни мақтаганлигини айтдим.
 - Мен эрталаб қўшнимга салом бермадим.
5. Ҳар бир ҳаракатларимизнинг оқибатлари борлиги, баъзилари ижобий, бошқалари эса салбий бўлиши мумкинлигини болаларга тушунтиринг.



Асосий қисм



Изоҳ: Агар «Зорблар: яхши одатлар» мультипликацион фильмини кўриш ёки ушбу мавзуга оид тегишли комиксларни ўқишга имкон бўлса, унда қуйидаги шартларни бажаришингиз лозим бўлади. Агар бунинг имкони бўлмаса, 2-шартни ўтказиб юборинг.

1. Болаларга машғулот мобайнида қабул қилинган қарор ёки амалга оширилган ҳаракатдан сўнг вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни ўйлаш ҳамда имкон қадар доим яхши амалларни қилиш муҳимлиги тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинишини айтинг.
2. Болаларга «Зорблар: яхши одатлар» видеосини кўришни таклиф қилинг ва тегишли комиксларни тарқатинг. Сўнг қуйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда муҳокамани давом эттиринг:

«Нима деб ўйлайсиз, бу ҳолатдан биз ўзимиз учун қандай ҳулоса чиқаришимиз мумкин?»
«Нима деб ўйлайсиз, нега Грейс банан пўстлоғини ерга ташлаши мумкин деб ҳисоблади?»
«Агар Грейс ва Сигнал банан пўстлоғини ерга ташлашганида, бу ҳаракатнинг оқибатлари қандай бўлар эди?»
«Ҳеч қим қарамаётган бўлса, нима учун Грейс банан пўстлоғини ахлат челагига ташлаши керак?»
«Нима учун охирида Сентимо ва Сигнал бошқалар ташлаган ахлатни ердан олиб, махсус ахлат челака ташлашди?»



Асосий қисм



3. Болаларга кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Ҳар бир гуруҳга “Кириш” қисмидаги таъкидлаб ўтилган ҳаракатларни биттадан тарқатинг. Бунда, қаҳрамонларнинг бири ўзи ва атрофдагилари учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширади. Агар истасангиз, болаларга ўзлари шунга ўхшаш бошқа мисолларни таклиф қилишлари мумкинлиги айтинг.
4. Ҳар бир гуруҳга қуйидаги саволларга жавоб топиш учун беш дақиқа берилишини эслатинг:
 - «Нима деб ўйлайсиз, бу саҳна кўриниши қаҳрамонларининг ҳар бири нималарни ҳис қилиши мумкин?»
 - «Нима деб ўйлайсиз, нима учун одамлар ўзини бундай тутишади?»
 - «Бу тўғри қарорми? Нима учун?»
5. Гуруҳларга қуйидаги саволларга ўзларининг жавобларини тақдим этишлари ва ҳар бир сценарийни бутун синф билан биргаликда муҳокама қилишларини илтимос қилинг.
6. Синфга юқорида келтирилган ҳар бир вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўйлаб кўришни айтинг. Болалардан ушбу мисолларга альтернатив, яъни қаҳрамонлар ҳар қандай салбий ҳолатларга йўл қўймаган ҳолда тўғри қарор қабул қилишга ҳаракат қилиш ҳолатларидан мисоллар келтиришларини илтимос қилинг.

Тавсиялар: Агар у ёки бу салбий вазиятни кўра туриб уни яхшилашга қаратилган ҳеч қандай ижобий ҳаракат қилмасангиз, унда Сиз шу муаммонинг бир қисмига айланасиз.

Баъзида, тўғри танлов нималигини тушуниш мураккаб туйилиши мумкин. Қуйидаги мисолларда келтирилган гапларни болалар нотўғри қарор деб қабул қилишлари қийин бўлиши мумкин.

1. Мен энг яқин дўстимга математикадан тест топшираётган вақтимизда кўчиришга рухсат бердим.
2. Кўшниларимиздан бири нотаниш бола билан уришаётганини кўриб индамасдан йўлимда давом этдим.

Қуйидаги вужудга келиши мумкин бўлган саволларга ечим топиш муҳим бўлади:

1. Ҳеч кимга жароҳат етмади, агар ҳеч ким билмаса, нега дўстимга бундай тарзда ёрдам кўрсатишим нотўғри?
2. Баъзилар бошқалар билан яхши муносабатда бўлмасликлари мумкин, лекин мен бундай вазиятларни назорат қилувчи инсон эмасман. Нима учун мен бундай вазиятда қандайдир бошқача ҳаракат қилишим керак?

Қуйидаги гаплардан фойдаланган ҳолда ушбу сценарийларни муҳокама қилинг:

1. Ёлғон – бу атрофдагиларга нисбатан адолатсизлик каби тушунчалигини тушунтиринг. Бундан келиб чиқадики, ёлғон гапириш бу яхши ямас, буни ҳеч қандай рағбатлантириб бўлмайди. (Агар Сиз нима учун ёлғон нотўғри иш эканлиги тўғрисида қўшимча маълумотга эга бўлишни истасангиз, унда “Одоб-ахлоққа оид саволларга ечим топиш” дарс режаси билан яқиндан танишишингиз мумкин).
2. Нима бўлишидан қатъий назар, оқибати қандай бўлган тақдирда, ҳеч ким буни кўрмаса ҳам, доим яхши нарсаларни қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтинг.
3. Агар у ёки бу салбий вазиятни кўра туриб, уни яхшилашга қаратилган ҳеч қандай ижобий ҳаракат қилинмаса, унда ушбу муаммонинг бир қисмига айланишингиз мумкинлигини тушунтиринг.



Фикрлаш



1. Болаларга баъзида уларнинг қарори тўғри ёки нотўғрилигини билишлари мураккаб бўлиши мумкинлигини тушунтиринг.
2. Улар билан ушбу масалани биргаликда муҳокама қилинг. Бунинг учун “Қабул қилган қарорнинг тўғрилигига қандай ишонч ҳосил қилса бўлади” номли Тавсиялардан фойдаланинг.
3. Қалбингизга, яъни ичингиздаги овозга қулоқ солиш муҳимлигини тушунтиринг. Яхши ишларни қилиш-бу шунчаки ўрнатилган тартиб, қоида ва қонунларга амал қилиш ҳисобланишини эслатинг. Тўғри қарор қабул қилиш ўз ичига вазиятга тўғри баҳо бериш ва унинг оқибатида атрофдагиларга бўлган таъсирини аниқлай билишни олиш эканлигини тушунтиринг.
4. Муҳокамани қилаётган ҳаракатларимизни нотўғри деб ҳисобласак ёки уларнинг натижаси ижобий бўлишига ишонч ҳосил қилмасак, ота-онамиз ёки биздан ёши катта инсонлар билан маслаҳатлашишимиз маъқуллигини таъкидлаган ҳолда яқунланг.

Тавсия: Қабул қилган қарорнинг тўғрилигига қандай ишонч ҳосил қилса бўлади

Ушбу машқ болаларга тўғри қарор қабул қилишни ўргатишларига ёрдам бериши мумкин.

Қуйидагиларга ишонч ҳосил қилган ҳолда, қабул қилаётган қарорларининг натижасида вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай оқибатларни ўйлаб кўришларини тушунтиринг:

- Бундан ҳеч кимга ҳеч қандай зиён етмади ва ҳеч ким хавф остида эмас.
- Ҳеч ким ҳеч нарсадан ранжимаган, ҳомуш, ёлғиз ёки қўрқув ҳолатида эмас.
- Улар ўзлари ҳамда атрофдагиларига нисбатан ҳурматда ва яхши муносабатдалар.
- Улар бошқалар билан ўзларига нисбатан қандай муносабатда бўлишларини исташса, шундай муносабатдалар.
- Улар ўзлари ҳурмат қиладиган ва ишонадиган яқинлари ёки ота-оналари ҳам бундай вазиятда ҳудди улар каби тўғри қарор қилишларига ишонишади.
- Улар ўз қалбларига, яъни ички овозларига қулоқ солишади.

Юқоридагиларни ўзингизга мослаган ҳолда ўзгартиришингиз мумкин.




Оилавий машғулот: ҳар ҳафталик “Тўғри танлов” режасини ишлаб чиқиш


Болаларга оила даврасида, ота-оналари ёки яқинлари билан ҳар ҳафталик “Тўғри танлов” режасини ишлаб чиқишларини илтимос қилинг.

Диаграмма тузиш учун улар бир вароқ қоғозни олиб уни етти қисмга бўлишлари лозим. Чап томонига ҳафтанинг кунлари ёзилиши керак.

Ҳафтанинг ҳар куни улар қабул қилаётган қарорлари ёки танловлари тўғрисида ўйлашлари лозимлигини тушунтиринг. Куннинг якунида улар ота-оналари билан қабул қилган қарорлари ёки танловларининг қайси бири ижобий натижа кўрсатиши тўғрисида суҳбатлашишлари керак бўлади. Ота-она, ака-ука ёки опа-сингиллари ҳам ушбу жараёнда иштирок этиб ўз тажрибалари билан ўртоқлашишлари мумкин. Ҳар бир ўқувчи ўзининг чизмасида тўғри танловини ёзиб бориши лозим бўлади.

Агар имкон бўлса, бир ҳафтадан сўнг болаларга ўз натижалари (диаграмма) билан синфдошлари билан ўртоқлашишларини ва уларни биргаликда муҳокама қилишларини илтимос қилинг.





ОДОБ-АХЛОҚҚА ОИД САВОЛЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ



Мавзу бўйича дарс режаси:

Ҳалоллик, одоблилик, ростгўйлик

Қўлланмани турли шароитларга мослаштириш бўйича маслаҳатлар.



- «Асосий» қисмда келтирилган жумла ва фикр-мулоҳазаларни ўз синфингиз учун мослаштиришингиз мумкин.
- Ҳалоллик сценарийси карталарига ҳам уни синфга мослаш учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Машғулот вазифалари:



Дарс якунида болалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- Ҳалоллик, одоблилик ва ростгўйлик тушунчаларининг мазмун ва моҳиятини англаш.
- Ўз ниятлари ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатнинг ростгўй бўлиши муҳимлиги тўғрисида фикрлаш.
- Сўзлар ҳаракатларга мос бўлиши муҳимлигини англаш.
- Беодоб хулқ ва ёлғон хатти-ҳаракатнинг оқибати аниқлаш.

Мазкур дарс режасидан қандай фойдаланиш мумкин?



Дарс режаси уч қисмга бўлинган: **Кириш**, **Асосий қисм** ва **Фикрлаш**. Мавзуга оид билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсасида қўлланмада алоҳида **«Тавсиялар»** ҳамда **«Қўшимча вазифа»** ва **«Оилавий машғулотлар»** ҳам ўрин олган.

Машғулот ҳақида умумий маълумот:



Ушбу машғулотда болалар ҳалоллик, одоблилик ва ростгўйлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини, уларнинг кундалик ҳаётдаги ўрнини ўрганишади.

Улар қабул қилаётган қарорлари ва танловларида қандай тамойилларга асосланишни, шу жумладан, бунда ростгўйлик тушунчасига қандай эътибор бериш лозимлигини ўрганишади.

Бундан ташқари, болалар кундалик ҳаётда учрайдиган одоблилик ва одобсиз хатти-ҳаракатларни, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашни билиб олишади.

Биргаликда ва жамоада ишлаш давомида одоб-ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқиб, синфда ҳалоллик, ростгўйлик ва одоблиликни таъминлашга кўмаклашадилар.




Асосий саволлар:

Ҳалоллик, одоблилик ва ростгўйлик тушунчалари нимани англатади? Нима учун, гарчи буни ҳеч ким кўрмаса-да, доим яхши нарсаларни қилиш ва тўғри ҳаракатларни амалга ошириш муҳим? Нима учун уйлаган нарсани гапириш ва сўнг айтилган сўзларга мувофиқ ҳаракат қилиш муҳим?

Ёш:

9 - 12 ёш

Қадриятлар:



Кўнималар:



Давомийлиги:



Изоҳ: Мазкур машғулот бир неча кунга бўлинган ҳолда ўтилиши мумкин. Машғулотни қисмларга бўлиш ва ўқув жараёнини давомийлигини тақсимлаш бўйича тавсияларни дарс режасидан кўриш мумкин.

Машғулотга тайёргарлик кўриш:

- Бир неча ҳалоллик сценарийси карталари
- Флипчартлар
- Маркерлар
- Имкон бўлса **«Зорблар: Осон йўлнинг ёмон оқибати»** мултипликацион фильми ёки «Адолат учун таълим» **E4J веб саҳифасидаги** мавзуга оид мавжуд тегишли комикслардан фойдаланинг.

Бундан ташқари zorbify.com сайти орқали комиксларни яратиш учун мўлжалланган инструментлар ҳамда E4J саҳифасидан болалар учун китоб ва **бўёқ дафтарлари** билан ҳам танишишингиз мумкин.

Кириш



Изоҳ. Ушбу ҳаракатни икки босқичга бўлиб амалга ошириш мумкин (1 дан 3 гача бўлган ҳамда 4 дан 12 гача бўлган босқичлар). Сиз бу билан одоблилик, ҳалоллик ва ростгўйлик концепциясини ўрганишга етарли вақт ажратган бўласиз. Муҳокамани давом эттириш учун «Тавсиялар: одоблилик, ҳалоллик ва ростгўйлик тушунчаларининг моҳияти»дан фойдаланинг.

1. Болаларга жуфтликларга бўлиниб, қуйидаги сценарий бўйича нима қилиш кераклигини ўйлаб кўришларини илтимос қилинг:

Сиз синфингизда қолган болаларга нисбатан унчалик машхурликка эга бўлмаган дўстингизни бирга ўйнашга таклиф қилдингиз. Бундан олдин Сиз жуда машхур бўлган синфдошларингизни учратдингиз. Сиз уларни сафида бўлишни жуда ҳам хоҳлайсиз, улар Сизни ўзлари билан ўйнашга таклиф қилишмоқда, бироқ Сиз дўстингизни ҳам таклиф қила олмайсиз.

Бундан вазиятда қандай йўл тутасиз? Нима учун?


2. Бир неча дақиқадан сўнг ҳар бир жуфтликка қуйидаги саволлар билан муружаат қилиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан бўлишиларини илтимос қилинг:

- Қарор қабул қилиш осон бўлдими ёки қийин?
- Нима учун бу осон ёки қийин бўлди?

3. Болаларга, баъзида бир муаммога дуч келганда, биз **тўғри** қарор қабул қилишимиз муҳим бўлган ҳолатлар тўғрисида суҳбатлашишингизни тушунтиринг.

Уларга нима қилиш керак ва қандай қилса тўғри бўлиши ҳақидаги қарорлар тўғри қарорлар деб юритилишини тушунтиринг.

Улар бу каби танловларга кўп дуч келишлари мумкинлиги ва танқидий фикрга асосланган ҳамда пухта ўйлаб қилинган қарор шу инсоннинг **маънан етук эканлигини англатишини** намоён этишини тушунтиринг. Агар зарурият бўлса, ушбу концепцияни болаларга яхшироқ тушунтириш учун **«Тавсиялар: Одоблилик, ҳалоллик ва ростгўйлик тушунчаларининг моҳияти»** бўлимидаги маълумотдан фойдаланишингиз мумкин.



«Тавсиялар: «Одоблилик», «ҳалоллик» ва «ростгўйлик» тушунчаларининг моҳияти.

Одоб – бу маънавий тамойилларнинг жамланмаси. Ушбу тамойиллар бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ва хулқимизни шакллантириб, нима тўғри ва нима нотўғрилигини тушунишга ёрдам беради.

Яхши одат ва тўғри ҳаракатлар танқидий фикрлаш, ўзи ва атрофдагиларга нисбатан бўлган яхши муносабат, ўзаро ҳурмат ва қилаётган ишларни пухта ўйланишига асос бўлади.

Қачонки, биз қандай қилсак тўғри бўлишини англаб, шундай ҳаракат қилсак, шунда биз ўзимизни одобли тутган бўламиз.

Агар биз доим ўзимизни одобли тутсак, шунда ростгўй инсон бўламиз. Ростгўйлик эса, ўз навбатида одоблилик тамойилларига асосланган босқичма-босқич ҳаракат ҳисобланади.

Ҳалоллик ва ростгўйлик билан ҳаракат қилмоқ, бу доимо тўғри, ҳеч кимга зиён келтирмайдиган қарорларни қабул қилиш дегани.

Бундан ташқари, бу яхши нарсаларни, уёки бу совға, эътибор ёки соврин учун эмас, балки шунчаки яхши одатдан келиб чиқиб қилиш муҳимлигини англатади. Масалан, ростгўй ва адолатли бўлсак, ўзимиз ва атрофимиздагиларни ҳурмат қилсак, яхши ниятларимиз яхши ҳаракатлар билан намоён бўлса, ўзимизга, қобилиятларимиз ва имкониятларимизга ишонсак ва ҳ.к.з.

Ростгўйлик - бу адолатли, очиқ кўнгил бўлиш, ўрнатилган тартиб ва қоидаларга амал қилиш ҳамда ёлғоннинг ҳар қандай шаклидан йироқ бўлишни англатади.

Ростгўйлик – бу бизнинг хулқ-атворимизга таянган одоблилик тамойилларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ростгўйлик доим тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Синфда ўқувчилар билан одоб-ахлоқ тушунчасини муҳокама қилиш учун қуйидаги веб-саҳифадаги маълумотлар билан танишишингиз мумкин (инглиз тилида): <https://primaryethics.com.au/about-ethics-classes/>

Синфда ўқувчилар билан ҳалоллик тушунчасини муҳокама қилиш учун қўшимча маълумотларга эга бўлишни истасангиз, унда қуйидаги маълумотлар билан танишишингиз мумкин: <https://www.oecd.org/governance/ethics/education-for-integrity-web.pdf>.


Синфда ўқувчилар билан ростгўйлик тушунчасини муҳокама қилиш учун қўшимча маълумотларга эга бўлишни истасангиз «Тўғри танлов» дарс режасидан ҳамда қуйидаги веб-саҳифада жойлаштирилган ресурслардан фойдаланишингиз мумкин: <http://www.greatexpectations.org/resources-about-honesty>.

Кириш



4. Болаларга машғулотда **ҳалоллик ва ростгўйлик** бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчалар кўриб чиқилишини эслатинг.
5. Ҳар бир ўқувчига бир вароқ қоғозда 1 дан 10 гача бўлган битта сон ёзишни илтимос қилинг. Улар ёзган сонни синфдошлари кўрмасликлари лозимлигини тушунтиринг.
6. Сиз рақам айтишингиз ва айнан шу рақамни танлаган болалар ғолиб бўлишларини тушунтиринг.
7. 10 дан кўра кўпроқ, мисол учун 25 сонини айтинг.
8. Энди эса синфга қуйидаги саволларни беринг:
 - Бу ўйин ҳақида қандай фикрдасиз?
 - 25 сони айтилганлиги адолатдан бўлдими?
 - Нима учун? Ушбу вазият юзасидан Сиз ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?
 - Нима деб ўйлайсиз, мен адолатли ўқитувчиманми?
 - Нима учун бундай қарорга келдингиз?
9. Ҳозирги биргаликда ўйнаган ўйин қоидаларини ўзингиз 1 дан 10 гача деб белгилаб, ундан кўра юқори сонни айтиб қоидаларга амал қилмай, болаларга ёлғон гапириб, адолатсизлик қилганингизни тушунтиринг.

Ростгўйлик - бу ҳаётдаги энг муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. У Сизга тўғри қарор қабул қилишда ёрдам беради. Агар инсонлар доим шу тамойилга асосланиб яшашса, улар ўзларини одобли тутишади, улар **ростгўй** бўлишади.
10. Ўқувчиларга гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг ва ҳар бир гуруҳга флипчарт ва маркерлар тарқатинг.
11. Юқорида муҳокама этилган масалалардан келиб чиқиб, ҳар бир гуруҳ ўзлари учун мақбул деб билган, ҳаётлари давомида тўғри қарор қабул қилишлари учун доим уларга асосланиб ҳаракат қиладиган тамойил ва қадриятларини санаб ўтишларини илтимос қилинг.
12. Ҳар бир гуруҳдан ўзлари тайёрлаган ишни намоиш қилишлари ва хонанинг турли бурчакларига жойлаштиришларини илтимос қилинг.



Асосий қисм



Изоҳ. Қуйидаги ҳаракатни икки босқичда амалга ошириш мумкин (1–4 ва 5–7 босқичлар). Агар болалар билан «Зорблар: осон йўлнинг ёмон оқибати» видеоси ёки мавзуга оид тегишли комиксларни кўриш имкони бўлса, унда барча машқларни бажаришингиз керак. Акс ҳолда, 3-машқни ўтказиб юборинг.

1. Болаларни бир нечта кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Ҳозир бир нечта вазиятларни ўқиб эшиттиришингиз ва гуруҳ ичида уларга мақбул ечимни топиш лозимлигини тушунтиринг.
2. Ўқувчиларга қуйида келтирилган жумлаларни ўқиб беринг. Ҳар бир жумладан сўнг болаларга уларни муҳокама қилишлари учун вақт беринг. Сўнг улар ушбу вазиятга бўлган муносабатлари, яъни унда нима қилса тўғри бўлиши ва нима учун улар бу қарорга келишганлари тўғрисида айтиб беришларини илтимос қилинг. Ўзингиз ўқиётган жумлаларни синфингиз учун мослаштириш мақсадида, уларга ўзгартириш киритишингиз мумкин.
Агар..... нима қилган бўлар эдингиз?
 - Дўстингиз дўкондан шоколадни ўғрилаб кетганини кўрганингизда;
 - Бўш кўчада ҳамён топиб олсангиз;
 - Сиз ҳақиқатдан ҳам янги ўйин сотиб олмоқчи эдингиз, лекин етарлича пулингиз йўқ эди ва онангиз ўз ҳамёнидан пулларни бехосдан тушуриб қолдирса;
 - Сиз ўқийдиган мактабнинг ўқувчиларидан бири болалар майдончасида кимнидир масхара қилаётганини кўрганингизда;
 - Энг яқин дўстингиз математикадан тест вақтида фақат бир марта Сиздан жавобларни кўчириб олишни сўраётганда;
 - Мактабингиздаги ўқувчилардан бири Сизни бошқа бир синфдошингиз билан дўст бўлмаслигингизни сўраса.
3. Барча жумлаларни ўқиб берганингиздан сўнг, ўзи ва атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлган бола **яхши ниятли, ростгўй** инсон эканлиги ҳақида муҳокама қилинг.
4. Болаларга «Зорблар: Осон йўлнинг ёмон оқибати» видеосини намойиш этиб, мавзуга оид тегишли комиксларни тарқатинг. Сўнг, муҳокаманинг бошлаш учун, қуйидаги саволлардан фойдаланинг:
 - Нима деб ўйлайсиз, бу ҳикоядан биз ўзимиз учун қандай ҳулоса чиқаришимиз мумкин?
 - Нима учун Скутер тест жавобларини кўчириб олишга қарор қилди?
 - Нима учун Скутер ўқитувчидан совға олганда ҳижолат бўлди?
 - Скутер тест жавобларини кўчираётганини ҳеч ким кўрмади. Бу дегани, у Портудан кўчириши яхши фикр эдими?
 - Тасаввур қилинг, Сиз Скутернинг ўрнидасиз. Бошқа бировдан жавобларни кўчириб, натижангиз яхши бўлганлиги учун ўқитувчи Сизни мақтаганда, нима қилган бўлар эдингиз?
5. Болалардан беш кишидан иборат бўлган гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилинг. Ҳар бир гуруҳга биттадан ҳалоллик сценарий картаси тўпламидан тарқатинг. Ҳар бир боладан биттадан карточкани олиб унда ёзилганларни ўзининг гуруҳига ўқиб беришини илтимос қилинг. Ҳар бир карталар тўплами сценарийнинг қисмлари ҳисобланиб, ҳар бир карточка бу сценарийдаги алоҳида қаҳрамонни ифодалашини тушунтиринг. Гуруҳ бўлиб ишлашга қарамасдан, ҳар бир бола яқка тартибда карточкасида кўрсатилган қаҳрамонни намоён қилиб, унинг фикрига кўра у ёки бу вазиятда ушбу қаҳрамон нима дейиши ва нима қилиши кераклигига қараб жавоб бериши лозимлигини эслатинг.



Асосий қисм



Ҳалоллик сценарийси карталари. 1-тўплам



Антониа

Сиз математикадан ёзма ишга пухтатайёргарликкўрдингиз. Ёзма ишидан бир кун олдин, Сизнинг дўстингиз Марко ўқитувчининг столида математикадан ёзма иш нусхасини топиб олганлигини Сизга маълум қилди. Марко – Сизнинг энг яқин дўстингиз.



Марко

Сиз ўқитувчининг столида математикадан ёзма ишнинг нусхасини топиб олдингиз. Ёзма иш эртага бўлади. Сиз унга тайёр эмассиз. Сиз ён атрофга боқиб ҳеч ким қарамаётганлигини кўряпсиз.



Профессор Макс

Сиз эртага ўқувчилар топшириши керак бўлган математикадан ёзма ишнинг саволларини вароққа ёзиб қўйдингиз. Лекин ярим соат ўтиб, Сиз уларни иш столингизда қолдирганлигингизни эсладингиз. Сиз қайтиб келиб иш столингиз ёнида турган вароқни кўрдингиз. Сиз ўқувчилардан бири уларни кўрганлиги тўғрисида ҳавотирга тушдингиз, лекин бунга ишонч ҳосил қилмагансиз. Ёзма ишни ўзгартириб қайтадан чиқариш анча вақт талаб этади, Сизда эса вақт унчалик кўп эмас.



Сониетер

Сиз Марко билан дўст эмассиз. У кўпинча Сизни кўрқитиб, тушлигингизни олиб қўяди. Сиз уни ўқитувчи столи олдида эртанги математикадан ёзма ишнинг нусхаларини топиб олганлигини кўрдингиз. Сиз ёзма ишга унчалик ҳам тайёр эмассиз.



Натали, мактаб боғбони

Сиз ҳозиргина Марко профессор Макс иш столида қолдирган математикадан ёзма ишларнинг нусхаларини олганини кўрдингиз. Сиз математикадан ёзма иш эртага бўлишини ва математика Марко учун унчалик қийин фан эмаслигини биласиз. Профессор Максни эса ёқтирмайсиз, чунки уни димоғдор деб ҳисоблайсиз.

Асосий қисм



Ҳалоллик сценарийси карталари. 2-тўплам



Николь

Сиз, Эрнесто ва Сара битта футбол жамоасида тўп сурасиз. Ҳисоб 0-0, ўйин охиригача уч дақиқа қолди. Сиз Эрнестодан яхши узатма олиб гол урдингиз. Сиз тўпни бошқараётган вақтингизда, у Сизни қўлингизга тегди. Сиз гол урдингиз. Жамоангиз Сизни табриклашмоқда. Ҳакам эса ҳеч нарса демаяпти. Агар гол ҳисобга олинмаса, Сизнинг жамоангиз лигадан чиқиб кетади, чунки Сиз мавсумдаги барча ўйинларни ютказгансиз.



Эрнесто

Сиз Никольнинг энг яқин дўстисиз ва у билан бир жамоада тўп сурасиз. Ҳисоб 0-0, ўйин охиригача уч дақиқа қолди. Николь Сиздан яхши узатма қабул қилиб, тўпни дарвоза томон тепади. Бироқ у тегишдан олдин тўпга қўлига текканини кўрдингиз. Бу ҳолатни на ўйинчилар, на ҳакам кўрмагандек бўлди. Агар гол ҳисобга олинмаса, Сизнинг жамоангиз лигадан чиқиб кетади, чунки Сиз мавсумдаги барча ўйинларни ютказгансиз.



Мураббий Альберт

Сиз Николь, Сара ва Эрнесто уйнайдиган футбол жамоаси мураббийисиз. Ҳисоб 0-0, ўйин охиригача уч дақиқа қолди. Сиз Николь гол урганини кўрдингиз. У голни оёғи билан урди, лекин назарингизда тўп унинг қўлига теккандек бўлди. Агар гол ҳисобга олинсама, Сизнинг жамоангиз лигадан чиқиб кетади, чунки Сиз мавсумдаги барча ўйинларни ютказгансиз.



Сара

Сиз, Эрнесто ва Николь битта футбол жамоасида тўп сурасиз. Ҳисоб 0-0, ўйин охиригача уч дақиқа қолди. Сиз, аслида Никольнинг дўсти эмассиз. Сиз унинг гол урганини кўрдингиз, лекин ўйлашингизча у топга қўли билан тегди. Бу ҳолатни на ўйинчилар, на ҳакам кўрмагандек бўлди. Агар гол ҳисобга олинмаса, Сизнинг жамоангиз лигадан чиқиб кетади, чунки Сиз мавсумдаги барча ўйинларни ютказгансиз.



Сандра

Сиз Никольнинг онасисиз. Сиз қизингиз футбол ўйнаётганини тамоша қиляпсиз. Ҳисоб 0-0, ўйин охиригача уч дақиқа қолди. Сиз Николь Эрнестонинг яхши узатмаси билан гол урганлигини кўрдингиз. У тўпни қабул қилди, лекин Сизнинг ҳам назарингизда у тўпга қўли билан тегди. Бу ҳолатни на ўйинчилар, на ҳакам кўрмагандек бўлди. Агар гол ҳисобга олинмаса, Сизнинг жамоангиз лигадан чиқиб кетади, чунки Сиз мавсумдаги барча ўйинларни ютказгансиз.



Асосий қисм



6. Ҳар бир гуруҳга қуйидагиларни муҳокама қилишни илтимос қилинг:
 - Нима деб ўйлайсиз, энди нима бўлади?
 - Нима деб ўйлайсиз, Сизнинг қаҳрамонингиз қандай ҳаракат қилади?
 - Қаҳрамонингиз ҳаракатларининг оқибати қандай бўлиши мумкин?
 - Ҳар бир қаҳрамон ўзини қандай ҳис қилади? Гуруҳдаги бошқа инсонлар эса ўзларини қандай ҳис қиладилар?
 - Нима деб ўйлайсиз, ушбу сценарийда одоб нуқтаи назаридан энг мақбул ечим қандай бўлади?
 - Қандай қарор эса одобсиз, нотўғри бўлади? Нима учун?
7. Ҳар бир гуруҳдан ўз сценарийси ва унга жавобларини тақдим этишларини илтимос қилинг.
8. Болалардан қуйидаги саволлар тўғрисида ўйлаб кўришларини илтимос қилинг. Агар Сизга муҳокама мобайнида ёрдам керак бўлса, унда **«Тавсиялар: нима учун ёлғон гапириш бу нотўғри»** бўлимидаги маълумотдан фойдаланишингиз мумкин.
 - Нима учун инсонлар ўзларини одобли тутишлари муҳим? Акс ҳолда нима бўлиши мумкин?
 - Нима учун ёлғон гапириш бу нотўғри? Ёлғоннинг оқибатлари қандай?

Тавсиялар: нима учун ёлғон гапириш нотўғри?

Нима учун ёлғон гапириш нотўғрилигининг қатор сабаблари бор. Қуйидаги мисоллар Сизга мазкур масалани муҳокама қилишга ёрдам бериши мумкин.

Ёлғон бу аτροφдагиларга нисбатан беҳурматликни билдиради. Болаларга қуйидагилар тўғрисида ўйлаб кўришни илтимос қилинг:

- Агар бирга ўйнаган дўстингиз ёлғон ишлатиб, ғалаба қозонганда, Сиз ўзингизни қандай ҳис қилган бўлар эдингиз?
- Сиз ёзма ишга пухта тайёргалик кўрдингиз, лекин синфдошингиз жавобларни кўчириб, Сиздан кўра юқори баҳо олганида нималарни ҳис қилган бўлар эдингиз?

Ёлғон - бу қоидага амал қилган ҳолда ҳаракат қилаётган инсонларга нисбатан ҳурматсизлик


Ёлғон ўзига нисбатан ҳам беҳурматликни англатади. Болаларга қуйидагилар тўғрисида ўйлаб кўришларини илтимос қилинг:

- Яхши тайёргарлик кўрганингиз учун ёзма ишни аъло даражада ёзсангиз, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?
- Тайёргарлик кўрмасдан ва жавобларни кўчириб, лекин ёзма иш учун яхши баҳо олсангиз, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

Ёлғон ўзингиз билан фахрланишингизга имкон яратмайди. У ўзини ёмон ҳис қилишга мажбурлайди. Кимдир кўриб қолиши ёки билиб қолиши тўғрисида ўйлаб ҳавотирланасиз. Ёлғон гапирмоқ - бу инсон ўзига, ўз қобилиятлари ва имкониятларига ишонмаслиги тўғрисида айтиши билан баробардир.

Ёлғон инсонларнинг Сизга бўлган ишончи йўқолишига сабаб бўлади.

Сиз билмаган нарсангизни билишингиз, қилмаган ишингизни қилганингизни таъкидлайсиз. Сиз одобсизлик қилиб, ростгўйлик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилмаяпсиз.



Фикрлаш



1. Қуйидагиларни синфга ўқиб беринг:
Агар назорат ва жавобгарлик бўлмаганида, барча ёлғон гапирган бўлар эди.
2. Болалардан ушбу гапнинг тўғри ёки нотўғрилигини ўйлаб кўришлари ва нима учун улар бундай фикрга келганларини сўраб кўринг
3. Лозим бўлса, болаларга кундалик ҳаётда доимо одоб тамойилларига асосланган ҳолда ҳаракат қилиш муҳимлиги тўғрисида ўйлаб кўришларини таклиф қилинг. Уларга нима бўлишидан қатъий назар, кимдир буни кўряптими ёки йўқми, инсон доим ростгўй бўлиши ва одоб тамойилларига асосланиб ҳаракат қилиши кераклигини тушунтиринг. Яхши нарсаларни у ёки бу совға, эътибор ёки соврин учун эмас, балки шунчаки яхши одатдан келиб чиқиб қилиш муҳимлигини эслатинг.

Қўшимча вазифа: Мактабнинг одоб-ахлоқ меъёрлари

Ушбу машғулот болаларга мактабнинг одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқишларига имкон беради.

Болалардан гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ синфда ростгўйлик, ҳалоллик ва одоблиликни таъминлашга ёрдам берадиган 2-3 тадан қоидани таклиф қилишларини илтимос қилинг. Улар бундан дарс режасида фойдаланишлари мумкин.

Агар болаларга одоб-ахлоқ қоидаларини яратишда ёрдам керак бўлса, қуйидаги мисоллардан фойдаланишлари мумкин. Зарурият бўлса, Сиз уларни ўз синфингиз учун мослаштиришингиз мумкин.

- Менинг мактабдаги ютуқларим - бу менинг шахсий ҳаракатларимнинг натижаси ҳисобланади.
- Гуруҳ бўлиб ишлаётган вақтимизда, мен бошқа ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиб, уларни ҳурмат қиламан.
- Мен синфдошларимдан кўчирмайман.
- Агар мен бошқа бир инсоннинг яратган иши ёки ғоясидан фойдалансам, мен албатта буни тан оламан ва бу тўғрисида таъкидлаб ўтаман.
- Мен бошқа бир инсоннинг ишини ўзимники деб намоиш қилмайман.
- Мен ўқитувчимнинг розилигисиз унинг қўлёзмаларини ўқимайман.
- Мен кундалигимга ота-онам ўрнига қўл қўймайман.
- Ман ёлғон ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган маълумотни тарқатмайман.
- Агар мен у ёки бу ҳаракатга масъул бўлсам мен буни тан оламан ва узр сўрайман.
- Мен ўз синфдошларим ва ўқитувчиларимни ҳурмат қиламан: Мен улар гапирётганда қулоқ соламан, муҳокама мобайнида ўз навбатимни кутиб гапираман; бошқаларнинг ғоя, фикри ва дунёқарашини ҳурмат қиламан.
- Мен атроф-муҳитни асрашга ҳаракат қиламан: чиқиндини кўчага ташламайман, сувни, электр ва бошқа ресурсларни бекорга исроф қилмайман, синф ва мактабимизда озодалик сақланишига ўз ҳиссамни қўшаман.



Фикрлаш



Оилавий машғулот: Одоб, ростгўйлик ва ҳалоллик тушунчаларини уйда муҳокама қилиш

Ўқувчилардан одоб, ҳалоллик ва ростгўйлик тушунчаларини уйда, ота-оналари билан муҳокама қилишларини илтимос қилинг.


Оила аъзолари ўзларининг ҳаётларидан иккита, яъни бирида рост гапирганлари, иккинчисида эса - ёлғон ишлатган вазиятлари ҳақида гапириб беришлари лозимлигини тушунтиринг.

Агар ота-оналар фарзандларига ўзлари айтиб берган вазиятларни бошқаларга гапириб беришга руҳсат беришганлигига ишонч ҳосил қилсангиз, болаларга ҳикояларни биргаликда муҳокама қилишни таклиф қилинг.

Баъзида, ёлғон ишлатилган ҳикояларда ҳеч қандай салбий оқибатлар бўлмаслиги мумкин: ёлғон гапирган инсон, албатта гапидан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқарган бўлиши мумкин.

Ушбу машғулот Сизларга ростгўй бўлиш кундалик ҳаётимизда қанчалик муҳимлиги тўғрисида ўйлаб кўриш учун яхши имконият. Ҳеч ким буни кўрмасада, билмасада, доим ўзи ва атрофдагиларни ҳурмат қилиши одобнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Одоблилик, ҳалоллик ва ростгўйликнинг муҳимлиги таъкидлаган ҳолда доим яхши ҳаракатларни амалга ошириш лозимлигини тушунтиринг.





**Зорблар тўғрисида қўшимча
маълумотларни қуйидаги ҳавола
орқали топиш мумкин**

www.unodc.org/e4j/thezorbs



Доха декларацияси:
ҚОНУНГА ҲУРМАТ МАДАНИЯТИНИ
ТАРҒИБ ҚИЛИШ



Ўзбекистон
Республикаси Халқ
Таълими Вазирлиги